

Шарқ миниатюра мактаблари




Шарқ миниатюра мактаблари

МАКОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

Түпловчилар:

А. Мадраимов

Н. Норматов



ТОШКЕНТ
Ғафур Ғулом
номидаги
Адабиёт ва санъат
намриёти
1989

Шарқ миниатюра мактаблари: Мақолалар тұрлами/ Тұпловчилар: Мадраимов А., Норматов Н — Т.: Адабиёт ва санъат нацир, 1989. — 1846.

Мактүр мажиуада тұрғын мұзалифдар ғынындық сөзләр, ассоан. Шарқ миниатюра, янын мұхтабар құлесіндердің шыншаташ үшін артылған нағис мұжыт расы сандық мактаблары тұгерисидегі жаңа үйебиң тасвирдің санында түрмени үргазиш, кайты тикшерене билдиң. Оныңда бұлдан мәденилер жинақтама.

Китоб санъатшуносаляр, шу жумашдан барча санъат шебірхарига нұрдаудан дағынан

ББК 83.39з1

Школы восточной миниатюры: Сборник статей.

С 4903040000-72

М 352 (04)-89 116-88

ISBN 5-635-00057-6

© Гафур Руслан Номидаги
Адабиет ва санъат нацири,
1989 й.

Кадимги нодир қўлёзмалар ичида бизгача сақ-ланиб қолган нафис, мўъжаз расмлар алоҳида ўзига хос гўзаллик, нафосат оламига эга. Улардаги ёрқин рашнлар, нозик чизиқлар ва ажойиб мутаносиблик ҳамон томошабинга эстетик завқ бағишлайди. Шунинг учун ҳам бу рассомлик обидалари жаҳоннинг энг нуфузли музей, кутубхона ва мажмуаларида асрар-авайланмоқда.

Жаҳон тасвирий санъати ҳазинасидан муносиб ўрин олган миниатюралар Шарқ ҳалқларининг муштарағ бадиий меросиди. У анъанавий китобат санъатининг таркибий қисми булиб, қадимги нодир қўлёзмаларни зийнатлаш билан бирга, мазкур асарлардаги илғор инсонпарварлик ғоялари, олижанобликка бўлган интилиш, гўзаллик тўгрисидаги тасаввурни ифодалашига ҳам хизмат қилган. Ўрли санъаткорлар — хаттот, рассом, музахид, муқовасоз, жадвалкаш ва бошқаларнинг ижодий ҳамкорлигида яратилган нодир қўлёзмалар ўша давр маданий, ижтимоий ҳаётини ҳамда бадиий-эстетик қарашларини ўрганишда қимматли манбалардан ҳисобланади.

Яқин ва Ўрта Шарқ маданий марказлари бўлниш Багдод, Табриз, Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Шероз каби шаҳарларда X — XIX асрлар давомида маҳсус миниатюра мактаблари мавжуд бўлиб, баъзан юксак даражада ривожланган, баъзан эса таназзулга юз тутган. Ҳар бир рассомлик марказида ўзига хос бадиий-ифодавий хусусиятлар юзага келиши билан бирга, уларнинг барчasi Шарқ миниатюра санъатининг рашнлар соғлиги ва ёрқинлиги, чизиқларнинг нафислиги ва нозиклиги, тасвирий услубининг декоратив хосияти билан характерланади.

Миниатюра нодир қўлёзмалар зийнатлари булмини шамс, зарварақ, унвон, ҳошия нақши, лавҳа, хотима каби безаклар билан умумий услубий уйгунилкка эга. Бу китоб зийнатларининг декоратив хусусияти улар яратилган давр дунёқараси, тафаккур тарзи билан бевосита боғлиқдир.

Нафис мўъжаз расмлар асосан илмий, бадиий ва тарихий асарларнинг нодир қўлёзмаларини бе-зашга хизмат қилган. Рассомлар асарларнинг етакчи ғоялари ва асосий қаҳрамонлари образларини рашнлар воситасида ифодалаганлар. Шу сабабли миниатюра санъати тараққиётига Шарқнинг атоқли алломалари Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, мутафаккир ва шоирлари Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Амир Хусран Дечлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ҳамда машҳур тарихчилар Фазлуллоҳ, Рашидиддин, Шарафиддин Али Яздий ва бошқалар асарларидағи илғор инсонпарварлик ғоялари ижо-

бий таъсир курслаби, унинг асосий тараққиет йўналишини, етакчи бадий эстетик пришциларини шаклашганига хизмат қилган.

Қадимдан подир қўлёзмалар юқсан қадраниб келган. Шунинг учун ҳам уларни йигиш, ўрганиш билан санъат ихлоомандлари узоқ вақтдан бўйи шукуланиб келадилар. Аммо миниатюра санъатини чуқур ўрганиш асосан XIX аср охири ва XX аср бошларига тўғри келди. Бу соҳада йирик чет ял олимларидан Ф. Мартин, Т. Ариольд, Б. Робилсон, Б. Грей ва бошқалар Шарқ миниатюра намуналарини илмий тасифга олиш, энг яхшиларини чоп эттириш, етакчи мактаблар тараққиётни ва тарихини ўрганиш ҳамда тарғиб қилишда қатор муҳим ишларни амалга оширилар. Аммо уларнинг тадқиқотларида, расмлар таҳдилида юзакилик, Шарқ ҳалқлари ҳаётини яхши билмаслик каби нуқсонлар учраб туради.

Шарқ ҳалқлари тасвирий санъати, хусусан миниатюрани ўрганишда совет санъатшунослари, шарқшуносларининг ҳиссаси катта. Ватанимизда бу соҳада илк бор амалга оширилган тадқиқот йирик рус санъатшуноси В. В. Стасовнинг «Византия, болгар, рус, чигатой¹ ва форс қўлёзмаларининг баъзи миниатюралари» номли китоби (Петроград, 1902) дир. Кейинча совет олими Б. П. Деникенинг «Шарқ санъати» (Қозон, 1923) ва «Эрон рангтасвири» (Москва, «Искусство», 1938) китобларида миниатюра мактаблари тараққиётига жиддий эътибор берилган. Шунингдек, Улуг Ватан урушигача қатор тадқиқотчилар С. Ф. Ольденбург, Ф. А. Розенберг, Б. В. Круссман, С. И. Тюляев ва бошқаларнинг Шарқ миниатюра санъатига оид алоҳида мақолалари ёълон қилинган эди.² А. Т. Гюзалия ва М. М. Дъяконовнинг «Ленинград мажмуаларидағи «Шоҳнома» қўлёзмалари» (Ленинград. Изд-во Акад. наук СССР, 1934) ва «Ленинград мажмуаларидағи «Шоҳнома» қўлёзмаларига ишланган Эрон миниатюралари» (Москва — Ленинград. «Академия», 1935) асарлари ҳам ушбу соҳани ўрганишда муҳим роль уйнади. Айниқса, профессор Б. Н. Заходернинг тарихчи Қози Аҳмад яратган «Гулистони ҳунар» («Санъат гулистони») номли асарини форс-тожик тилидан рус тилига таржима қилиб, зарур илмий шарҳлар билан чоп эттириши натижасида жуда қимматли тарихий маизба илмга киритилди.³

Совет санъатшунослари ва шарқшуносларининг миниатюра санъатини ўрганишдаги сунгги йигирма беш йил, яъни олтмишинчи йиллардан кейинги муваффақиятлари салмоқлидир. Бу даврдаги Б. В. Веймарн, С. И. Тюляев, Г. И. Костигова, О. Ф. Акимушкин, А. А. Иванов, О. И. Галеркина, Т. В. Грек, Т. П. Каптерева, Н. В. Дъяконова, Ш. М. Шакуров каби москвалик ва ленинградлик олимларнинг Шарқ миниатюраси ва хаттотлик санъатини ўрганишга қўшган ҳиссаси жуда муҳимдир.⁴

Сунгги йилларда иттифоқдош республикаларда, хусусан Озарбайжон, Тожикистон ва Ўзбекистонда Шарқ миниатюра ва китобат санъатини ўрганишга эътибор кучайди. Айниқса, бу ўринда қардодш Озарбайжон олимларининг илмий ютуқлари

¹ Бу ерда яски ӯзбек тили тушунилади. (Тұлғочилар.)

² С. Ф. Ольденбург. Индийские миниатюры (К истории Эмира Хамзы). «Восток», 1922, кн. 1, стр. 129; Ф. А. Розенберг. Об индомирсидской и индогандийской живописи. «Восток», М., 1923, кн. 2, стр. 83—91; Б. В. Круссман. Индийская живопись миниатюр эпохи Великих Моголов. Труды Секции истории искусств Института археологии и искусствоведения. РАННОН, М., 1930, 4, стр. 38—57; С. И. Тюляев. Миниатюры мемуаров Бабура «Литература и искусство Узбекистана». Ташкент, 1938, кн. 1, стр. 137—159.

³ Кази-Ахмед. Трактат о каллиграфах и художниках. Введение, перевод и комментарии Б. Н. Заходера. М.—Л., Гос. изд-во «Искусство», 1947.

⁴ Б. В. Веймарн. Искусство арабских стран и Ирана. М., «Искусство», 1974; Миниатюры рукописи Бабур-наме. Авт. сост. и вступ. статьи С. И. Тюляев. М., Гос. изд-во изобразительного искусства, 1960; Образцы каллиграфии Ирана и Средней Азии XV—XIX вв. Сост. аннотации и вступ. статья Г. И. Костиговой. М., изд-во вост. лит-ры, 1963; Среднеазиатские миниатюры XVI—XVIII вв. Вступ. статья Н. В. Дьяконовой. М., «Наука», 1964; Альбом индийских и персидских миниатюр XVI—XVIII вв. Под ред. А. Т. Гюзалия. Вступ. статьи А. А. Иванова, Т. В. Грек и О. Ф. Акимушкина. М., «Наука», 1962; Персидские миниатюры XIV—XVII вв. Вступ. статья О. Ф. Акимушкина и А. А. Иванова. М., «Наука», 1968; Т. П. Каптерева. Художественные особенности Среднеазиатской миниатюры Ирана, Азербайджана и Средней Азии. «Вестник истории мировой культуры». М., 1959, № 2, стр. 75—86; Индийские миниатюры XVI—XVIII вв. Вступ. статья Т. В. Грек. М., «Наука», 1971; Миниатюра Мавераннахра. Сост. и автор предислов. О. Галеркина. А., «Аврора», 1980; III. М. Шакуров. «Шах-наме» Фирдоуси и ранняя иллюстративная традиция. М., «Наука», 1983;

¹ Садиг-бек Афшар. Ганун ос-сонар (Трактат о живописи). Введение, пер и комментарии А. Ю. Казиева. Баку, изд-во Акад. наук АзССР, 1963; Его же, Миниатюры рукописи «Хамсе» Низами 1539–43 гг. Баку, изд-во Акад. наук АзССР, 1964; А. В. Саламзода, К. Дж. Керимов. Тебризская школа миниатюрной живописи XVI в и художник Султан-Мухаммед, — «Известия АН Азерб. ССР», 1959, № 5; К. Дж. Керимов. Миниатюрная живопись, Баку, «Язычи», 1983; Н. Замонов, Поэзия Низами и изобразительное искусство, Баку, Изд-во «Елм», 1981; Дж. Ю. Гасанзаде, Тебризская миниатюрная живопись XVI века в собраниях СССР, Автореферат канд. дисс. Баку, 1983.

² Международный симпозиум по искусству восточных ковров. Тезисы. Баку, изд-во «Елм», 1983, III секция. Миниатюрная живопись, стр. 77–101. Бу тупламда ун түккүз мутахассиснинг миниатюрага оид тезислари эълон қилинган эди. Симпозиумдаги икки қўшимча доклад ҳам шу мавзуга багишланган. «Совет Узбекистони санъати», 1983, № 11, 30-бет.

³ А. Айни, Миниатюры рукописи «Шах-наме» 1333 г. из Ленинграда и некоторые вопросы зарождения персидской миниатюры, В кн. Искусство и археология Ирана, Всесоюзная конференция (1969). М., изд-во «Наука», 1971, стр. 9–19; У. Пуцодов. Камолиддин Беҳзод. Душанбе, нашриёти «Ирфон», 1978; Абдурахман Джами. Саламан и Ибсал. Подготовка издания К. С. Айни, ввод статья К. Айни и М. Ашрафи. Душанбе, изд-во «Ирфон», 1977; М. М. Ашрафи. Бухарская школа миниатюрной живописи. 40–70-е годы XVI века. Душанбе, изд-во «Ирфон», 1974; А. Н. Додхудоева. Поэмы Низами и Средневековой миниатюрной живописи, М., «Наука», 1985.

⁴ Узбекистонда 1977 йилгача миниатюра түгрисида чоп қилинган мақолалар ва адабиётлар. Э. А. Ахунджанов. Книга и книжное дело в Узбекистане (Ташкент, изд-во «Узбекистан», 1978) китобида тула келтирилган (13–18-бетлар).

Ҳавас қиласа арзигулик. О. Ю. Қозиев, К. Ж. Керимов, А. В. Саламзода, Н. Замонов, Ж. Ю. Ҳасанзода ва бошқа санъатшуносларнинг хизматлари орқали Озарбайжон ва Шарқ миниатюра санъатини ўрганишга катта ҳисса қушилди.¹ Бу олимлар яратган илмий ишлар ичida О. Ю. Қозиевнинг «XIII–XVII асрлар Озарбайжон қулёзма китобларининг бадий зийнатлари» (Москва, изд-во «Книга», 1977) номли фундаментал тадқиқоти, К. Ж. Керимов тартиб берган икки альбом «Озарбайжон миниатюралари» (Баку, «Ишыг», 1980) ва «Низомий «Хамса»си миниатюралари» (Баку, «Язычи», 1983), ҳамда «Султон Мұхаммад ва унинг мактаби» (Москва, изд-во «Искусство», 1970) номли монографиясининг илмий аҳамияти каттадир. 1983 йилнинг сентябрь ойи бошларида Бокуда ўтказилган Ҳалқаро санъатшунослик симпозиумининг маҳсус бўлими Шарқ миниатюраларини ўрганишга бағишилди. Бу мамлакатимиз олимларининг ўзаро фикр алмасишилари учун ажойиб имконият яратди.²

Тожикистонлик олимлардан Л. Айний, М. Ашрафий, У. Пуцодов, К. Айний, Л. Додхудоева ва бошқалар Шарқ миниатюра санъатини ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшимоқдалар.³ Бу соҳада актив фаолият кўрсатаётган М. Ашрафий тузган «XVI аср миниатюраларида Жомий» (Москва, «Советский художник», 1966) ва «XIV–XVII асрлар миниатюраларида форс-тожик шеърияти» (Душанбе, изд-во «Ирфон», 1974) номли альбомлар, ҳамда «XVI аср Эрон миниатюраси тараққиётидан» (Душанбе, изд-во «Дониш», 1978) номли монографияси муҳим аҳамиятга эга.

Узбекистонда Шарқ миниатюра санъатини айrim расмли қулёзмалар билан танишиш, А. А. Семёнов, Б. С. Сергеев, Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель, В. Г. Долинская ва бошқаларнинг мақолаларидан бошланган.⁴ Умуман, республикамизда Шарқ тасвирий санъати ва миниатюрасини ўрганишда етакчи санъатшунос, УзССР фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Г. А. Пугаченкова-нинг хизмати алоҳида таҳсинга сазовор. Олиманинг кўплаб, айrim мақолаларидан ташқари, ҳамкорликда яратилган салмоқли тадқиқотлари «Узбекистон санъати тарихи» (Москва, изд-во «Искусство», 1965, Л. И. Ремпель билан ҳамкорликда яратилган), «Урта Осиё миниатюралари» (Москва, «Изобразительное искусство» 1979, О. Галеркина билан ҳамкорликда яратилган), «Урта Осиё санъати очерквари» (Москва, «Искусство», 1982, Л. И. Ремпель билан ҳамкорликда яратилган) ҳалқимиз бадий маданиятини ёритишда аҳамияти каттадир.

Шарқ миниатюра ва китобат санъатини республикамиизда ўрганишда, нашр қилишда, дунёнинг энг нуфузли музей ва кутубхоналаридан қидириб тошида Ҳамид Сулаймоннинг хизмати кўзга яққол ташланади. Олим тартиб берган «Бобурнома расмлари» (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1970, альбом яна уч бор қайта нашр этилган), «Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар» (Тошкент, «Фан», нашриёти, 1970), ҳамда Ф. К. Сулаймонова билан ҳамкорликда чиқарган «Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар» (Тошкент, «Фан» нашриёти,

1982) ва «Амир Хусрав Дәҳлавий асарларига ишланган расмлар» (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1983) номли альбомларни кенг жамоатчилик қизғин кутиб олди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, кейинги вақтда республикамизда Шарқ миниатюраси ва китобат санъатини ўрганувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Айниқса булар орасида ўз мақолалари ва муҳим тадқиқотлари билан Н. Норқулов, И. Г. Низомутдинов, А. Муродов, О. Усмонов, Э. М. Исмоилова, Ф. К. Сулаймонова ва бошқалар алоҳида ажралиб турадилар.¹

1978 йилдан «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг чоп этила бошлиши маданий ҳаётимиизда муҳим ижобий воқеа булиб, санъатга оид тадқиқотларни ёритиш учун катта имкониятлар яратди.

Шарқнинг буюк миниатюрачи рассоми устод Камолиддин Беҳзод туғилганига 525 йил тулиши муносабати билан 1981 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республика Рассомлар союзи ва ЎзССР Маданият министригининг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли санъатшунослик институти биргаликда Тошкентда илмий конференция утказди.² Шу муносабат билан республика вақтлаи матбуотида М. М. Хайруллаев, А. У. Урунбоев, Ч. Аҳмаров ва бошқаларнинг улуғ рассом ҳаёти ва ижоди түғрисидаги мақолалари эълон қилинди.³

Юқорида келтирилган Шарқ миниатюра ва китобат санъатига оид адабиётлар, альбомлар бир қарашда бу соҳа жуда чуқур ўрганилган деган янглиш холосага олиб келиши мумкин. Лекин жуда кўплаб нодир расмли қўлёзмалар турли музей ва кутубхоналарда сақланиб, ҳали илмга киритилгани, ҳатто нашр эттирилгани ҳам йўқ.

Шарқ миниатюра мактаблари, уларнинг асосий бадиий хусусиятлари, ривожланиши, энг муҳим наимуналари, етакчи рассомлари түғрисидаги кенг жамоатчиликка умумий тушунча берувчи, асосан «Совет Ўзбекистони санъати» журналида чоп этилган мақолаларни жамлаб ушбу тўпламни туздик. Сунгги вақтларда пайдо булган Шарқ миниатюрасига оид илмий адабиётларни назарда тутган ҳолда ва тақризчиларнинг танқидий фикрлари асосида, мақолалар қайта куриб чиқилди, айримлари кенгайтирилди, зарур илмий адабиётларга мурожаат этилди, умуман илмий савиясини оширишга ҳаракат қилинди. Аммо мақолалар турли авторлар томонидан ёзилгани учун уларнинг илмий савияси, баён услугиби ва таҳлил даражаси ҳам ҳар хил. Лекин ҳамма мақолалар муаллифи узи танлаган мавзу доирасида имконияти чегарасида, маълум даражада малакали фикр юрита олганлар.

Тўпламда жамланган мақолаларни мазмун жиҳатидан икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисмга Шарқ миниатюра мактаблари түғрисидаги мақолалар киради. Бу Зухра Раҳимованинг «Араб миниатюра мактаби», Ноила Валиуллинанинг «Эрон миниатюра мактаби», Наим Норқуловнинг «Турк миниатюра мактаби», Абдумажид Мадраимовнинг «Озарбайжон миниатюра мактаби» ва «Хинд миниатюра мактаби» мақолаларидир. Бунга яна Наим Норқуловнинг «Қадимги тасвирлар», Илёс Низомутдиновнинг «XVI—XVII асрларда Мо-

¹ Н. Норқулов. Камолиддин Беҳзод. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1964; Н. Норқулов, И. Низомутдинов. Миниатюра тарихидан лавҳалар. Тошкент, Faғұр Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970; А. Муродов. Ўрта Осиё ҳаттоглиқ санъати тарихидан. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1971; О. Усмонов. Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1977; Э. М. Исмоилова, Е. А. Полякова. Шарқ миниатюраси. Тошкент, Faғұр Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Э. М. Исмоилова. Искусство оформления среднеазиатской рукописной книги XVIII—XIX вв. Ташкент, изд-во «Фан» Узбекской ССР, 1982; Низомий «Хамса»сига ишланган расмлар. Альбомни тузувчи ва сўз боши автори Ф. К. Сулаймонова. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1985.

² Камалиддин Беҳзад. К 525 летию со дня рождения. Материалы научной конференции. Ташкент, изд-во «Фан» Узбекской ССР, 1984.

³ М. М. Хайруллаев. Юбилей великого художника, «Советская культура», газ. 17 июля 1981; М. М. Хайруллаев. Буюк санъаткор. «Совет Ўзбекистони» газ. 1981 й. 28 май; А. Урунбаев. Великий художник. «Правда Востока», газ. 28 мая 1981; Ч. Аҳмаров, Гениал санъаткор. «Тошкент оқшоми», газ. 1981 й. 29 май.

вароуннаҳр миниатюра мактаби» ва Элмира Исмоилованинг «XVIII-XIX асрларда Мовароуннаҳр миниатюра мактаби» мақолалари ҳам киради. Тупламга бири-бирини тұлдирувчи бу уччала мақолани киритишни лозим топдик. Шарқ миниатюра санъатининг йирик йұналиши бұлган XV-XVI аср Ҳирот миниатюра мактаби түғрисида алоҳида мақола бұлмагани сабабли, бу камчиликни маълум даражада ўрнини қоплади, деган умид билан илова сифатида Зуҳра Раҳимованинг «Камолиддин Беҳзод», Абдумажид Мадраимовининг «Алишер Навоий портретлари» ва «Алишер Навоий ва китобат санъати» мақолаларини киритдик.


Тұпламдаги иккінчи қисм мақолаларда асосан үз ижодида миниатюра санъати анъаналаридан кенг баҳраманд бұлган ва уларни ижодий ривожлантиришга интилған уч санъаткор, Ўзбекистон ССР халқ рассомлари Искандар Икромов ва Чингиз Аҳмаров ҳамда ёрқин истеъдод соҳиби Тельман Мұхаммедов ижоди ҳақида сұз юритилади. Чингиз Аҳмаров, Рафаэл Тоқтош, Абдумажид Мадраимовининг «Миниатюра санъатимизни тиклаб», «Миниатюра хусусида» ва «Нақш назокати» мақолалари талантли ёш рассомлардан Шомаҳмуд Мұхаммаджонов, Ниёзали Холматов, Маъруф Салимов ва бошқаларнинг миниатюра санъатини айнан ва локали миниатюра сифатида, қайта тиклаш, ҳамда китобат санъати анъаналаридан ижодий фойдаланыш, бу соҳадаги муаммолар ҳақицадир. Умуман тұплам кенг китобхонлар оммасига Шарқ миниатюра мактаблари, унинг анъаналари ва замонавий миниатюра яратиш борасидаги ҳаракат түғрисида маълумот беришга хизмат қилиши керак.

Мазкур мақолалар тұпламини нашрга тайёрлашда берған фойдали маслаҳатлари ва самимий ёрдами учун тарих фанлари доктори, профессор Бури Аҳмедовга, фалсафа фанлари доктори, Ҳамза номидаги республика Давлат мүкофоти лауреати Тилаб Маҳмудовга ва санъатшунослик кандидати, Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи секретари Ақбар Ҳакимовга үз миннатдорчилегимизни билдирамиз.

А. МАДРАИМОВ
Н. НОРМАТОВ



Шарқ миниатюра мактаблари



ЗУҲРА РАҲИМОВА.

Араб миниатюра мактаби
НОИЛА ВАЛИУЛИНА.

Эрон миниатюра мактаби
НАЙМ НОРҚУЛОВ.

Түрк миниатюра мактаби
АБДУМАЖИД МАДРАИМОВ.

Озарбайжон миниатюра мактаби
АБДУМАЖИД МАДРАИМОВ.

Хинд миниатюра мактаби
НАЙМ НОРҚУЛОВ.

Қадимий тасвирлар
ИЛЕС НИЗОМИДДИНОВ.

XVI-XVII асрларда Мовароунахр ми-
ниатюра мактаби
ЭЛМИРА ИСМОИЛОВА.

XVIII-XIX асрларда Мовароунахр ми-
ниатюра мактаби
ЗУҲРА РАҲИМОВА.

Камолиддин Беҳзод
АБДУМАЖИД МАДРАИМОВ.

Алишер Навоий портретлари
АБДУМАЖИД МАДРАИМОВ.

Алишер Навоий ва китобат санъати

Араб миниатюра мактаби

Жаҳон маданияти тараққиёти тарихида Шарқий Арабистон халқлари санъатининг ҳам муҳим ўрни бор. Халифаликнинг (Сурия, Миср, Фаластин, Шимолий Африка, Эрон, Ўрта Осиё, Жанубий Испания) кўпгина шаҳарларида ривожланган ўрта аср араб маданияти инсониятнинг прогрессив ривожланишида янги бир босқич бўлди.

Шарқий Арабистон халқларининг асосий хизмати шунда бўлдик, улар кейинги авлодларга антик грек-рим маданиятининг кўпгина ютуқларини сақлаб қолиб, уни ривожлантирган ҳолда етказиб келдилар.

IX—XIII асрлар давомида Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатлари, Эрон, Озарбайжон ва Ўрта Осиё халқлари бир-бирлари билан узвий алоқада бўлиб келганлар. Бағдод, Шероз, Табриз, Самарқанд каби шаҳарлар маданият ва тараққиётнинг маркази бўлиб, узларининг кўзга куринган олимлари, шоирлари, ҳамда фан ва маданият учоқлари билан бутун дунёга танилган эдилар. Бу шаҳарларда математика ва астрономия, фалсафа ва медицина, география ва бадиий адабиёт, архитектура ва ҳунармандчилик узининг юқори ривожланиш босқичига эришганди.

Тасвирий санъатнинг ривожланишида тирик жонзорни тасвирлашни ман этган ислом дини маълум даражада тусқинлик қиласи. Аммо бу қаршиликлар, тасвирий санъатнинг умумий тараққиётини бўға олмайди.

Мана шу тақиқланишлар натижасида Шарқий араб мамлакатларида дастгоҳли тасвирий санъатнинг ривожланиши бирмунча қийин булади, унинг ўрнини эса қўлёзма китобларга ишланган безаклар — миниатюра санъати эгаллади.

Миниатюранинг юзага келиши ва ривожланиши араб тилида бадиий адабиётнинг равнақи, китобнинг қадимдан Шарқда илму маърифат манбаи сифатида юксак қадрланганидан далолат беради. Миниатюра каллиграфия, саҳифаларни зийнатлаш, муқова безаги билан бир қаторда қўлёзманинг энг асосий мураккаб декоратив элементларидан бирини ташкил қилас

эди. Миниатюранинг асосий аҳамияти текст мазмунини тушунтириш ва умуман олганда, дунёвий характерга эга бўлган асарларни безашдан иборат эди. Асосан, проза, поэзия, илмий трактатлар, тарихий хроникалар акс этган асарларга миниатюра ишланган. Улар орасида «Калила ва Димна» ҳикоялари, грек врачи Диоскориднинг «Фармакология», Рашидиддиннинг «Жамъиут таворих» асарлари бор эди.

Ўрта аср мусулмонларининг қадими қўлёзмалари фақатгина гуашь бўёқлар билан ишланган. Бу бўёқларни тайёрлаш усули Яқин Шарқа VIII асрда Ўрта Осиё орқали Хитойдан утган. Маданият марказларини вайрон қилган, тез-тез содир бўлиб турган босқинчилик урушилари туфайли илк араб миниатюралари деярли сақланиб қолмаган. Бизгача етиб қелган араб миниатюрчиларининг асарлари кўп бўлмай, улар ҳам асосан XIII асрга тааллуқлидир.

Хозирги вақтга келиб араб миниатюраларини ўрганувчи мутахассислар қўлёзмаларни безашнинг учта даври ва регионал бадиий маркази мавжуд эканини эътироф этадилар. Булар фотимийлар суоласи даври (X—XI асрлар), Сурия (XIII асрнинг биринчи ярми) ва Ироқ (ёки Бағдод) XIII аср миниатюра мактабларида. Буларнинг марказлари Мосул, Бағдод ва Восит шаҳарларида бўлган.

Шартлилик ва декоративлик принциплари асосида қурилган, ўзига хос куриниши бўлган араб миниатюралари урта аср Шарқ рангтасвири сифатида узининг такрорланмас, образли бадиий тилига эгадир. Миниатюраларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, тасвирнинг сатҳ юзидалиги. Бу хусусият қўлёзманинг декоратив услуг, (серҳашам) зийнатлар, шамс, лавҳалар, зарварақ ва бошқа безаклари каби китобнинг зийнатлари, унинг тузилиши характеристидан келиб чиқкан.

Бизга маълум бўлган илк араб миниатюралар фотимийлар суоласи даврида ишланган бўлиб, XI асрга тааллуқлидир. Оҳорланган қоғозга ишланган одамлар қиёфаси хатти-ҳа-

ракатлари содда ва яхлит ҳолда таснирланган.

Сурия қўлёзмалари бўлиши Диоскориднинг «Фармақология»си, «Калила ва Димна» асарларига ишланган безаклар XIII асрнинг бошлари ва ўрталарида араб миниатюрачилигига Византия ва сосонийлар (қадимги Эрон) санъатининг кучли таъсирига қарамасдан, янги бир босқични бошлаб беради. Баъзи бир хил қўлёзмаларда, масалан, XIII асрнинг биринчи ярмидаги «Мухтор ал-Ҳаким ва Муҳасин ал-Калим» (Ал-Мубоширнинг «Ганлаб олинган доно фикрлар ва сўзловчининг гузаллиги») асари қўлёзмасидаги расмлар манзара тасвири ёки меъморчилик куринишлари билан бойитилган. Кинилар қиёфасининг тасвирида табиийликка интилинган, кийимларнинг буқланганлиги тасвирланган.

Араб китоб безакчилигининг равнақ топиш даврини Ироқ мактаби миниатюрачилиги бошлаб берди. 1224 йилда Бағдодда Абдаллаҳ ибн Фадл томонидан кўчириб олинган Диоскориднинг «Фармақология» асари қўлёзмаси ана шу мактабга, тааллуқлидир. Бу қўлёzmанинг безагини ҳам Абдаллаҳ ибн Фадл ишлаган деб тан олинган. «Фармақология» асаридаги миниатюралар ҳам бошқа асарлардаги каби, текстни тушунтириб берадиган услубда лўнда қилиб тасвирланган. Мана шу маънода тозалагичнинг қурилишини тушунтираётган Диоскоридни тасвирловчи миниатюра диққатга сазовордир. Миниатюра аниқ контур билан курсатилган ва ёрқин бүёқларга бўялган, катта фигуralар ва предметлар аниқ куриниб турган текстлар орасидаги саҳифанинг сариқ фонида, акс этган.

Ироқ мактабининг энг ажойиб асарларидан бири Ал-Ҳаририйнинг Абу Зайд ас-Саруджи(Ўрта асрдаги Насриддин Афандининг прототипи) нинг бошидан кечиргандарини тасвирлаб берувчи «Мақом» асарига ишланган иллюстрациялардир.

«Мақом» асарининг иккита ажойиб қўлёзмаси Ленинград Шарқшунослик институтида (С-23, 1230 й.) ва Париждаги Миллий кутубхонада (1237 й. Ачаве, № 5847) сақланмоқда. Парижда сақлананаётган асарнинг миниатюраларини воситли Яҳё ибн Маҳмуд ишлаган.

Ал-Ҳаририйнинг «Мақом» асарига ишланган миниатюралар сюжетининг кўплиги ва хилма-хиллиги билан кишини лол қолдиради. Булар, бозорда-

ги масжид, қозихонадаги куринишлар, шодиёна зиёфатлар, қабул қилиш маросими, афсонавий воқеалар, ҳайвонларнинг ажойиб тасвиrlари булиб, ҳаётий воқеаларнинг бутун реал бойликларини иккала рассом ҳам турли ҳаракатлар орқали чизишган. Рассомлар асардаги архитектура тасвирига алоҳида эътибор берадилар. Бу расмдаги шифтдан пастга осилиб турган улкан чироқлари бор масжид куриниши ва у билан ёнма-ён турган минора тасвирида кўзга яққол ташланади.

Ўзига хос куринишга эга бўлган ҳовлилар, гўё бу ҳовлиларнинг девори олиб ташланган-у, томошабин унинг ичини куриб тургандек. Умумий куриниш одатда бир ёки икки хил бўлган аркни тутиб турган нозик устунлар орқали бўлинган. Шу бўлинмаларнинг бирида иккинчи қаватга олиб борадиган зиналож тасвири ҳам учрайди. Унинг ёнида эса, йўлаклик улкан минора жойлашган. Бу минора бинонинг олд куринишини ифодалайди. Бир бўшлиқда иккита ҳар хил йўналиш (ички ва ташқи)ни уйғунлаштирган миниатюрачи архитектура қурилишини тасвирлашда катта ютуққа эришган.

Манзарани тасвиrlашда эса, Ал-Ҳаририй асарининг безовчилари рамзий ифода воситаларидан кенг фойдаланганлар. Бунга миниатюранинг пастки қисмидаги кўм-кўк яшнаб турган утлоқ тасвири туширилган торгина йўл ёки бўлмаса, экзотик усимликлар ва дараҳтлар тасвири туширилган унча баланд булмаган тепаликлар мисол бўла олади.

«Мақом» асарида ҳайвонлар, айниқса, қадимдан араблар томонидан эъзозлаб келинган түялар жуда жонли қилиб тасвирланган. Парижда сақлананаётган Яҳё ибн Маҳмуд асаридаги «Туялар карвони» миниатюрасида утлаётган пода ифода этилган. Ҳайвонлардан бири узун бўйини чузиб утлаётган бўлса, бошқалари бошлари ни тик кутарган ҳолда туришибди. Бир-бирининг орқасидан кетма-кет жойлашган бу ҳайвонлар ранг жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Бу эса, расмдаги ранглар уйғунлигини алоҳида бўртириб курсатади.

Баъзи бир хил миниатюраларда биз араб рассомларининг битта кенглиқда раңг-баранг кийим-кечак ва бош кийимлари билан ажралиб турган персонажларни катта бир гурӯҳ сифатида тасвирлашга уринганликларини сезамиз. Бунга мисол қилиб, Яҳё ибн Маҳмуднинг «Байрам сайли» миниатюрасини курсатишимиш мумкин. Бу

миниатюраларда байроқлар кутариб олган отлиқларнинг дўмбира, карнай чалиб, байрам шодиёнаси бошланган лигидан хабар беришаёттаниллари акс эттирилган. Улар барваста гавдали, қирғийбурун, кузалари ҳам йирик-йирик кишилар қиёфасида тасвирланган. Уларнинг ички дунёси, ҳаракатлари, бир қарашибаёқ кузга ташланган ҳолатлари ва кийимлари орқали акс эттиришга ҳаракат қилинган. Баъзи бир кишилар бошини олтин олов тасвири үраб турибди. Христиан санъатида бу тасвир воситаси эътиборли

диний арбобларни билдиrsa, араб миниатюраларида эса, булар асосан декоратив аҳамиятга эга, холос.

XII-XIII асрлар араб миниатюраларининг образли қурилишини «Минг бир кеч» эртакларида реал ва фантастик, ёрқин ва таъсирчан рангбаранг лавҳалар билан ҳам тенглаштиришади.

Араб миниатюралари, феодал даврнинг шарқ тарихида китоб безакчилигининг бизгача илк маълум бўлган бир босқичидир.

Ноила Валиуллина

Эрон миниатюра мактаби

Осиёдаги энг йирик давлатлардан ҳисобланган Эрон инсоният цивилизациясининг энг қадимги марказларидан биридир. Бу ерда неча минг йиллар давомида архитектура, улкан қурилишлар ва қояларга ишланган монументал рельефлардан тортиб, нозик тошдан йўниб ишланган буюмлар, сопол идишлар ва ажойиб миниатюраларгача яратилди. Эрон миниатюрасини куздан кечириб чиқишидан аввал, қисқа бўлса-да, тарихга назар ташлаш жоиздир.

VII асрнинг урталарида Эрон араблар томонидан босиб олиниб, араб халифаларига қарам булиб қолди. Эрон бу қарамликдан IX-X асрлардагина озод бўлди. Араблар ўзлари билан янги ислом динини олиб келишди. Ислом дини маҳаллий бадиий анъаналарни бутунлай йўқота олмагач, уларнинг йұналишига катта таъсир қиласди: биноларнинг янги типи булмиш масжидларни қуриш шарт булади, тасвирий санъатни ривожлантиришни чеклади (инсон қиёфасини тасвирлашни қисман ман қиласди); безакли нақш санъатининг ривожланиш сурати тезлашади. X асрнинг бошларида Эроннинг шарқий обласлари ўрта осиёликлар ҳокимияти тепасида турган сомонийларга ён босади. Бунинг оқибатида Ўрта Осиё за Эрон ҳалқларининг маданий алоқалари йўлга қўйилади. X-XIII асрларда феодализмнинг ривожланган даври – Эрон

санъатининг ривожланишида энг муҳим босқичидир. Чунки бу даврда меъморчиликнинг асосий шакллари, тасвирий санъат, бадиий ҳунармандчилик равнақ топади. Бу узгаришларнинг ҳаммаси, Эрон шу вақт ичидаги марта – XI асрда салжуқий турклари томонидан ва XIII асрда мугуллар томонидан аёвсиз босқинчилик юришига учраган оғир тарихий давларда юз беради. Маданиятнинг ривожланиши кескин ғоявий курашларда, феодализм зулмига қарши йўналтирилган ҳалқ ҳаракатлари давомида кечади. Ҳоким синфлар ислом динига меҳнаткаш, ҳалқни жаҳолатда сақлаш қуроли сифатида қараган эдилар. Аммо, мамлакат учун энг оғир бўлган пайтда ҳам ҳалқчил, ҳаётбахш манбалар чинакам санъат асарларининг юзага келишига сабаб бўлади. Санъатлар ичидаги, энг аввало, Эроннинг ажойиб шеърияти барқ уриб ривожланади. Шоирлар қаторида энг биринчи булиб, эрон ва тоҷик адабиётининг классиги, машҳур «Шоҳнома» поэмасининг муаллифи Абулқосим Фирдавсий туради. XI-XII асрлар мобайнида файласуф шоир Умар Хайёмкинг уша давр учун янгилик бўлган чуқур мазмунли рубсийлари дунега келади. XIII-XIV асрлар эса «Гу-

¹ Б. В. Веймарн. Искусство арабских стран и Ирана. М., «Искусство», 1974.

листон» ва «Бустон» номли улмас асарлар автори шайх Саъдийнинг, нозик ва нафис лирик асарлар муаллифи Ҳофизнинг номи билан характерланади. Уларнинг асарлари энг моҳир хаттотлар томонидан меҳр-муҳаббат билан кўчириб китоб қилинган, ажойиб миниатюралар билан безатилган, қимматбаҳо муқоваларга уралган.¹

Эрон миниатюраси санъати дунёвий рангтасвириларнинг энг ёрқин тарихий саҳифаларидан биридир. Бу санъатнинг бизгача етиб келган биринчи ёдгорликлари XI аср бошларига тааллуқлидир, аммо миниатюра жанрининг сосонийлар давридаёт (III—VII асрлар) мавжуд бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Эрон, аниқроғи, форс миниатюраси китоб иллюстрацияси шаклида юзага келиб, то XVI асргача ҳам китоб ва қўлёзма варраги билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади.

Катта шаҳарларда, ҳукмдорларнинг саройларида, мансабдор шахсларда китобларни кучириш ва безатиш билан шуғулланадиган катта-катта устахоналар бўлган. Қадимги Эрон қўлёзмалари, муқовасининг ранг-баранглиги, нафис ялтироқ қоғозга ёзилган настълиқ ҳусниҳатининг нафислиги, миниатюраларининг ёрқин бўёқлари ва нақшин безаклари ҳамон кишини диққатини узига тортиб келади. Шуни ҳам айтиб утиш лозимки, Эрон миниатюраси ва ундаги текст парчаси орасида узига хос уйғунлик мавжуддир. Минерал бўёқлар тухумнинг оқида ёки усимлик мумида эритилиб ишлатилган, расмнинг баъзи бир жойларига тилла ва кумуш суви юргутирилган, қоғоз ва тайёр сурат тоғ биллuri ёки қимматбаҳо қизил тош, ақиқ билан жилоланган. Қўлёзма китобнинг зарвараги ранг-баранг орнаментал нақшлар билан уралган. Саҳифаларнинг ҳошияси усимликларни тасвириловчи нақшлар ва ҳайвонлар шакли билан тўлдирилган булиб, оқиш ранг тилла суви ёки бўлмаса, зарҳал билан қопланган. Теридан қилинган муқовалар эса тилла қушилган нақшлар билан зарб қилинган.

Эрон миниатюра жанрининг турли даврлардаги ривожланиш жараённида алоҳида мактаблар ташкил топиб, улар ҳар бир даврда энг асосий етакчи дар-

гоҳга айланган. Масалан, XIV аср охирида Эрон миниатюра санъатида Шероз мактаби юзага келади. Жанубий Эроннинг бу шаҳри, машҳур шоирлар Саъдий ва Ҳофизнинг ватани бўлмиш Шероз бир неча асрлар давомида маданият ва санъат маркази булиб келади. Маҳаллий ҳукмдорлар ҳомийлигида адабиёт, шеърият ва рангтасвири санъати барқ уриб ривожланади. 1370 йилда «Шоҳнома» асарига ишланган иллюстрация (Истамбул, Түнқопу музейи) Шероз миниатюрасининг илк намунасидир. Бу асар композициясининг жуда ҳам соддалиги — бир оз примитивлик, манзара фонларининг ривожланмаганлиги, бўёқлар уйғунлигининг сустлигидан да-лолат беради. Шунга қарамасдан, Шероз мактабининг илк миниатюраларида биз аниқ, лунда ва айни пайтда ута соддаликни кўрамиз.

Тошкентдаги Шарқшунослик институтида XIV асрнинг II ярмiga тегишли Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса» асари қўлёзмаси сақланмоқда. Бу асардаги иллюстрацияларда лирик сюжетлар асосий уринда туради. Юқорида айтиб ўтилган «Шоҳнома» миниатюраларига яқин булишига қарамасдан, бу ерда услубнинг анча етуклиги кўзга ташланади. Кам фигурали композициялар ранг жиҳатдан жуда гўзал булиб, чизиқлар ва ранглар мутаносиблиқда ритмик уйғунликка эга, нафислик билан соддалик узвий боғланиб кетган. Бошлангич Шероз мактаби учун хос яна бир хусусият кўзга яққол ташланиб туради: бу манзара асар яратишга кучли қизиқишидир. Бу ерда манзара тасвирига биринчи марта катта эътибор берилганини, унинг конкретлаштирилганини кўриш мумкин.

XV асрнинг биринчи ярмида Шерозда китоб санъати юксак даражада ривожланган эди. Миниатюранинг бадий тили бойиб, етукликка эриша бошлаганди. XV асрнинг бошларидаги асарлар ичida 1410 ва 1420 йиллардаги «Форс шеърияти мажмуаси» (Гульбенкян мажмуаси, Лиссабон) ва 1425 йилдаги «Шоҳнома» (Бодле кутубхонаси, Оксфорд) қўлёзмалари бирмунча қизиқарлидир. Шероз ҳокими Искандар Султон учун яратилган «Мажмуа» миниатюраларда Низомий достонидаги бош қаҳрамон Хусравнинг мураккаб образи икки аспектда ёрқин тасвириланган. Хусрав — ботир ва жасур қаҳрамон, шу билан бирга айшу ишратга, кайфу сафога берилган беғам ҳоким. Аммо, афсуски, номаълум рас-

¹ Персидские миниатюры XIV—XVII вв. Вступительная статья О. Ф. Акимушкина и А. А. Иванова. М.: «Наука», 1968.

сом томонидан яратилган бу асарда образнинг ҳамма қирралари тұла очиб берилмаган бұлса-да, поэманинг эмоционал руҳига бирмунча яқынлашилған.

Будаврнинг Шероз миниатюрасига хос хусусиятлари, айниқса, «Шоҳнома» иллюстрацияларидан ёрқин узифодасини топтган. Предметларнинг тасвири лүнда ва содда берилған. Чизгилар одамлар ва ҳайвонлар ҳаракатини жуда аниқ акс эттирган. Манзара, одамлар, ҳайвонлар, предметлар жуда табиий жойлашған зарур мұхит тасвирiga айланған.

XV аср урталарига келиб Шероз мактаби үзининг ривожланиши жиҳатидан бошқа миниатюра мактабларидан, айниқса, Ҳирот мактабидан сезиларли даражада орқада қола бошлади. Уша даврда фан ва санъат ихлосмандарига ҳомийлик қила бошлаган Султон Ҳусайн ва шу ерда яшаб, ижод қилаётган шоир Алишер Навоий Эроннинг энг яхши санъат намояндаларини Ҳиротга жалб этадилар.

1519 йили Ҳиротда Жомийнинг «Олтин занжир» достони хаттот Мир Али ал-Ҳусайн томонидан күчирилған. Аммо, асарни безаб турған икки миниатюра эса, кейинроқ, XVI асрнинг 50—60 йилларida уша пайтларда Иброҳим Мирза (Сафавий) саройида очилған устахонада машҳадлик рассом томонидан ишланған.

XVI асрдан бошлаб миниатюралар китоб билан боғланмаган ҳолда, алоҳида-алоҳида варақларга, «Мураққа» каби маҳсус альбомларга ишлана бошлади.

Москвадаги Шарқ халқлари санъати Давлат музейининг фондида XVI асрда Қози Аҳмад ибн Мир Мунши ал-Ҳусайн томонидан ёзилған «Гулистони ҳунар», яъни, хаттот ва рассомлар ҳақида рисола асари сақланмоқда. Қози Аҳмаднинг бу рисоласи XVI аср Эрон рангтасвири тарихининг жуда қизиқарли манбаларидан биридир. Бу асар авторнинг замондошлари бұлмиш уттис икки нафар хаттот ва рассомлар ҳақида қизиқарли маълумот беради. Ушбу рисоланинг құләзмасида саккизта миниатюра берилған. Бу миниатюралар Эрон рангтасвирларининг янги бадиий даврини үзида акс эттирган бұлыб, улар композиция жиҳатдан содда, персонажлар тасвирига алоҳида әзтибор берилған.

XVII аср Эрон рангтасвири, энг аввало, XVI аср охирларida сафавийлар пойтахтига айланған Исфаҳон шаҳри билан боғлиқдир. Миниатюра-

нинг Исфаҳон мактаби маҳаллий мактабларни үзида бирлаштириб, шудаврнинг янги бадиий ғонларини ифодалаб берди. Исфаҳон мактаби рассомларини инсоннинг ички дүнёсini ифодалаш қизиқтира бошлади. Манзара элементлари билан түлдирилған портрет жанри ривожланди. Миниатюрада ёрқинлик ва құпранглийк үйқола бошлади. Енгил ранг берилған чизгилар мұхим аҳамият касб этди. Бу даврда Эрон миниатюрасида биринчи марта Европа рангтасвирига хос нур ва соя, жанрга хос күринишлар, европача костюмдаги персонажлар юзага келди.

Исфаҳон мактабининг асосчилари ва яратувчилари Ога Ризо ва унинг машҳур шогирди, издоши Ризо Аббосийдир. XVII асрнинг иккинчи ярмидада рассом Али Қули Жаббор ва Италияда таълим олған Мұхаммад Замон етишиб чиқди.

Ризо Аббосий шоҳ Аббос I саройида сарой рассоми эди. Үзининг замондошлари бұлмиш күпгина рассомлар сингари Ризо Аббосий ҳам миниатюраларни алоҳида варақларда ишлаган. Нафис чизгилар, гүзәл, тиниқ рангтасвир асарларининг моҳирона устаси бұлған рассом уз замондошларининг индивидуаллаштирилған портретларини яратишига интилған. Бу мақсадға әришиш учун рассом натурага қараб ишлаган, деган фикрда жон бор. Чунки, унинг инсон гавдаси ҳаракатларини, имо-ишоралари ва ҳолатларини тасвирлайдиган ҳаёттій лавҳалар ва эскизлар сақланиб қолған.

Шарқ халқлари санъати Давлат музейида унинг 1614 йил деб ёзилған «Чол портрети» асари сақланмоқда. Ушбу портретда рассом тасвирнинг янги принципларини излайди, образнинг ички динамикасини яққол гавдалантиради. Чол образи жуда ҳарактерлидир: елкаларининг бирмунча қисилғанлиги, чүзинчөк юзи, күз бурчакларыда ажинларнинг кескин чизиқлари, -қалин, қора қошлар остидан дикқат билан қараб турған күзлар... Рассом чол бошидаги салланинг енгил чизиқларини, силлиқ тараалған соқол ва мүйловларини аниқ тасвирлаган, ифодали чизиқлар воситасида ғоят ҳаёттій бир образни яраттган.

Ленинграддаги Салтиков-Шедрин номидаги Давлат кутубхонасида сақланыётган Ризо Аббосийнинг «Чупон» асари ҳам жуда ажойибдир. Узоқларга зийраклик билан қараб турған чүпоннинг маълум бир руҳий ҳолатини беришни рассом үз олдига мақ-

сад қилиб қўйган. Таёққа суюниб турган чўпон гавдасининг тасвири соддагина бўлса ҳам, аммо диққат билан қарашлари унинг образини кучайтириб курсатишга хизмат қилади. Олдинги оёқларига ёпишиб олган кучукча куриниши ҳам аниқ тасвирланган. Бу ерда ҳам, Ризо Аббосийнинг бошқа ишларидаги каби, натурани изчил кузатиши яққол сезилади.

Тошкентдаги Ўзбекистон Давлат санъат музейида Ризо Аббосий мўйқаламига мансуб деб топилган «Йигит портрети» сақланмоқда. Манзара фонида лоқайд йигитнинг бесунақай гавдаси тасвирланган. Айрим деталлар Европа санъати асарлари руҳи билан сугорилган бу миниатюра жанрининг эски анъанавий системасини янгилаш йўлларини излаш натижаси бўлиб туюлади.

Исфаҳон миниатюра мактаби асарларида ҳаётий таассуротларни асар орқали бериш, миниатюра жанрининг анъанавий образли системасини янги мазмун билан бойитишга интилиш каби характерли хусусиятлар мавжуд эди. Бу миниатюранинг дастгоҳли рангтасвирга яқинлашувидағи табиий изланиш эди, дейиш мумкин.

Кейинчалик Европа рангтасвир санъати таъсири яна ҳам чуқурроқ сезила бошлади. Бунга мисол қилиб, Шарқ санъатининг декоративлиги ва Европа рангтасвириининг психологик таъсирчанлигини узида мужассамлаштирган, XIX асрнинг машҳур рассоми

Мирза Абул ҲасанхонFaффорий ижодини курсатиш мумкин. Бу рассомнинг тахаллуси Соний ул-Мулк бўлиб, саройнинг бош рассоми — «наққошбoshi» деб аташган. Соний ул-Мулк Италияда таълим олган бўлиб, бу, шакшубҳасиз, унинг ижодида ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Европа портрет рангтасвириининг принципларига амал қилган ҳолда, рассом чуқур психологик характерлар яратишга интилаган. Аммо, ранг масаласида у анъанавий миллий хусусиятларни сақлаб қолган.

XVIII—XIX асрлар Эрон миниатюрасида эса жаннат ва дўзахни, Муҳаммад пайғамбарни, шиа имомларини тасвирлаш ва бошқа шунга ухшаш дагал, хунук характерга эга булган «бут» шаклидаги асарлар кенг тарқалиб кетади. XIX аср охиrlари XX аср бошларида рассом Камол ул-Мулк Эрон рангтасвирини тағин Европанинг бадиий ва техник приёмларини қуллаган ҳолда ислоҳ қилади.

Миниатюра жанри ўрта асрлар Эрон санъатининг шунчалик узига хос ва ёрқин бир куриниши эдик, унинг анъаналари, таъсири ҳозирги замон Эрон рассомларининг ижодида ҳам сезилиб туради. Миниатюра, факат миниатюрагина уз даврининг энг жушқин ғояларини бадиий тасвирлашга интилганлиги натижасида амалий санъатнинг кулолчилик, тўқимачилик, гиламдўзлик каби кўпгина турларига ижобий таъсир қилди.¹

Министерство культуры Уз. ССР
Андроновский областной
краеведческий музей

965

¹ Б. П. Денике. Живопись Ирана. М., «Искусство», 1938; Персидские миниатюры XIV—XVII вв. Вступ. статья О. Ф. Акимушкина и А. А. Иванова. М., «Наука», 1968; Б. В. Веймарн. Искусство арабских стран и Ирана. М., «Искусство», 1974.

Турк миниатюра мактаби

Кичик Осиё ярим оролида қадимдан хеттлар (эрэмиздан аввалги XIX аср) Митанни (эрэмиздан аввал XVIII аср), Урарту (эрэмиздан аввал XI—XII асрлар) давлатлари бұлған, сүнг бу ерлар ахмонийлар, салавкийлар, македониялик Искандар, Рим империяларига қаралған. Бу ҳол турк халқы маданиятини, санъатини үзиге хос тарзда ривожлашишини белгилаб беради.¹

XV аср бошларидан яшаган озарбайжон олими Абдурашид Бокувий Туркияning қадимий шаҳарларидан Истамбулнинг тарихи ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Күстентиния шаҳрига Күстентиннинг Сивариус исмлі үғли асос солған. Бу Шобур Зулақтоф замони (240—272 йиллар) әди. Девори бир фарсаңча келадиган шоҳ қалъаси, қалъада үнта әшикли, олтин қуббали шоҳ ибодатхонаси бор. Әшикларининг тұрттаси кумушдан. Ибодатхонада баландлығи ва эни тұрт газ келадиган таҳт үрнатылған. Таҳт гавҳар ва ёқутлар қадаб безатылған. Ибодатхона деворлари олтин ва кумуш ёрдамида нақшланған...» Ушбу күчирма, шунингдек, Туркия территориясіда сақланиб қолған меъморлик обидалари ва тасвирий санъат асарлари қадимда бу ерда юонон маданияти таъсири бұлғанидан далолат беради. Үрхон сұлтон (1324—1359) замонида қурилған Бурсадаги сарой, Қайсар, Қунёдаги сұлтон саройлари шу таҳлитдаги обидаларданыр.

Туркияning үзиге хос санъати XV асрға келиб янада ривож топди. Истамбул шаҳрида аралаш услубда масжиду мадрасалар, күшк ва турбатлар қурилиб шаҳар деворининг узунлиғи үнбеш фарсаңға етказилди. Византия империяси даврида қурилған Аё София ибодатхонаси масжидға айлантирилди. Унинг гумбази 65 метр, эни 32 метр булиб, олтин, кумуш ёрдамида деворий нақш ва суратлар, қимматбаҳо

тошлар билан безатылған әди. Истамбулдаги Тұпқопу саройи 1466 йилдан қурила бошлади, бу ер турк сұлтонларининг таҳтгоҳи булиб келди.

Маълумки, турк ҳунармандчилик буюмлари чиройли бадий безаклари, нақшлари билан жағон бозорида юқори баҳоланар әди. Чунончи XIV асрнинг 30-йилларидан Кичик Осиёда бұлған араб сайде Ибн Баттута Конье ва Сивас шаҳарларida түқилған ажойиб турк гиламларини күриб ҳайратта түшган. У яна Арзинжонда мис конлари булиб, ҳунармандлар ундан турли-туман, гулли рузғор буюмлари, идиш ва шамдонлар ясаганларини ёзади. Дунёнинг күпгина музейларida сақланаётған бундай буюмлар намуналари үша давр турк ҳунармандларининг юксак санъатидан гувоҳлик беради.

Миниатюра санъати әса айниқса Маҳмед II (1451—1481) замонида жуда ҳам тараққий этди. У түздирған «Фотиҳ альбоми» ёки Истамбул альбомлари номи билан машхур мураққа (альбомлар) даги миниатюралар күпроқ лирик мавзуларға бағишенланған. Маҳмед сұлтон күпгина санъат обидаларини нобуд қылған булишігена қарамай, үз саройида күплаб мусаввир ва хаттотларни түплаб, уларға ҳомиийлік қила бошлаган. Унинг саройида ишловчи мусаввирларнинг шұхрати ҳатто чет әл ҳунармандларининг ҳам әзтиборини тортади. Италиялик мусаввирлардан Костинцода-Феррар (1300—1475), Бертольдо Жиованни (1420—1491) ва Жентиле Беллини (1429—1509)лар унинг саройига ташриф буюришади. Маҳмед II га, айниқса Жентиле Беллини ёқиб қолади. У Венецияга мактуб йуллаб, Беллинининг Истамбулда бир оз туриши учун рухсат олади. Сұлтон Беллинега үз саройини безаттириди. Феррар ва Жиованни Маҳмедининг суратини кумуш медалға туширишади.

Сарой меъмори Синонбей ҳам Маҳмед тасвирини металлаға зарб қилади. У асли 1498 йили Қайсар шаҳрида туғилиб, ёшлигіда ботир жангчи булған. Сүнг у үзининг ажойиб қурувчи эканлигини намойиш этади. Синонбей

¹ Б. В. Веймарн. Искусство Турции. Всеобщая история искусств. Т. 2, кн. 2, М., Гос. изд-во «Искусство», 1961, стр. 54—65.

узи ҳақида шундай ёзган: «Мен Абдулманнын үгли бош мөймор Синон, Султон Салим замонида девширма саралови (ёш усмирларни яничарликка олиш) буйича Истамбулга келдим. Мархум Сулаймоншоҳ замонида яничар сифатида Корфай Боль ва Қора Бодон юришларида иштирок этдим. Уша йили саройда бош мөймор этиб тайинландим ва оллоҳ инояти ила кўплаб иморатларни қурдим».

Манбалардаги маълумотларга қарандада, унинг раҳбарлиги ва иштирокида 81 жомеъ масжиди ва 50 маҳалла масжиди, 55 мадраса, 19 мақбара, 17 иморат, 3 шифохона, 7 акведук (осма қувур куприк), 8 куприк, 17 карвонсарой, 32 сарой, 33 ҳаммом ва ҳоказолар қурилади.

Айниқса Шаҳзода (1548), Сулаймония (1550—1557), Салимия (1569—1575) масжидлари мөймор шуҳратини оламга ёйди.

Эндернадаги Салимия масжиди тўртбурчак шаклида бўлиб, улкан гумбаз атрофини олти минора ўраган. Замондош тарихчилардан бири бу масjidни таърифлар экан, буни инсон қўли яратган эмас, осмондан тушган, деб ёzádi.

Синонбей қурган иморатлар Совет Иттифоқида ҳам (Крим ва Кавказда) сақланиб қолгани диққатга сазовор. Бу ҳол Россия подшосининг ҳам турк мөйморларига тан берганлигидан гувоҳлик беради.

Тарихчи Саъдиддин ӯзининг «Зубдат ут-таворих» асарида Изник шаҳрига султон Салим I томонидан Табриз шаҳридан кулол, кошинкорлар келганини ёzádi. Кошин санъати ва кулолчилик ҳунари Изник шаҳри довруғини оширади. 1589 йили султон Мурод III шаҳар ҳунармандларининг бундан буён ёлғиз сарой учун ишлалари лозимлиги ҳақида фармон беради. Истамбулдаги Қалъаи чиний шудаврда бунёд этилган.

Тарихчи Эвлия Чалабий, Изник ҳунармандларининг лаган, товоқ ва кўзаларини мақтаб, бутун усмонийлар давлатидаги нақшин идишлар шу ерда ясалгани ҳақида ёзган. Изник кошинлари масжид ва саройлар деворларини безаш учун ишлатилади. Изник идишларида ҳайвонлар тасвири билан бирга одам сурати ҳам учрайди.

Шойи ва кимхоб матоларни ишлаб чиқишида Бурса ва Ускюдар корхоналари шуҳрат қозонган. Бир ҳужжатда султон саройида 1545 йили 105 нафар; 1557 йили 146 нафар шойи ва кимхоб тўқувчи уста ишлагани қайд этилган.

Турклар бу матоларнинг атлас, кимхоб, дабо, соранг, саросар, чатма, бонак, муқаддам, қутния турларини ишлаб чиққанлар. Матога олтин ва кумуш иплар қўшиб тўқилган. Турк шойи ва духобалари жаҳон бозорида юксак баҳо олган.

XVI—XVII асрларда турк гиламларининг қадри бошқа шаҳарларда ҳам ортади. Кўпчилик Европа мусавиirlари асарларида бундай гиламларнинг тасвиrlаниши фикримизнинг далиллариди.

Султон саройида наққош ва мусавиirlар учун ҳам алоҳида устахона бўлган. Бир ҳужжатда 1525 йили бу устахонада наққош ва мусавиirlардан 29 уста ва 12 халфа бўлгани, булардан беш нафари эрони, икки нафари араб, икки нафари черкес, бири венгер ва бири молдаван экани қайд этилади.

Уша давр миниатюралари ӯзида Ўрта Осиё ва Эрон миниатюра мактабларининг баъзи санъаткорлик ва шакл ҳусусиятларини мужассамлаштирган бўлса ҳам, Ўрта Осиё миниатюраларидаги каби рангларнинг нафис жилоси, мураккаб геометрик нақшлардан фойдаланиш, нозик чизиқлар маънодорлиги каби жиҳатларни кам учратамиз. Турк миниатюраларида биз кескин чизиқлар, жiddий мавзу, бир оз кўполроқ мўйқалам ҳаракатларини кўрамиз. Турк миниатюраларига ёрқин бўёқлардан фойдаланиш, кўпроқ олтин ва кумуш ранглар ишлатиш хосдир.

Турк олимни Мустафо Дафтари 1597 йили султон Мурод III учун «Ҳолоти ҳунарварон» номли катта тазкира туэди. Унда бутун Шарқда машҳур мусавиirlар ва хаттотларнинг таржимаи ҳоллари ва ижодига доир қисқа-қисқа маълумотлар жамланган. Чет эл ва совет санъатшунослари ӯз ишларида бу манбага қайта-қайта мурожаат этадилар.

XV аср охири XVI аср бошларида тасвири этилган Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достонида (Тўпқопу саройи музейи) 15 та миниатюра бор. Биринчи миниатюрада Хусрав устоди Бузург Умид билан қаср олдидаги гиламда ўлтирган тасвири. Атрофларида яқинлари. Қолган миниатюралар Шопурнинг Хусравга Ширин тасвирини тақдим қилаётгани; Хусравнинг чумилаётган Ширинни кузатаётгани; Хусрав ва Шириннинг чавғон ўйини, куй тинглашаётганини тасвиrlайди. Персонажлар кийими туркча, тасвири услуби эса Ўрта Осиёнига ӯшаш.

XVI асрнинг охирига оид бир миниатюрада Исонинг фаришталар ҳамроҳлигига ерга тушуви тасвириланган. У масжид мезанасига қўнмоқда. Қанотли фаришталар рангли кийимларда, девор оқ, осмон олтин рангда, Исоқора турк кийимида, бошида оқ салла.

Султон Сулеймон I 1534 – 1536 йилларда Эронга юриш қиласанда тарихчи Матракчи Назуҳ унга ҳамроҳ булади. Султон буйруги билан у босиб утилган манзиллар тасвиридан иборат «Китоб ул-манозил» асарини ёзди. Китобни номаъум рассом миниатюралар билан таъмин этади. Дастраски саҳифаларда Истамбул ва Галата кўриниши ишланган. Бутун майдон иморатлар тасвири билан тулган. Масжидлар эса алоҳида курсатилган. Деворлар сарғиш, томлар эса қизғиш рангда. Босфор денгизи кўк, елканли кемалар қорамтирирангда. Кейинги миниатюраларда зиёратчиларнинг саҳрова юриши, ҳовуз ва унга қўйиладиган анҳор, анҳор устида ўтган торгина кўпприк тасвириланган.

XVI асрнинг иккинчи ярмида ёзишган Сулеймон I шоҳлигига доир асарда Эрон элчисини қабул қилиш маросимини тасвировчи миниатюра бор. Султон чеҳраси аниқ чиққан. Унинг ёнида қулида лочин тутган янничарлар. Ўртада сарой аҳли, улар элчининг қўлидан тутиб, таҳтга яқин келтиришмоқда. Бошқа суратда Кипр қалъаси Сант Эльмонинг қамал қилиниши курсатилган. Учинчи миниатюра, Драва дарёсини кечиб утиш ҳақида. Қолгандарига венгер қалъаси, Сигетвар қуриқчи кемалари, лашкар юриши ва ҳоказолар тасвириланган. Кейинги иккичи миниатюрада Сулеймонни кумиш маросими ва Истамбулдаги Сулеймания масжиди тасвириланган.

Мурод III (1574 – 1595) замонида «Шоҳаншоҳнома» асари яратилади. Уни озарбайжонлик бир мусаввир миниатюралар билан безайди. Биринчи зарварақда 1576 йилнинг 12 майидаги ҳарбий кўрик тасвири. Кўрик Эрон шоҳи Таҳмосибнинг элчиси Тўқмоқуон учун уюштирилади. Сарой олдидаги пиёда янничарлар утиб бормоқда, елкаларида милтиқлар, сипоҳийлар эса серҳашам кийимларда, катта саллалар урашган. Баъзилари совут ва жавшан кийган, қўлларида найза. Тасвиrlар поғонама-поғона берилади, саҳифа юқорисида сарой, кейин янничарлар, лашкарбошиларнинг кийимлари кўркамроқ, қурол, кийимлар, байроқлар олтин ёки кумуш рангда. Иккинчи миниатюрада Карс шах-

рини қамалдан озод этиш тасвириланади; тепада девор билан уралган шаҳар, ичида уйлар, масжидлар, қўйисида турк лашкаргоҳи. Миниатюрада мураккаб мавзу усталик билан ифода қилинган. Кўчалар бўм-бўш, найзалар душман бошларига қадалган, саропардада лашкарбошилар билан вазир ўтирибди. Ҳилпираётган турк байроқлари ғалаба тимсоли. Уйлар, одамлар сурати моҳирона жойлаширилган. 1550 – 1590 йилларда кўп жилдлик «Хунарнома» асари яратилади. Уни мусаввир Усмон безаган. Сақланиб қолган икки жилдига 160 миниатюра бор, уларда Усмонийлар давлатининг пайдо бўлишидан тортиб, XVI асрнинг иккинчи ярмигача бўлган ҳаёт лавҳадари тасвириланган.

Тасвири мазмунини кучайтириш мақсадида мусаввир Усмон манзарага бир неча эпизод қўшади, саҳифа юқорисида сарой. Имаратлар томи қизғиш, тоғлар кўкиш. Шулар фонида қора чодирлар ва саҳродаги сарғиш тошлар жозибадорлиги ортган.

Усмон асарларида ранг палитрасининг бойлигини шайх Абдулланинг Сулеймон I томонидан қабул қилинishi тасвириланган миниатюрасида ҳам куриш мумкин. Оҳангдош ранглар усталик билан топилган.

Китобда ҳарбий мавзудаги жанг саҳналари ҳам бор. Вена шаҳрининг турклар томонидан олиниши ва ҳоказо.

Усмон Мурод III ҳукмронлиги тарихига доир асарга ҳам 400 дан ортиқ миниатюра чизади. Мусаввир султон шаънини улуғловчи тасвиirlар билан бирга ҳалқ ҳаётига доир саҳналар ҳам яратди. Тантаналар ва сайиллар ҳақидаги миниатюралар маҳорат билан ишланган. Усмонни бошқа турк мусаввирлари билан таққослаб, унинг иқтидори кенг, ҳар қандай мазмунни усталик билан тасвиirlай олиши ва санъаткорлигини кўрса булади. Унинг асарлари Усмонли турк маданияти тарихи учун қимматбаҳо манбадир. Жанр куламининг кенглиги билан ҳам Усмон ижодини турк миниатюрачилигининг чўққиси, деса булади. У қатор портретлар ҳам яратди. Хусрав ва Султон Салим II портретлари шулар жумласидандир.

Айниқса, унинг эртакчи-қизиқчи Даълинқабо портрети диққатга сазовор. Бу ерда ортиқча ҳашамдорлик йўқ. Қотмадан келган чол, қорамтири кийимда одми тасвириланган, сул қулида асо, олдинга интилиб, унг қулини чўзган холла турибди, чеҳраси маъно-

дор. Мусаввир зукко ва иродали одамнинг очиқ чехрасини ифодалай олган.

Турк тасвирий санъатининг яна бир йирик вакили Нигорий (Раис Ҳайдар) дир. У 1492 йилда Ғалатада туғилиб, 82 ёшида вафот этган. Ёшлигиде жасур денгизчи сифатида кўп жангларда қатнашиб, капитан (раис) унвонини олади. Султон Салим II унинг кема ҳайдаш қўлланмасига суратлар чекканини куриб, саройига бош мусаввир этиб тайинлайди. Уз истеъоди билан у Беҳзоди соний (иккинчи Беҳзод) лақабини олади.

Истамбулнинг Тупхона маҳалласида Султон, Нигорий учун тасвирий санъат ва китобат устахонаси қурдирали. Бу ер санъат мавзусидаги мажлислар утадиган жойга айланади. Нигорийнинг кўплаб асарлари сақланниб қолган булиб, уларнинг барчаси турк миниатюрасининг ўзига хос хусусиятларини мужассам этган.

У яратган султон Сулеймон I портрети (Тупқопу саройи музейи) реалистик яратилгани билан ажralиб туради. Саҳифанинг қорамтири фонида султон тасвири, у кўк шоҳи кийимда, бошида катта оқ салла. Унинг ортида икки қуролли яничар. Кексайиб қолган булишига қарамай чехрасида бардамлик ва тетиклик акс этиб турибди. Нигорий суратни султоннинг ўзига қараб чизгани ва унинг ички дунёсини очишга интилганини кўрамиз. У Салим, Ҳайриддин, Барбаросса портретларини ҳам шундай маҳорат билан чекади.

Турк хаттотлик санъатининг ўзига хос мактабини яратганлардан бири Шайх Ҳамидулла (1436—1519) дир. Унинг ота-онаси асли бухоролик

улиб, ҳаёт тақозоси билан Амасъега кучиб келишади. Шайх Ҳамидулла шу ерда туғилади. У 47 қуръон ва кўпгина бошқа бадиий асарларни ҳуснихатда кўчирган. У кўчирган қўлёзма китобларда йигирмадан ортиқ ҳуснихат турини кўриш мумкин.

Мазкур мусаввир ва хаттотлардан ташқари турк султони саройида Ўрта Осиё ва Хуросондан ижтимоий воқеалар туфайли кетиб қолган санъаткорлар ҳам ишлаган. Мусаввирлардан Бобо Наққош, Шайх Мустафо Тожиддин Гиреҳбандий, Абдулғани, Мир Оқо, Шайх Камолий, Шоҳқули кабилалар шулар жумласидандир.

Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, Хуросон ва Ўрта Осиёдаги сиёсий вазиятнинг кескинлашгани туфайли умрининг охирларида Истамбулга кетиб қолган машҳур олим Али Қушчи ўзи билан қўпгина тасвирии китобларни олиб кетгани маълум бўлмоқда. Турк санъатшуносларининг тадқиқотларига қараганда Истамбулнинг Тупқопу саройи музейида ва Аё София музейида Самарқанд ва Хуросонда китобат қилиниб, миниатюралар билан безатилган юзга яқин қўлёзма ва мураққалар авайлаб сақланмоқда. Тупқопу саройи музейида сақлананаётган «Шоҳнома» (№ 1479), Низомийнинг «Хамса»си (Р – 857), юз варақ, 650 суратдан иборат Бойсунқур мирзо альбоми (№ 2152), Амир Темур ва темурийзодалар суратларидан иборат мураққаълар (№ 2153, 2160, 2161), Баҳром Мирзо альбоми (№ 2154), Шоҳ Исмоил альбоми (№ 2138) ва ўнлаб Улуғбек Мирзо ва Султон Ҳусайн Мирзо муҳрлари чекилган қўлёзмалар шулар жумласидандир.

**Абдумажид
Мадраимов**

Озарбайжон миниатюра мактаби

таъкиб ва тазиيқга қарамай озарбайжон мусаввирлари Шарқ адабиёти даҳоларининг ўлмас асарларини ҳамда нодир қўлёзмаларини нафис мұжаз расм-миниатюралар билан безаш билан шуғулланавергандар. Айниқса, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомий Ганжавийнинг «Хамса», Ҳофиз ва Саъдий Шерозийлар, Амир

Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тасвирий санъати тарихида Озарбайжон миниатюра мактаби (асосан Табриз шаҳрида XIV—XVI асрлар давомида ўзининг юксак тараққиёт босқичига кутарилган) Араб, Эрон, Турк, Ўрта Осиё ва Ҳинд миниатюра мактаблари қаторида муҳим урин тутади. Ўрта асрдаги диний

Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомийнинг бир қанча қўлёзмаларига чизилган миниатюралар жаҳон тасвирий санъатининг ноёб лурдоналари қаторида муносаб уринни эгаллаб турибди.¹

Маълумки, Яқин ва Ўрта Шарқда XIII–XIV асрлар давомида Бағдод миниатюра рассомлик мактаби етакчи бўлган. Айни шу вақтда бошқа маданият марказларида ҳам маҳаллий миниатюра рассомлик мактаблари бўлганлиги шубҳасиз. Айниқса, XIV аср бошида Жанубий Озарбайжондаги Табриз миниатюра мактаби гуллаб-яшнади. Бу даврда машҳур тарихчи ва давлат арбоби Фазлуллоҳ Рашидиддин нигорхоналарида турли туман тарихий асарлар қўлёзмаси қайта-қайта кўчирилиб, нафис мўъжаз расмлар билан безатилар эди.

XIV аср охирида йирик маданият марказлари Бағдод, Шероз ва Ҳирот шаҳарларида ҳам мустақил миниатюра рассомлик мактаблари мавжуд эди. Рассомлар айниқса, ҳозирги Афғонистон териториясида жойлашган уша вақтдаги Хуросон давлати пойтахти Ҳирот шаҳрида XV асрда, хусусан XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошларида, уз даврининг бекиёс рассомлари устод Камолиддин Беҳзод раҳнамолигида ижод қилишарди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ҳирот миниатюра рассомлик мактаби Яқин ва Ўрта Шарқ миниатюра мактаблари тараққиётiga жуда катта ижобий таъсир кўрсатди. XIV–XV асрларда қадими маданият марказларидан бўлмиш Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ҳам маҳаллий миниатюра рассомлик мактаблари бўлгани тўғрисида кўплаб тарихий маълумотлар мавжуд.

XIII асрда Жанубий Озарбайжоннинг Табриз, Марғон ва Ардебил шаҳарлари йирик маданият ва савдосотиқ марказига айланади. Чунки бу шаҳарлар асосан серқатнов карвон йўллари утган ерларда жойлашган эди. Бундан ташқари, айниқса Табриз шаҳри катта марказлашган феодал давлатлари, хусусан Ҳулагу мўғул Илхонлари (1256–1340) чобонийлар (1340–1357), жалоирийлар (1360–1410), Қора Қуюнли (1410–1468) ва Оқ Қуюнлилар, сафавийлар (1502–1576) ҳукмронлиги даврида пойтахт шаҳар

бўлганлиги сабабли, бу ерда иқтисодий ва маданий ҳаётнинг юксак тараққиёти учун зарур шарт-шароитлар яратилган эди. Табриз ҳамда Марғон шаҳарларида битилган кўплаб тарихий ва бадиий адабиёт намуналари ажойиб миниатюралар билан безатилар эди. Шунингдек, бу даврда Ширвон шаҳрида яратилган нодир қўлёзмалар ҳам бизгача етиб келган.

XIV аср иккинчи ярмида Жанубий Озарбайжон шаҳарларини Султон Увайс Жалоир эгаллаб олади. Султон хаттот ва рассомларга ҳомийлик қилиб, шунингдек ўзи ҳам хаттотлик билан шуғулланган. Унинг даврида яшаб ижод этган мусаввирлардан бири Устод Шамсиддин бўлиб, бу моҳир уста Абдулҳай ва Жунаид Бағдодий каби рассомларга устозлик қиласди. Жалоирийларнинг сўнгги вакили Султон Аҳмад ҳам хаттотлик ва рассомликка жуда қизиқсан. У ҳукмронлик қиласди даврда Абдулҳай ва Жунаид Бағдодийлар уз санъатларини намоён қиласдилар. Хаттотлар, рассомлар ҳаётти ва ижодига багишланган «Ҳолоти ҳунарварон» (Ҳунармандлар аҳволи) номли рисола муаллифи Дуст Муҳаммад Ҳеравий мусаввир Абдулҳайнинг «Абусаиднома» китоби қўлёзмасига, Жунаид Бағдодий эса Хожа Кирмонийнинг 1396 йили китобат қилинган асари қўлёзмасига нафис расмлар чизганлиги тўғрисида маълумот берган. Булардан ташқари Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достони, Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг «Жамъи ут – таворих» асари қўлёзмалари ҳам нодир миниатюралар билан зийнатланган.

XV аср Табриз миниатюра рассомлиги тараққиёти Қора Қуюнли ва Оқ Қуюнлилар ҳукмронлиги даври билан боғлиқ бўлиб, асосан XIV аср тасвирий санъат анъаналарини ривожлантиради. Бу даврда Табризда яшаб ижод этган санъаткорлар орасида энг машҳури Пир Сайд Аҳмад Табризий бўлиб, турк тарихчиси Мустафо Алининг гувоҳлик беришича, у Камолиддин Беҳзодга устозлик қиласди.

Қора Қуюнлилар суоласи ҳукмронлиги даврида яратилган расмлар нодир қўлёзмалардан 1468 йили Шемахада китобат қилинган антологияни, Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома» асарининг Париждаги Демотт шахсий мажмуасидаги нусхасини, Истамбулдаги Эвкаф музейида сақланётган 1456 йили хаттот Абдураҳмон Хоразмий томонидан кўчирилган китобларни қайд этиш мумкин.

¹ К. Дж. Керимов. Азербайджанские миниатюры: Баку, «Ишыг», 1980; А. Ю. Казис. Художественное оформление азербайджанских рукописей XIII–XVII вв. М., изд-во «Книга», 1977.

Озарбайжон тасвирий санъати та-рихида сафавийлар ҳукмронлиги дав-ри алоҳида сермаҳсуллиги билан ажралиб туради. Чунки нисбатан марказлашган феодал давлатининг ташкил топиши (бу давлат террито-риясиға асосан Озарбайжон, Эрон ва қисман Кавказ кирган эди), ҳукмрон сулола айрим вакилларининг турли тасвирий санъат соҳалариға ҳомийли-ги ва шахсий қизиқиши, эътибори маъ-лум даражада китобат, хусусан мини-атюра рассомлиги тараққиёти учун ҳам яхши ижодий имкониятлар ярати-лишига олиб келган эди.

Сафавийлар сулоласи ҳукм сурган давр Табриз миниатюра рассомлиги мактаби учун янги бадиий услубининг шаклланиш, ривожланиш ва гуллаб-яшнаш даври эди. Озарбайжон мусав-вирларининг бу янги услуби узининг ута декоратив образлар силсиласи, бой ва ёрқин ранглар жилоси, чизиқ-ларининг жуда нозиклиги, гузал ва бетакрор нақшлари, узига хос композицион ечимлари, шаклларнинг шартлилиги билан жозибалидир. Шунингдек, бу услубининг муҳим хусусиятларидан яна бири шундаки, уларда бадиий эстетик талабларга риоя қилинган ҳолда барча давр қаҳрамонларига уз замонаси руҳини синг-диришdir. Бу давр расмларини ало-ҳида ажратиб турадиган хусусиятлардан бири, улардаги анъанавий қизилбошлар бош кийими, уни узун қи-зил кулоҳли маҳсус услубда уралади-ган оқ салла тасвири мавжудлигидир. XVI аср Табриз миниатюра рассом-лигининг янги бадиий услуби, мавжуд маҳаллий рассомлик анъаналарини ри-вожлантириш ва бошқа машҳур мини-атюра рассомлик мактаблари, энг аввало XV аср иккинчи ярми ва XVI аср бошларидағи Ҳирот миниатюра рассомлиги ижодий муваффақиятла-ридан баҳраманд булиш, үрганиш, узлаштириш, жуда катта ижобий таъ-сиrlаниш, барча бадиий ва техник ютуқларни уз даври бадиий эстетик талабларига мос келадиган қилиб қай-та ишлаш манбаида юзага келди.

Сафавийлар сулоласи асосчиси Шоҳ Исмоил (1502–1524) маҳсус санъат устахоналари очтириб, уларда турли бадиий газламалар, гиламлар түқилишини йулга қўйган. Унинг узи шоир булиб, озарбайжон ва форс тилларида шеърлар битган, хаттотлик ва рассомлик намояндаларига жуда катта эътибор билан қараган. Шунинг учун булса керак, ҳалқ орасида бир афсона туқилган. Бу афсонага биноан

Шоҳ Исмоил турк ҳукмдори Султон Салим (1512–1520) га қарши жангга кетиш олдидан устод Камолиддин Беҳзодни душман қўлига тушиб қоли-шидан хавфсираб, қандайдир бир гор-га беркитган, жангдан қайтибоқ, даъфатан: «Беҳзод тирикми?»— деб сурайди.

Шоҳ Исмоил устод Камолиддин Беҳзодни уз мулки ва хазинасидан ҳам аъло курган экан.

Ҳаётда ҳам Шоҳ Исмоил устод Камолиддин Беҳзодни жуда ҳурмат-лаб, маҳсус фармонга биноан уни 1522 йили сарой кутубхонасидағи барча китобат санъати аҳлига бош мутасадди қилиб тайинлаган. Бу даврда Табриздаги сарой кутубхонасида озарбайжон мусаввирлари билан ёнма-ён моҳир рассомлар Қосим Али, тер-мизлик Мир Мансур Муссавир, Шайх-зода Исфаҳоний, Ҳайдар Али Гурба-тий каби кўплаб ноёб талант әгалари яшаб ижод қилганлар. Бу рассомлар гуруҳи томонидан яратилган жуда куп нодир қўлёзмалар бошқа қимматбаҳо санъат асарлари қаторида турк ҳукмдори Султон Салим томонидан Табриздан Истамбулга олиб кетилган булиб, Озарбайжон миниатюра рас-сомлигининг ажойиб намуналари ҳамон шу жойда сақланмоқда.

Шоҳ Исмоил ҳукмронлиги даврида Табризда нафис мӯъжаз расмлар билан зийнатланган нодир қўлёзмаларга Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳно-ма», Саъдий Шерозийнинг «Бустон», Низомий Ганжавийнинг «Хамса» асарлари нусхалари киради. Санъатшунос-лар фикрича, Табризда XVI аср бошла-рида яратилган бу нодир қўлёзмаларга ишланган миниатюралар бадиий услуби жиҳатидан уша даврдаги Ҳирот ва Шероз миниатюра рассомларининг ишларидан алоҳида ажралиб туради. Янги рассомлик бадиий услуби айниқ-са Низомий Ганжавийнинг «Хамса» асарининг XV аср охири ва XVI аср бошларида китобат қилинган, ҳозирги кунда илгари Туркия пойтахти бўлган Истамбул шаҳридаги Тўпқопу сарой музейида сақланётган, уч мусаввир томонидан нафис миниатюралар билан зийнатланган нусхада яққол кузга ташланади. Бу нодир қўлёзма расмларининг муаллифларини услуби жиҳа-тидан уч гуруҳга ажратиш мумкин. Уларнинг композицияларида, манзара тасвиirlарида, образлар силсиласида узига хос оригиналлик мавжуд. Айрим миниатюралар жуда катта маҳорат билан яратилган булиб, расм чизиқлари-нинг нозиклиги ва назокати билан

ажралиб турди. Бундай миниатюралар муаллифи кўп фигуралик композицияларнинг оригинал ечимини топувчи, тасвиirlаётган меъморлик обидаларини ва деталларини катта аниқлик билан чизадиган, ҳаётий манзараларни таъсирчан ва ифодали қилиб ярата оладиган санъаткор сифатида намоён булади. Барча миниатюраларда кишилар қиёфаси, энг муҳим персонажлар образи жуда ифодали, таъсирчан, ҳаётий яратилган. Албатта, бу расмларда, айниқса айрим кишилар тасвирида улар нисбатан паст бўйли, баъзи расмларнинг чизиқларида нағислик етишмайди. Шундай булса-да, бу миниатюралар ўша давр Шероз ва Ҳирот миниатюра рассомлиги асарларидан ўзларининг бадиий хусусиятлари билан фарқ қиласди.

Шоҳ Исмоилнинг ўғли ва таҳт вориси Шоҳ Таҳмосиб (1524—1576) ҳукмронлиги вақтида Табриз миниатюра рассомлиги мактаби ўз тараққиётининг энг юксак ва сермаҳсул даврини бошдан кечиради. Чунки Шоҳ Таҳмосиб ёшлигидан рассомлик ва хаттотликка қизиқиб, устод Султон Муҳаммаддан сабоқ олади. Унинг энг ҳурматли рассоми ҳам устод Султон Муҳаммад бўлган. Айрим мутахассислар, шахсан турк тарихчиси Мустафо Али томонидан устод Камолиддин Беҳзод каби талантли деб тан олинган бу устод рассом XVI аср Табриз миниатюра рассомлик мактаби бадиий услубининг шаклланишида жуда катта роль ўйнаган. Устод Султон Муҳаммаднинг атоқли санъаткор сифатида асосий хизмати шундаки, у ҳатто анъанавий мавзуларга ҳам ижодий ёндашиб, узига хос бадиий образлар яратишга, уларнинг оригинал ва бетакрор булишига эришади. Рассом новатор санъаткор сифатида устод Камолиддин Беҳзод анъаналарини янгича шароитда янада ривожлантириб жуда катта муваффақият қозонади.

Шоҳ Таҳмосиб сарой кутубхонасида устод Султон Муҳаммаддан ташқари устод Камолиддин Беҳзод, яна Мирза Али Табризий, Оқо Мирак, Музаффар Али, Мир Саид Али, Сиёвушбек ва бошқа мусаввирлар нодир қўлёзмаларни нафис, мўъжаз расмлар билан безашда қатнашганлар. Шунинг билан бир қаторда Шоҳ Исмоилнинг бошқа ўғиллари Сом Мирзо ва Баҳром Мирзолар ҳам хаттотлик, рассомлик ва китобат санъатига жуда катта ҳомийлик қилгани түғрисида тарихчилар гувоҳлик берадилар.

Феодал ҳукмронлари рассомлик, хаттотлик ва китобат санъатига ҳомийлик қилиб бу тасвирий санъат соҳаларининг жуда катта ижодий юксалишига кенг имконият, шарт-шароит яратиб берган булса-да, лекин айрим вақтларда улар санъаткорларга нисбатан жуда ҳам шафқатсиз, ҳатто ваҳшиёна муносабатда бўлганлар. Масалан, тарихчилар Қози Аҳмад ва Мустафо Алининг қайд этишича, Абдуазиз ва унинг шогирди Камол исмли рассомларнинг Ҳиндистонга қочиб кетмоқчи бўлганликларидан хабар топган, Шоҳ Таҳмосиб шахсан ўзи санъаткорларнинг қулоқ ва бурунларини кесиб ташлаған экан.

Уз ҳукмронлигининг сунғги йилларида Шоҳ Таҳмосибнинг рассомликка қизиқиши суниб, у сарой қошидаги рассомлар устахонасини ёптириб қўяди. Бу ҳол Табриздаги моҳир рассомларни ҳомий қидириб, турли улкаларга тарқаб кетишига сабаб булади. Шунинг учун булса керак, Шоҳ Таҳмосиб саройидаги рассомларидан бўлган Мир Мансур Мусаввир, унинг ноёб талантли ўғли Мир Саид Али ва Абдусамад Шерозийлар Кобулга — Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўғли Ҳумоюн саройига кетиб қолгандар.

XVI аср охири ва XVII аср бошларида Шоҳ Аббос томонидан яна сарой рассомлик устахонаси қайта тикланган, аммо бу вақтга келиб сафавийлар давлати пойтакти қилиб Эрон шаҳарлари: аввал Қазвин, сунгра Исфаҳон танланган. Натижада кўплаб озарбайжон санъаткорлари — хаттот, рассомлар ва бошқалар сафавийлар пойтакти шаҳарларида яшаб ижод этишга мажбур бўлганлар. Озарбайжон рассомларидан Абдул Боки Табризий, Али Ризо Аббосий, Муҳаммад Риза Табризий, Содиқийбек Афшар ва бошқалар шулар жумласига киради.

Шоҳ Таҳмосиб ҳукмронлиги даврида сарой рассомлик устахонасида бошқа даврларга нисбатан энг кўп нодир қўлёзмалар китобат қилиниб, улар ажойиб нафис расмлар билан зийнатланган. Санъатшуносларнинг ҳисобига кура, бу даврда яратилган расмли нодир қўлёзмаларнинг умумий сони юзга яқин экан. Бу давр миниатюра рассомлиги тараққиёти, унинг бадиий услуби ва энг характерли хусусиятлари Салтиков-Шчедринномли Ленинград Давлат халқ кутубхонасидаги Орифийнинг «Гўй ва чавгон» (1524—1525), Фазлуллоҳ Рашидид-

диннинг «Жамъи ут – таворих» (1528–1529), Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимидаги Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» (1524), Истамбулнинг Тўпқопу сарой музейидаги Шарафиддин Али Яздиининг «Зафарнома» (1525) асарларининг нодир қўлёзмасининг зийнати ҳисобланган ноёб миниатюраларда жуда ёрқин мужассамланган.

Ун икки яшар Шоҳ Таҳмосиб томонидан кўчирилган ва турли расомлар томонидан ун тўқиз ажойиб миниатюралар билан безатилган Орифийнинг «Гўй ва чавгон» қўлёзмаси расмларда ёш ҳокимнинг дам олиши, зиёфати, аксариятида эса чавгон ўйини тасвирланган. Гарчи кўпчилик миниатюралар айнан бир мавзуга багишланган бўлса-да, улар бир-биридан тарҳининг хилма-хиллиги, манзаралар тақини, танланган бўёклари билан фарқланади.

Табриз миниатюра рассомлигининг XVI асрнинг йигирманчи йилларидаги бадиий услуби Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарига яратилган

нағис расмларда яққол кўзга ташланади. Бу ажойиб миниатюралар тарҳи анча мураккаблашган бўлиб, кишилар тасвири жуда нозик, табиат манзараларини юксак маҳорат билан чизишига катта эътибор берилган. Лекин персонажлар қиёфасида уларнинг индивидуал хусусиятлари тўла ва ёрқин акс этган эмас.

Шарафиддин Али Яздиининг «Зафарнома» ва Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг «Жамъи ут – таворих» асарларининг нодир қўлёзмаларига ишланган миниатюраларда ҳарбий мавзуга оид жанг манзаралари тасвири кўпроқ учрайди. Уларда қалъалар қамали, пиёдалар ва суворийлар жангни, душманни асир олиш каби воқеалар ўзининг бадиий аксини топган. Шунинг билан бирга расмларда ов манзаралари, расмий қабуллар, мажлислар, зиёфатлар ҳам тасвирланган.

Жуда катта ижодий муваффақиятга эришган XVI аср Табриз миниатюра рассомлик мактаби ўз ўрнида бошқа Шарқ миниатюра рассомлик мактаблари тараққиётига ҳам хизмат қилди.

*Абдумажид
Мадраимов*

Ҳинд миниатюра мактаби

дай шахслардан тарихчи Гиёсиддин Хондамир, табиб Юсуф Юсуфий, шоир Қосим Куҳий Самарқандий, рассомлардан Мир Сайд Али, Абдусамад Шерозий, Фаррухбек каби куплаб ақзаковат эгаларини санаб утиш мумкин.

Ҳинд миниатюра рассомлиги ўзига хос мактаб сифатида XVI асрнинг иккинчи ярмида шаклланган бўлса-да, ҳинд тасвирий санъати, хусусан рассомлиги жуда кўп асрлик бой анъаналарига эга эди. Ҳиндистон территориясида жойлашган буддистларнинг қадимги Ажанта (эрамиздан аввалги II аср – эрамизнинг VII асрлари), Багҳа (IV–VIII асрлар) тоғларига уйилган ибодатхоналарнинг деворий расмлари бизгача етиб келган. Бу қадимги деворий расмларнинг аксарияти буддизм адабиёти ёдгорлиги «Жатак» ларга, яъни буддизм асосчиси шаҳзода Гоутаманинг афсонавий ҳаётидан олинган масаллар ва нақллар тупламларига илова тарзида яратилгандир.

XVI–XVIII асрларда Шимолий Ҳиндистоннинг пойтахт шаҳарлари Агра, Дехли ва Лоҳурда ривож топган ҳинд миниатюра мактаби ўзига хослиги ва юксак бадиий хусусиятлари билан Шарқ миниатюра рассомлиги тарихида муҳим урин тутади. Бу миниатюра рассомлигининг шаклланиши ва тараққиётида қадимги маҳаллий ҳинд тасвирий санъатининг бой анъаналари билан бир қаторда қўшни ҷаҷет мамлакатлар билан Ҳиндистоннинг фаол маданий муносабатда булганилиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу Мовароуннаҳр (Самарқанд ва Бухоро), Ҳурросон (Ҳирот), Жанубий Озарбайжон (Табриз), Эрон (Шероз) ва Ғарбий Европа рассомлигининг ҳинд миниатюрасидаги таъсирида сезилади. Жумладан, қўшни мамлакатлардан кўпчилик олимлар, шоирлар, моҳир рассомлар, ҳаттотлар ва бошқа санъат намояндалари Ҳиндистонга келиб яшаб, ҳинд маданияти тараққиётига ўзига хос ҳисса қўшганлар. Мана шун-

Бу расмлар юксак санъат асари сифатида дунёга машхур Pompeя деворий расмлари қаторида туради.

XI—XV асрлар давомида яратилган, пальма баргларига битилган қатор диний китобларни ҳам расмлар билан зийнатлаш одат булган. Қадимги ҳинд адабиёти ёдгорликларида ҳам рассомлар, уларнинг ишлари түгрисида айрим маълумотлар берилган. Ҳатто Бобурийлар империяси бунёд этилгунга қадар Деҳли, Гужорат ва Бенгалияда яратилган турли расмли қўлёзмаларнинг бир нечтаси сақланиб қолган. Аммо бу миниатюра расмлар асосан кичик маданий марказларда яратилган булиб, узининг соддалиги, композициясининг купроқ шартлилиги, кам ранглардан фойдаланганлиги ва чизиқларнинг нисбатан дағаллиги билан характерланади.

XVI асрнинг иккинчи ярмида бобурийлар саройи қошида маҳсус рассомлик устахонасининг очилиши, четдан келган рассомлар билан бир қаторда маҳаллий диний марказларда яшаб ижод этиб келган санъаткорларнинг қобилиятини кенг намойиш этишга шароит яратди.

Ҳинд миниатюра рассомлиги XVI асрнинг иккинчи ярмида Жалолиддин Муҳаммад Акбар (1556—1605) даври санъат воқеалиги сифатида маълум булиб, аслида бу рассомлик мактабига Бобур ва Ҳумоюн асос солган.

Ҳиндистондаги янги сулола асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1525—1530) шоир, ҳаттот, олим булиши билан бир қаторда рассомликка жуда қизиқкан. Унинг шоҳ асари «Бобурнома» (асли номи «Вақойиъ») дан маълумки, у табиат манзараларини, одамлар қиёфасини уста рассомлардек шундай тасвирлаганки, улар китобхон дикқатини дарҳол узига тортади. Мана шу хусусият учун бўлса керак, ҳинд рассомлари бу китобнинг форсча таржимаси қўлёзма нусхаларини бир неча марта кўплаб нафис расмлар билан зийнатлаганлар.¹ Бундан ташқари, «Бобурнома» да тўртта ҳиротлик ва самарқандлик рассомлар — машхур устод Камолиддин Беҳзод, Шоҳ Музаффар, Бойсунқур (Султон Маҳмуд мирзо угли), Ҳайдар мирзоларнинг номлари тилга олинган.² Бобур ўзи-

нинг Мовароуннаҳрдаги саргузашларга бой ва таҳликали ҳаёти давомида анча ёш бўлишига қарамасдан, отабоболари темурийлар кутубхоналаридан қолған ҳар бир нодир қулёзмани, ҳатто унинг вафақларини йигиб жамлаб, ҳаммасини кейинчалик Ҳиндистонга олиб кетган. Бобур ватанидан Ҳиндистонга олиб кетилган бу нодир қулёзмалар ҳинд миниатюра рассомлигининг шаклланишида жуда катта роль ўйнаганини алоҳида таъкидлаш уринлидир. Чунки, ҳинд рассомлари ўз маҳоратини ошириш мақсадида сарой кутубхонасидаги Ўрта Осиёдан келтирилган расмлардан нусха кўчириб рассомлик сирларини ургангандар. Ўрни келса, ўз устозларидан утишга ҳаракат қилганлар ва энг моҳир санъаткорлар бунга эришганлар.

Бобурнинг угли Насириддин Муҳаммад Ҳумоюн (1530—1542, 1555—1556) ҳинд рассомлиги тарихида сарой қошидаги рассомлик устахонасининг асосчиси сифатида танилган. Тарихчи Абулфазл Алломийнинг гувоҳлик беришибча, у нодир расмли қўлёзмаларни шу қадар қадрлаганки, ҳатто ҳарбий юришлар вақтида ҳам уларни узи билан бирга олиб юрган. Лекин айрим тадқиқотчилар Ҳумоюннинг ҳокимиётдан четлатилган пайтида Шоҳ Таҳмосиб ҳузурида маълум вақт (1543—1544 йиллар) булганлигини назарда тутиб, унда рассомлик санъатига ҳавас сафавийлар билан бирга бўлган даврда уйғонган деб уринсиз даъво қиласидар. Ҳумоюннинг Шоҳ Таҳмосиб меҳмони бўлгунга қадар ҳам рассомликка қизиққанини тарихий манбалар тасдиқлайди. Чунончи, Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» асарида унинг китобларга қизиқиши қайд этилган.

Ҳумоюн Шоҳ Таҳмосиб меҳмони булиб турган вақтда унга асли термизлик рассом Мир Мансур Мусаввирни таништирадилар. Унинг рассомларини кўриб Ҳумоюн жуда завқланади: «Агар менинг хизматимга шу рассом берилса, унинг учун Ҳиндистондан минг туман пул жунатишга розиман», дейди. Шу воқеадан сунг Ҳумоюн Мир Мансур Мусаввир, унинг угли Мир Сайд Али, Абдусамад Шерозийга, агар у Кобул таҳтини эгалласа ўз хизматига қабул этишга ваъда берган бўлса керак. Ҳумоюн Кобул таҳтини эгаллаганидан сунг, сарой қошида рассомлик устахонасини ташкил қилиб, унга юқорида номлари тилга олинган санъаткорлардан ташқари

Бобурнома расмлари. Сузбоши муаллифи ва тузувчи Ҳамид Сулаймон. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1970 (96-расм).

Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрға тайёрловчилар С. Мирзаев, П. Шамсиев. Тошкент, УзССР Фан нашриёти, 1960, 68, 126, 244-бетлар.

яна Мавлоно Дуст Мұхаммад, Мавлоно Дарвиш Мұхаммад, Мавлоно Юсуф каби устод Камолиддин Бекзоднинг шогирдлари ва сафдошларини ҳам уз хизматига олганлигини тарихчи Боязид Баёт уз хотираларида ёзиб қолдирган. Номаълум муаллиф томонидан битилган, ҳозирги кунда Ҳиндистоннинг Патна шаҳридаги Ҳудо Бахш номли Шарқ қулёзмалари кутубхонасида сақланып калған форсча «Тарих-и ҳонадон-и тимурия» номли асар қулёзмасида қайд этилганидек, Ҳумоюн ва унинг угли Акбар расом Абдусамад Шерозийдан расомлик сирларини ўрганганлар.

Хаттотлар ва расомлар ҳақидағи қимматли манба «Гулистон-и ҳунар» асарининг муаллифи Қози Аҳмад Қумийнинг ёзишича, устод Камолиддин Бекзоднинг маҳоратда тенгсиз шогирдларидан бўлмиш Дуст Девона исмли расом ҳам Ҳиндистонга кетиб, шу ерда шуҳрат орттирган экан.¹ Бу моҳир расомнинг машҳур Маҳмуд Музахҳиб билан ҳамкорликда яратган расмлари билан зийнатланган нодир қулёзма асарлардан бири ҳозирги кунда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Салоржанг музейи фондида сақланмоқда. Бу нодир расмларнинг юксак бадиий савияси ҳақиқатдан ҳам уларнинг муаллифи Дуст Девонанинг ёрқин талант эгаси эканлигидан далалат беради.

Бобурийлар саройи қошидаги маҳсус расомлик устахонасига Ҳумоюн томонидан асос солинган булсада, юқорида зикр этилганидек, ҳинд миниатюра расомлик мактабининг тараққий этиши, янги расомлик услубининг шаклланиши Бобурнинг набираси Акбарнинг таҳминан ярим асрлик ҳукмронлик даврига туғри келади. У ёшлигиданоқ хаттотлик ва расомлик тараққиётига жуда катта эътибор берниб, сарой қошидаги устахона расомларни жалб этишда шахсан узи бошкош булади, ҳафтанинг маълум кунида мусаввирлар ишларини назоратдан утказиб, муваффақиятга эришган санъаткорларга инъомлар тухфа этган ёки уларнинг ойлик маошини күпайтириб турган. Чунки Акбар, кишилар билим доирасини кенгайтиришдаги расомлик ва хаттотликтининг ролини жуда муҳим ва завқ олиш манбай деб ҳисоблаб, расомликни таъқиб этувчи ута мутаассиб руҳонийлардан дадил ҳимоя қиласан.

¹ Кази-Ахмед. Трактат о каллиграфах и художниках. Введение, перевод и комментарии Б. Н. Заходера. М.—Л., изд-во «Искусство», 1947, стр. 182.

«Нафоис ул-Муасир» номли тазкиранинг муаллифи Мир Алайдавла Қазвинийнинг ёзишича, XVI асрнинг етмишинчى йилларига келиб сарой қошидаги расомлик устахонасида турли маданият марказларидан жалб қилинган, мусаввирликда устод Бекзоддай моҳир, талантда афсонавий Монийифат санъаткорлар «Нодир ул-Мулк-и Ҳумоюн» унвонига сазовор бўлган Мир Саид Али раҳбарлигига «Қисса-и Амир Ҳамза» номли романтик афсонага нисбатан каттагина форматдаги (52×68 см) матога расм ишлаш билан машгул бўлганлар. Улар 1570 йилгача, яъни Мир Саид Алиниң ҳаж қилиши баҳонаси билан сарой корхонасидан кетгунга қадар, унинг бевосита раҳбарлигига «Қисса-и Амир Ҳамза» нинг ҳар бири юз расмдан иборат турт жилдигина тайёр бўлган эди. Бу расмларнинг юксак бадиий хусусиятини тан олиб, тазкиранавис: «Бундай ажойиб расмларни табиату осмон яратилиб, у юлдузларга тулгандан буён ҳеч ким курган эмас»,— деб ҳайратланган. «Қисса-и Амир Ҳамза» афсоналарини расмга кучириш кейинча «Ширин қалам» унвонига сазовор бўлган Абдусамад Шерозий раҳбарлигига давом эттирилиб, мутахассисларнинг ёзишича, расмларнинг умумий сони 2800 тага етказилган экан. Аммо камида йигирма йил давомида куплаб ҳинд расомларининг ҳамкорлигига яратилган бу ноёб санъат намуналаридан бор-йуғи юздан ортиқ расм бизгача етиб келган, уларнинг купчилиги Австрия пойтахти Вена шаҳри музейида, қолганлари эса дунёнинг турли фондларига тарқаб кетган. «Қисса-и Амир Ҳамза» расмлари ҳинд миниатюра расомлиги тарихида алоҳида даврни ташкил қиласан.

Акбарнинг вазири ва тарихчиси Абулфазл Алломий «Оин-и Акбари» асарида расомлик түғрисида алоҳида тўхталиб, тўртта устод расомлар Мир Саид Али, Абдусамад Шерозий, Дастантҳ ва Басованнинг номларини катта эҳтиром билан қайд этади. «Бу санъат соҳасида,— деб давом этади тарихчи,— яна Кесу, Лаъл, Мукунӣ, Мискина, Фарруҳ Қалмоқ, Мадҳу, Жаган, Маҳеш, Қҳемкаран, Ҳариванс, Санвала, Тара ва Рам ҳам катта муваффакиятга эришиб машҳур бўлган эдилар».

¹ А. А. Мадраимов. Абулфазл Аллами о каллиграфах и миниатюристах.— В кн.: Из истории культурных связей народов Средней Азии и Индии. Ташкент, Изд-во «ФАН» УзССР, 1986, стр. 114.

юксак бадиий асарлар яратганлар. Рас-
сомларнинг асарларида Шарқ миниа-
тиюра хусусиятлари Гарбий Европа
рассомлиги анъаналари билан уйғун-
лашиб перспектива, ёргулук ва соя кўп
учрайди.

Аврангзеб Оламгир (1658—1707) даврида сарой рассомлиги санъати уз ҳолига ташлаб қўйилди. Шу даврда Ҳиндистонда булган француз сайёхи ва врачи Франсуа Берньенинг ёзишича, сарой рассомларининг маҳорати жуда юксак булиб, моддий таъминоти ҳам яхши булган. Аммо оддий рассомларнинг аҳволи жуда аянчли булган. Зодагонлар рассомларни ёллаб,

расм битганидан сунг истаганча ҳақ тұлаб, гоҳида ҳақ тұламай қувиб юбор-
ганлар.

XVIII аср давомида юз берган бобурйлар салтанатидаги тушкунлик миниатюра санъатининг ҳам таназзу-
лига булган асосий сабаблардан бири-
дир. Бу даврдаги расмларда ўтмишдаги машҳур санъаткорлар асарларига тақ-
лид кучайди. Ҳукмронлар ҳомийлиги сусайганлиги сабабли рассомлар оддий ҳалқ ҳаётини күпроқ акс эттирди. Ҳинд миниатюра рассомлиги бу даврда жуда кўп маҳаллий рассомлик мактабларининг шаклланишига ижо-
бий таъсир курсалди.¹

29

Наим
Норқулов

Қадимиий тасвирлар

Узбек ҳалқининг тасвирий санъа-
ти жуда ҳам қадимиий булиб,
унинг сарчашмалари ибтидоий жамоа давридан, тош асидан бошли-
нади. Турли ранглар воситасида тошга битилган жуда кўп тасвирлар респуб-
ликамиз жанубида, Кўхитанг тогидаги Зараутсойдан топилган. Бу жойни санъатшунослар катта санъат кошона-
сига қиёс қиласидар. Зараут (сўғдийча Зарауд — тоғ оралигининг ут-уланга ва сувга мўл жойи) камаридаги ёввойи ҳуқизлар ови тасвири дикқатга сазо-
вордир: овчилар ҳайвон терисидан ёпинчиқ ёпиниб, түяқуш кўринишида-
ги ҳуқизга яқинлашмоқда ва унга болтача, тош найза ёки камон билан ҳамла қилмоқдалар. Тасвир чекишида рассом ўз ниятини ифодалаш учун тоғ сиртидаги буртоқ уринлардан ҳам фойдаланган ва бир оз уйиб ёки ранг билан уларга шакл берган. Тоғ дарзларидан ҳандақни тасвирлаш учун фойдаланганлар; бу ерга ҳайвонларни ҳайдаб келиб қулатиш тасвири чекилган. Зараутсойда яна бошқа турли ҳайвонлар, ҳар хил асбоб-анжомлар, қуроллар, ҳамда қуёш тасвирини курамиз.

Ибтидоий даврга доир тоғ тасвирлари обидалари яна Самарқанд яқинидаги Илонсой ва Оқсойдан, Тошкент яқинидаги Хужакентдан, Фарғонадаги Сувратсой ва бошқа жойлардан топилган. Тошларга уйиб ишланган тасвирий санъат обидалари уша давр одамлари ҳаёти, машғулоти ва

дунёқарашининг ифодаси деса булади.

Тасвир, нақш, хаттотлик, заргарлик аждодларимизнинг жуда ҳам қадимиий ҳунарлари булган. Юксак дид ва бадиий нафосат билан ишланган рўзгор буюллари, чиройли хуснихатлар билан кўчирилган безакли ва суратли китоблар, қитъалар ҳар бир хонадонда қадимдан эъзозлаб келинган. Қадимиий кўшк, сарой ҳамда чортоклар тасвири ва нақшин бўлган. Буларнинг барчаси археологик топилмалар ва санъатшуносларимиз тадқиқотлари туфайли маълум бўлмоқда. Чор ҳукумати Туркистон ҳалқларини қолоқ, маданий ҳаётга лаёқатсиз, цивилизацияга муносиб бўлмаган аҳоли деб биларди. Унинг сиёсати маҳаллий аҳолини хурлаш ва камситишга асосланганди. Октябрь инқилоби шарофати билан узбек ҳалқи узлигини таний бошлади. Унинг бой тарихи, маданияти урганила бошланди. Бугунги кунда Урта Осиё жаҳоннинг энг қадимиий маданий марказларидан булгани исботланмоқда. Аммо бу иш катта қийинчилликлар ва машақатли тадқиқотлар туфайли амалга оширилмоқда. Чунки Урта Осиё ҳалқларининг барча меъморий обидалари, зеби зийнатлари, уларнинг бадиий нафис кўчирилган китоблари, муттасил чет эл босқинчилари томо-

¹ Индийские миниатюры XVI—XVIII вв. Вступительная статья Т. В. Грек М., «Наука». 1971. Бобурнома расмлари.

нидан талон-торож қилиб келинди. Абурайхон Берунийнинг ёзишича: «...юнонистонлик фотиҳ Исқандар Ўрта Осиё ҳалқларининг илму фан ҳазиналарини уз мамлакатига олиб кетди. Исқандар ва унинг ворислари томонидан «ҳаёт воситаси бўлган ва фахр қилинадиган гузал санъатлар барбод этилган эди. Исқандар кўплаб китобларни куйдирган, ажойиб биноларни вайрон қилган».

Мазкур фикрни Исқандар билан келган юон мурархи Квінт Курій ҳам тасдиқлади: «Тоғли қабиладан шикаст еган Исқандар туртинчи куни Мароқанда шаҳрига етди. Унинг девори стмиш стадий узунликда бўлиб, қалъаси бошқа девор билан уралган эди. Шаҳар мудофааси учун минг жангчини қолдириб, Исқандар атроф-теваракдаги қишлоқларни талади ва ёндириди... Сунг у Танаис дарёси томон юрди ва турт кун утиб Мароқандага қайтди... У энг гузал шаҳар бўлиб, уни айланиб оқаётган дарё туфайли яхши муҳофаза этилган.²

«... Маданият қандай вайрон қилинмасин,— деган эди В. И. Ленин,— уни тарихий турмушдан учириб ташлаш мумкин эмас, уни тиклаш қийин булади, аммо ҳеч қандай вайронлик бу маданиятни ҳеч вақт бутунлай йўқ қилиб юбора олмайди. Бу маданиятнинг бирон бир қисмини, унинг бирон-бир моддий қолдиқларини йўқ қилиб бўлмайди, уни тиклашгина қийин булади».³

Афросиёбни урганиш ишлари Октябрь инқилобидан сунг кенг кўламда олиб борилди. 1965 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология ва ЎзССР Маданият министрлигининг Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтлари ходимлари томонидан Афросиёбда сўғдийларнинг еттинчи асрга оид деворий расмлари кашф этилди.⁴ Қалъа деворларидан бирида бирмунча сақланиб қолган суратлар топилди. Жанубий деворда серҳашам лиbosлардаги киши-

ларнинг фил, түя ва отларда кетаётган тасвири бор. Карвон олдида оқ фил. Ундаги тахти равонда малика. Оқ фил ортидан отларда уч аёл бормоқда. Улардан кейин түяларда икки киши. Булардан ўнгда турт қуши тасвири. Қушлар ортида саман отлиқ шаҳзода, отлиқлар. Ғарбий девордаги суратлар мазкур саҳнани бирмунча тўлдиради. Олдинда кетаётган уч киши қўлида тортиқ (тақинчоқ, газлама ва ҳ. к.). Уларни икки киши бошлаб бормоқда. Деворнинг бошқа бир булагида гилам устида утирган бир гуруҳ одамлар сухбати тасвири. Улардан бирининг қўлатигида китоб, бошқасининг чопони этагида эса сўғдийча ёзув бўлиб, унда Чагониён шоҳининг Самарқанд шоҳига юборган элчиси ҳақида гап боради. Ана шу ёзувга асосланиб, археолог Л. И. Альбаум жанубий деворда Чагониён подшоҳининг элчилари, шоҳнинг узи саман отда тасвиirlанган ва олдидаги малика эканлигини аниқлади. Элчилар Самарқанд шоҳига тортиқ элтишмоқда. Ҳадялар орасида ажойиб қушлар, қимматбаҳо буюмлар бор. Ғарбий деворда яна Самарқанд шоҳига ҳадяларни топшириш саҳнasi тасвиirlанган. Чагониён элчиси шоҳга тортиқ билан бирга ўз шоҳи мактубини ҳам топширмоқда. Мактуб мазмуни бошқа бир киши этагида ёзилган. Мазкур тасвиirlар анъана ва қадим асосга эга. Улар оддий табақанинг майший турмушини акс эттирган. Мазмун нуқтаи назаридан улар феодал жамиятининг ижтимоий ҳаётидан ҳикоя қиласи.

Термиз яқинидан, Тупроқкалья ибодатхонасидан топилган эрамизнинг биринчи ва учинчи асрларига доир тасвирий санъат намуналари: чангчи қиз, узум ва шафтоли тераётган аёл тасвири Ўзбекистон территориясида узига хос тасвирий — бадиий марказлар бўлганидан далолат беради.

1908 йили Самарқанд область Биянайман қишлоғидан топилган сопол ва чинни идишлардаги тасвиirlар ҳам диққатга сазовордир. Уларнинг бирида арк, пештоқида ислимий нақшлар, унинг устунлари ёнида тождор одамлар, қиличларида илон сурати, баъзиларининг қўлида манқал. Бу тасвиirlарда уша давр деворий суратлари акс эттирилган. Холчаён тепалигидан топилган қалъа саройи деворий тасвиirlари орасида дуторчи қиз, чангчи аёл, суворийлар тасвиirlанган. Тасвиirdагилар асосан кушонлар подшоси оиласига мансубдир. Марказда тахт, шоҳ ва малика, уларнинг ҳомийлари

¹ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. I жилд. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1968, 83-бет.

² И. В. Пьянков. Древний Самарканд (Мараканды) в известиях античных авторов. Душанбе, 1972, стр. 12–13.

³ В. И. Ленин. Тұла асарлар тұплами, 36 том. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1978, 52-бет.

⁴ А. И. Альбаум. Живопись Афрасиаба. Ташкент, изд-во «Фан», 1975; Г. А. Шишкяна. Глазурованная керамика Согда (вторая половина VIII – начало XIII вв.) Ташкент, изд-во «Фан», 1979.

бўлмиш худолар тасвири. Икки томонда шоҳ ва унинг оила аъзолари тасвирланган.

1939—1940 ва урушдан кейинги йиллар Бухоро областидан топилган еттинчи-саккизинчи асрларга доир бу-хорхудотлар саройи Варахша тасвирий санъати топилмалари ҳам катта илмий ва эстетик қимматга эга¹. Варахша тасвирларининг тула композициясини тиклаш имкони булмаса ҳам уларнинг муайян мазмундаги саҳналардан ташкил топганини кузатиш мумкин. Тасвирлар нақшин намоёнлар билан ажратилган. Дараҳтлар тепасида қизлар қиёфасидаги қушлар. Овчилар олдида кийиклар, алқорлар чопиб кетишишмоқда. Умуман расмларда одамлар, ҳайвонлар ҳамда афсонавий шоҳдор маҳлуқлар ва турли ўсимликлар тасвирини кузатиш мумкин. Баъзи тасвирлар текис, баъзилари буртоқ ёки ҳайкаллар тарзида ғоят жонли қилиб ишланган.

Варахша кошоналарининг бирида подшоҳнинг қабул маросими тасвирланган. Композиция марказида шоҳнинг беш-олти метрли сурати. У таҳтда ултириби. Таҳт суюнчиқлари қанотли туялар тасвири билан безатилган. Таҳтнинг икки томонида серҳашам кийимлардаги аслзодалар. Уларнинг қўлларида турли идишлар. Таҳт ёнида ёнаётган қурбонлик тасвири.

Самарқанд яқинидаги қадимий Панжикентнинг археологлар кашф этган олтмишдан ортиқ хонасида тасвирий санъат обидалари топилган. Уларда муқаддас оловга қурбонлик келтириш, жанг, базм, жаноза, ов, олишув, туй маросими, наврӯз, ҳовузда чумилиш, шунингдек сўғдийларнинг ҳужалик ва маънавий ҳаёти саҳналари чекилган. Мазкур маросимларнинг кўпчилигида хотин-қизларнинг ҳам иштирок этганлиги дикъатга сазовордир. Тупроққалъанинг қадимий тасвирлари билан Панжикентнинг илк урта асрга доир тасвирлари катта эстетик қимматга эга. Тупроққалъа тасвирлари соддалиги рангларнинг эркин ва жозибали чекилгани, табиий чиққан композициялари билан ажрабиб турса, Панжикентдаги илк урта аср одамлари тасвирида баъзи деталлар аниқлик билан ишланган булса ҳам кўпроқ шартлилик мавжуд. Баъзи тасвирларда қўшни Шарқ ҳалқларига хос ифода белгиларининг мавжудлиги

уша давр ҳалқлар ўртасидаги узаро иқтисодий ва маданий алоқаларнинг мустаҳкамалигидан нишонадир.

Панжикентда VI—VIII асрларга оид саккиз метрлик девор панелида афсонавий ҳайвонларнинг ганж ва ёғочдан ишланган буртоқ тасвирлари бор. Айниқса, бу ердан топилган ёғоч ҳайкал дикъатга сазовордир. Улар ҳашамдор кийимдаги раққосалар ҳайкали бўлиб, кийимлари ва тақинчоқларигача нозик дид билан ишланган. Бундай ҳайкаллар Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидан ҳам топилган. Ёғоч ўймакорлиги ва ҳайкалтарошлигининг араблар истилосидан олдин, қадимдан давом этиб келганлигини ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди. Масалан, муаррих Габарий Самарқандда Қутайбанинг кўплаб ёғоч ҳайкалларни гулханларга ташлатгани ҳақида ҳикоя қиласи. Наршахий эса Бухорода йилига икки бор шундай ҳайкаллар сотиладиган махсус бозор ташкил этилгани ҳақида ёзади¹.

Ўзбек ҳалқининг VIII асргача, яъни араблар истилосидан илгари ҳам ўзига хос тасвирий санъат анъаналари булганлиги ҳақида ёзма ёдгорликларда ҳам қайдлар учрайди. Бир хитой солномасида Кушония (ҳозирги Каттақўргон) шахри биноларидан бири ҳақида қўйидагилар ёзилган: «Шаҳарнинг шарқий томонида бир-икки қаватли иморат бор. Унинг шимолий деворига урталиг давлат ҳукмдорлари, шарқий деворида турк ҳоқонлари ва ҳинд ҳукмдорлари, ғарбий деворида форс ва рум ҳокимларининг рангли тасвири чекилган эди. Академик В. В. Бартольд бу таҳлитдаги тасвирлар, яъни бир бино ичиди Рим, Эрон, Ўрта Осиё ва Ҳинд ҳукмдорлари суратлари бўлишини Сўғдиёна давлатидан бошқа бирор жойда топиш қийин эканлигини айтади.

Солнома муаллифи Сўғдиёна давлатига қарашли Иштиҳон вилояти ҳақида ёзар экан, маҳаллий ҳалқ баландлиги уч метрга яқин олтин маъбуда ҳайкалига сифинишларини, Кушония подшоси эса қўй шаклидаги олтин таҳтда ултирганини ёзади.

Миниатюра ва китоб безаш санъатига келсак, бундай ишлар энг аввало қоғоз билан боғлиқдир. Араб олимни Ибн Надимнинг ёзишича, араблар 87 ҳижрий (мелодий 706) йилда дастлаб Самарқандга келганларида қоғозсозлик корхоналарини куриб, ҳайратда

қолганлар. Чунки унгача араблар қуръонни мол терисига ёзганлар. Шу олим яна Самарқанд қоғозининг Хонбалиғ (Хитой) қоғозидан марғуб ва латиф булганини ёzáди. Абубакр Хоразмий, Ибн Ҳавқал, Истахрий, Ас-Саолибийлар¹ Самарқанд қоғозининг жаҳонга машҳур булганини эслатганлар. Турфон (Қашқар) дан топилган Моний асарлари Самарқанд қоғозига битилганлигини аниқлаганлар. Унинг асарларидан намуналар ҳам топилган. X асрда ёзилган «Худауд ул олам» («Оламнинг чегаралари») деган географик асарда ёзилишича, монавийлар (Моний таълимоти тарафдорлари) нинг Самарқандда эътибори кучли бўлиб, улар ҳижрий 372 (мелодий 982) йилгача катта нуфузга эга бўлганлар ва ижод этганлар. Шаҳарда уларнинг маҳсус йигилишадиган жойи булиб, нағушок дер эканлар.

Араблар Ўрта Осиёни эгаллагандан кейин бутун санъат кошоналари, тасвири китоблар йўқ қилиб юборилди. Шундан, монавийлар Самарқандда яширин мусаввирлик билан шуғулланганиклари маълум булади.

X—XI асрларга келиб тасвирий санъат яна жонлана бошлаганини кўрамиз. Араб сайёхи Ибн Ҳавқал X асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда бўлиб, унинг кучаларидағи деворлардан бирида ҳайвонлар тасвирини курганини, маҳаллий ҳалқ сарв дарахтидан от, түя, ҳўқиз ва алқорлар суратини ясашларини ёzáди. Низомий Арузий Самарқандийнинг «Нодир ҳикоятлар» асарида шундай бир воқеий ҳикоя бор: Султон Маҳмуд Хоразмини буйсундиргач, у ерда шуҳрат топган Абу Али ибн Сино, Абусаҳл Масиҳий, Абулхайр ибн Ҳаммор, Абу Райҳон Беруний ва Абунаср Аъроқларни ўз саройига, Ғазнага юборилишини талаб қилиб, Хоразмшоҳга хат ёzáди. Ибн Сино билан Абусаҳл Масиҳий Ғазнага боришдан бош тортиши. Шунда Хоразмшоҳ буларни яширинча Гургонга қочириб юборгач, қолган олимларини султон элчисига кўрсатади. Маҳмуд Ибн Синони қўлга тӯшириш мақсадида рассомлик ҳам қулидан келадиган Абунаср Аъроқса Ибн Сино расмини чизишни буюрди. Сунг нақошларини чақириб мазкур расмдан қирқ нусха кўчиришни буюрди ва подшо фармони билан бирга ҳар томонга чопар юборди. Атроф-

даги ҳукмдорлардан «Мана шундай суратли киши бор, уни Абу Али ибн Сино дейишади, қидиринглар, ушлаб менинг ҳузуримга юборинглар!» деб илтимос қилди.. Абу Али Ибн Сино йўлнинг машаққатларини чекиб Гургонга етади. Гургон подшоси Кобус улуғ инсон, файласуф табиатли, фозил киши эди. У Ибн Синони куриши билан Маҳмуд юборган суратдаги одам шу эканини билди². Бундан маълум буладики, Ўрта Осиёда ҳам тасвирий санъат билан қизиқишиган, бу ерда ҳам миниатюра санъати анъаналари мавжуд бўлган.

Археологик топилмалар ва ёзма манбалар Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги тасвирий санъатнинг юқори мавқеида бўлгани, қадимдан бу ерда моҳир ҳайкалтарошлар, рассомлар ижод қилганидан далолат беради.

Академик Г. А. Пугаченкованинг тадқиқотлари натижасида Амир Темур ва темурийлар даврида Ўрта Осиё тасвирий санъати равнақининг асосий йуналишлари, белгилари аниқланди. Унинг ёзишича 1396 йили Самарқандга келтирилган мусаввир Абдулҳайнинг шогирди Пираҳмад Богишамолий Боги шамол чорбоги биноларини безагани учун шу тахаллусни олган. Муаррих Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича Мирзо Улуғбек қурдирган расадхона тўқиз осмон кўриниши, гумбазлари, етти ёритгич сайёра, собит юлдузлар, иқлиmlар, тоғ, денгиз, саҳро ва уларда яшайдиган ҳайвонлар тасвири ғоят нафис ва жонли чекилган. Бу тасвиirlар гузал ва ҳаққоний чиққани учун ҳам муаррих эътиборини тортган³.

Абдураҳмон Суфининг 1437 йили Самарқандда кучирилган юлдуз илмига доир рисоласи (Париж, Миллий кутубхона) айни шу тахлитдаги рассомлар билан безатилган. Унда юлдуз туркумлари реал ҳаётий тасвиirlар куришида берилган.

Темурийлар замонида Ўрта Осиё тасвирий санъат мактабининг ривожини белгилаб берган услубий белгиларга асос солинди. «Тоғ манзараси», «Сарой аҳли чаманзорда», «Подшоҳ ва вазир» (Лондон, Кейр коллекцияси), шунингдек Истамбулдаги Тупқо-

¹ Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. Форсийдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. Тошкент, Ғафур Ғулом но мидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985 79-80-бетлар.

² Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель. Очерки истории искусств Средней Азии. М., «Искусство», 1982, стр. 154.

¹ И. Абдуллаев. Аллома ва адаб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газ. 1984 й., 2 ноябрь.

бу саройи кутубхонасида сақланастган Низомий Ганжавийнинг «Хамса» асари қўлёзмасига ишланган (1446—1447 йиллар) миниатюралар Улугбек замони Самарқанд тасвирий санъати мактаби маҳсулидир. Бу тасвирли қўлёзманинг Самарқандда кўчирилганига шу нарса далил бўла оладики, асарга илова қилинган муқаддимада Улугбек ва унинг салтанати улугланади. Қўлёзмани тасвирлар билан безашда икки мусаввир қатнанинг булиб, шулардан бирининг — Султонали Бовардийнинг номигина қайд этилган. У қўлёзмадаги асосий тасвирларни чеккан ва зарварақларини безаган. Шундан унинг устод мусаввир ва наққош булгани маълум бўлади. У усталик билан курилган композициялар, одамларни турлича ҳолатларда тасвирлаш, ҳар қайсисининг урнини алоҳида таъкидлаш билан узининг Ҳирот услубида ишловчи ҳамкасбидан ажralиб турди. Табиат кўринишидаги воқеаларни тасвирлаётгандан пейзаж, табиат тасвири рангларининг гилам нақшларидек уйгунлигига эришади¹.

Шундай экан, қадимд² ва урта асрларда Ўрта Осиёда тасвирий санъат, айниқса, миниатюра санъати булмаган, деган баъзи мухолиф олимларнинг ўринсиз хуносалари тамоман асоссиздир. Бу фикрлари билан улар тарихий ҳақиқатдан куз юммоқ истай-

дилар. Еки ёнгоқ дараҳтлари қирқиб ташланган ерда туриб олиб бу ерда ёнгоқзор булмаган, демоқчи бўладилар. Бу каби даъводар илгари ҳам булган эди. Масалан, француз санъатшуноси А. Сакисиан Мовароуннаҳр бу ерга келтирилган миниатюра санъати учун нокулай муҳит булиб чиқди, деб ёзган эди. Ваҳоланки, инқилобдан олдин утган рус олими В. В. Стасов Ўрта Осиё миниатюра санъати обидалари билан танишиб чиқиб, «чиғатой», яъни, Ўрта Осиё тасвирий санъати бадиий услубининг узига хослигини эътироф этган эди. Кейинчалик француз санъатшуноси Э. Блоше ва швед олими Ф. Мартинлар ҳам Ўрта Осиё миниатюра санъатининг узоқ тарихга эга эканлигини таъкидлаган эдилар.

Тўғри, Чигатой хонлари ва Амир Темур замонида яратилган тасвирли қўлёзмаларнинг деворий суратлари булган кошоналарнинг талон-тарож қилингани тадқиқотчилар орасида «эрон санъати» ёки «араб санъати» сингари ибораларнинг юзага келишига сабаб булган. Бу уринда буюк мунаққид В. Г. Белинскийнинг қуйидаги сўзларини қайд этмоқ уринлидир: «Ҳар қандай халқ бошқа халқдан урганиши мумкин, бироқ у олган ва тақлид қиласан қарзига, сўзсиз, уз да ҳосининг муҳрини босади».

*Илес
Низомиддинов*

XVI—XVII асрларда Мовароуннаҳр миниатюра мактаби

Миниатюра Шарқ мамлакатларида узига хос алоҳида йуналиш касб этган, маҳсус ихтисос даражасига кутарилган санъатdir. Унинг тарихи узоқ утмишдан бошланган булса-да, Шарқда бу санъат XIV—XVII асрларда камол топган. Бу даврларда Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон ва Араб мамлакатларида — «Бухоро мактаби», «Муғул (Бобурийлар) миниатюра мактаби», «Шероз мактаби», «Исфаҳон мактаби», «Язд мактаби», «Багдод мак-

таби» каби йирик санъат марказлари ташкил топган. Совет ва хорижий мамлакат олимлари ҳозирга қадар мазкур санъат марказларининг амалий фаолиятларига бағишлиланган кўпгина илмий асарлар яратганлар. Мана, йигирма-йигирма беш йиллардирки, республикамизнинг таниқли санъатшунос олими Г. А. Пугаченкова Мовароуннаҳрда (Ўрта Осиёда) миниатюра мактабларининг ташкил топиши тарихи ва бу мактабларнинг фаолияти

Г. А. Пугаченкова, А. И. Ремпель. Цит. соч. стр. 155.

¹ В. Г. Белинский. Адабий орзуладар. Тошкент, Рафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат иашриёти, 1977, 8-бет.

устида тинмай изланиш олиб бормоқда.

Мовароуннаҳр мактаби (яъни, «Бухоро мактаби», «Самарқанд мактаби» деб юритиш ҳам жоиз булиб келган) XVI—XVII асрларда тараққиётнинг янги босқичларига кутарилади. Бу борада турли сиёсий ва ижтимоий воқеалар (Темурийлар уртасида ички феодал курашнинг авж олиши, аввал Шайбонийхон ва сунг Эрон қўшинларининг бостириб кириши) таъсири натижасида «Ҳирот миниатюра мактаби» нинг таназзули ва мусаввирларнинг Ҳиротдан Бухоро томон келишлари муҳим роль ўйнаган. Шу билан бир қаторда Г. А. Пугаченкова асарларидан чиқадиган хулосага қараганда, XVI—XVII асрлар Мовароуннаҳр тасвирий санъати тараққиёти XIV—XV асрлар Урта Осиё (Мовароуннаҳр) миниатюра мактаби ва бу мактаб эришган ютуқларига ҳам асосланган. Шундай қилиб, Г. А. Пугаченкова XIII аср, жуда бўлмаганда XIV—XV асрларда Мовароуннаҳрда миниатюра мактаби ташкил топган, деб совет олимлари орасида биринчилар қатори янги фикр ва янги мулоҳазани илгари суради. Худди шу фикр юзасидан ленинградлик санъатшунос олим А. А. Иванов 1977 ва 1978 йилларда Москвада чоп этилган «Қадимги ва урта асрлар даврида Урта Осиё» тўплами саҳифаларида икки қисмдан иборат «Мовароуннаҳр (Урта Осиё) миниатюра мактабининг ўрганиши тарихи» (История изучения Мавераннахрской (Среднеазиатской) школы миниатюры) номли мақоласини зълон қилди. Муаллиф мақоланинг биринчи қисмида Мовароуннаҳр миниатюра мактаби тарихини ўрганиш даврлари, Г. А. Пугаченкова ва В. Г. Долинская тадқиқотларида XIV—XV асрларда Урта Осиёда ёзилган деб топилган қўлёзма асарлар ва Мовароуннаҳр мактабига мансуб деб таърифланган миниатюралар тавсифи устида сўз юритади. Мақоланинг иккинчи қисмида эса, Мовароуннаҳр миниатюра мактаби намояндалари қаторига киритилган наққош ҳамда мусаввирлар ҳаёти ва фаолияти, XVI аср Мовароуннаҳр миниатюра мактаби ва баъзи мусаввирларнинг Урта Осиё (Мовароуннаҳр)дан Ҳиндистонга келишлари масаласига оид мулоҳазалар баён қилинган.

Мақолада ёзилишича, Мовароуннаҳр миниатюра тарихини ўрганишни XX аср бошларида францууз тадқиқотчиси Э. Блоше бошлаб берган,

сунг Ф. Р. Мартин ва К. Юарлар давом эттирганлар. Бу борада «Тавориҳи гузидат — нусратнома» қулёзмасидаги миниатюраларни таҳдил этган рус олими В. В. Стасовнинг ҳам хизматларини назарда тутмоқ лозим. 20—30-йилларга келиб, бу масала Б. Денике ва бошқа совет олимларининг диққатини ўзига жалб этади. 40—60-йилларда қатор совет тадқиқотчилари Г. А. Пугаченкова, В. Г. Долинская, А. А. Семенов, О. И. Галеркина, М. М. Ашрафи, О. Ф. Акимушкин, Н. В. Дьяконовалар Мовароуннаҳр мактаби ҳақида салмоқли асарлар яратадилар.

Шунингдек А. А. Ивановнинг ушбу мақоласида Г. А. Пугаченкова ва В. Г. Долинская томонидан XIV—XV асрларда Мовароуннаҳрда ёзилган деб курсатилган туққизта қулёзма асарлар тавсифи ва уларга изоҳ берилган. Бу қўлёзмалар: Рашидиддиннинг «Жамъи ат — тавориҳ» асарининг икки нусхаси, 1398 йил Газкираси, Бустон музейи (Техрон)да сақланаётган «Хусрав ва Ширин», Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган «Шоҳнома», Абдураҳмон ас Суфи рисоласи, СССР Фанлар Академиясида сақланаётган «Шоҳнома» ва ниҳоят Кеворкиян коллекциясидаги «Шоҳнома». А. А. Иванов мазкур қўлёзмаларнинг бирортаси ҳам Мовароуннаҳрда кучирилмаган, деган мунозарали холоса чиқаради. Тадқиқ-текширув навбати Мовароуннаҳр мактабига мансуб деб асосланган олтида миниатюрага етади. Ҳар хил миниатюра мактаблари усули ва услубларини муҳояса қилиш асосида А. А. Иванов «Девор ёнидаги жанг», «Суворий шерни ов қиласа», «Ов», «Минорали манзара», «Темур портрети», «Улуғбек портрети» миниатюралари мовароуннаҳрлик санъаткорлар муйқаламига мансуб эмаслигини исбот қилади. Шунингдек, А. А. Ивановнинг аниқлашиб, Мовароуннаҳр мактабига раҳбарлик қилган ёки ушбу мактаб фаолиятини ўстиришга муҳим ҳисса қўшган деб саналиб келинган мусаввирлар — Устод Гунг, Жаҳонгир Бухорий, Пир Сайид Аҳмад Табризий, Ҳужа Абдулҳай, Пир Аҳмад Боги Шамоли, Шиҳобиддин Абдулла, Заҳириддин Азҳар, Бобо Наққош, Ҳужа Аҳмад Убайдулло ва Низомиддин Аҳмад бинни Али Арзумлар умуман Урта Осиёга ҳеч қандай алоқаси йўқ шахслар булиб чиқадилар. Таңқидчи ҳатто биринчи уч мусаввир тарихий эмас, балки мифологик шахс булишлари ҳам мумкин,

лейишгача бориб етади. А. А. Иванов Ўрта Осиёда құләзма асарларни миниатюралар билан безатишлиқ, асосан XVI асрдан бошланғанligini қайд қиласи ва шу асрға оид құләзмаларни тавсиф этишдә А. Г. Пугаченкова хронологик хатога (масалан «Тарихи гузіда – нусратнома» йилини аниқлашда) йүл құйғанligini афсусланиб ёзди. Шунинг билан бир қаторда Г. А. Пугаченкова бир мұсаввир асарини бояқа мұсаввир (масалан Маҳмуд Мұзаҳиб асарини Мұхаммадчөхра Мұхассин) мүйқаламига мансуб деб ва баъзи ҳукмрон синф вакилларини (масалан, Темурий Навруз Аҳмадни) мұсаввир қилиб таърифлаганини А. А. Иванов қўупол хато дейди.

А. А. Иванов, Н. В. Дьяконо娃 тарафидан илгари сурىлган ва Г. А. Пугаченкова, В. Г. Долинская қуллаб-қувватлаган XVI асрда Самарқандда маҳсус миниатюра мактаби ташкил этилган эди, деган фикрни ҳам асоссиз деб топади.

Шундай қилиб, А. А. Ивановнинг хулоса қилишича, XIV–XV асрларда Мовароуннахр миниатюра мактаби булмаган.

Москвада нашр этиладиган «Искусство» журналиниң 1979 йил иккинчи сонида А. А. Иванов мақоласига жавобан Г. А. Пугаченкованиң «XV аср Ўрта Осиё миниатюра тасвирий санъати мактаби ҳақидаги мұнозарага доир» («К дискуссии Среднеазиатской школы миниатюрной живописи XV века») номли раддия – мақоласи босиби чиқди. Бунда Г. А. Пугаченкова құшимча манбалар асосида Абдурахмон ас-Сүфининг астрономик рисоласи, «Тоғдаги ов» ва «Улугбек уз оиласи билан» номли құләзма ва миниатюраларни қайта тавсиф этади ва у ҳозирги вақтда хорижий санъатшunosлардан Д. Н. Уилбер, И. Шчукин, Э. Грубе, Р. Мередит-Оуэнс ва ҳатто Б. Робинсонлар «Улугбек портрети» Самарқандда чизилғанligini тан олмоқдалар, деб алоҳида таъкидлайди.

Ўзбекистонлик тадқиқотчилар Ҳамид Сулаймон («Бобурнома расмлари»га ёзган «Сўзбоши»да), Наим Норқулов (Наим Норқулов, Илес Низомиддинов «Миниатюра тарихидан лавҳалар» Тошкент, 1970.), О. Усмонов («Камолиддин Беҳзод ва унинг нақошлиқ мактаби», Тошкент «Фан» науриёти, 1977 й. ва бошқалар) XIV–XV асрларда Ўрта Осиё ва хусусан, Самарқандда миниатюра санъати ривожланғанligini факт ва мисоллар

асосида тушунтириб берганлар. Ҳақиқатан ҳам мантиқан хулоса қилинса, VII–VIII асрларда Панжикент, Варахша ҳамда Афросиёбдаги сарой ва муҳташам бино деворларига ҳанузгача кишининг таҳсину оғарыларига сазовор булиб келаётган мафтункор сирли ва сеҳрли нақшин безакларни соган ҳалқ (Ўрта Осиё ҳалқи) наҳот XIII асрдан то XVI асрғача, яъни бутун бир 250 йилдан ортиқроқ давр ичидә бутун Шарқ мамлакатларида санъатга айланған – құләзма асарларни миниатюралар билан безашдек нағис ҳунар ва ихтисосдан четда қолиб келған булса?! Ахир Темур ва темурийлар даврида Самарқанд шукуҳи ва курки бутун жаҳонни шу билан бир қаторда Ғарбий Европани ҳам лол этган эди. Улугбек ҳукмронлиги йиллари астрономия, математика ва бошқа табиий фанлар қаторида адабиёт ва маданият ҳам равнақ топған эди. Демак, XIV–XV асрларда Ўрта Осиё тасвирий санъат ва шунингдек, миниатюра мактаби булмаган булиши мумкин эмас. Лекин шуни айтиш керакки, XIV–XV аср Мовароуннахр миниатюра мактаби вакиллари ва улар томонидан яратилған асарлар ҳақидағи факт ва далиллар ниҳоятда қаноатланарсиз даражада.

Санъатшунос олимлар – Г. А. Пугаченкова ва О. Галеркинанинг «Ўрта Осиё миниатюралари» (Миниатюры Средней Азии, М., 1979.) китоби бу хилдаги ғайриилемий фикр ва мулоҳазаларни янада пучга чиқарди. Аммо асарда XIV–XV асрларда ташкил топған Самарқанд миниатюра мактаби ва умуман Ўрта Осиё миниатюра санъатига оид келтирилған маълумотлар, расмлар ҳали етарли эмас. Шунга қарамай, муаммо анча ойдинлашгандек күринади. «Шарқ Рафаэли» ҳисобланмиш Камолиддин Беҳзод бошчилигига камол топған Ҳирот миниатюра мактабининг шакланиши ва тараққиёти күп ҳолларда Самарқанд миниатюра мактаби таъсирида амалга ошған. Самарқанд XIV–XV асрларда илм-фан ва санъат тараққиёти билан дунёга машҳур булаган шаҳар эди. Ҳирот миниатюра мактаби ана шу катта санъат ва маданият учоғининг ажралмас бир қисми булған.

Аниқ тарихий маълумотларга кура, Беҳзод миниатюра санъатини Пир Саид Аҳмад Табризийдан урганған. Пир Саид Аҳмад Табризий эса «Умдат ул-мусавирин» (Мусавиirlар пешвоси) номи билан машҳур бухоролик устод Жаҳонгирнинг шогирди булған.

Устод Жаҳонгир эса темурийлар даври тасвирий санъатининг асосчиси булмис устод Гунг (Соқов) дан таҳсил курган.

Беҳзод раҳнамолик қиласиган Ҳирот миниатюра мактаби намояндадари энг нозик, ўта нафис асарларида реалистик тушунчаларни том маънода ифода этган. Агар биз Бухоро миниатюра мактаби асарларида асосан табиат манзараларига ошуфталик йўлини кузатсанак, Ҳирот мактабида эса инсон қиёфасини тасвирлаш – портрет жанрида катта муваффақиятларга эришилганлигининг гувоҳи буламиз. Тасвирнинг объектга мослиги, ранглар уйгунилиги мусаввирнинг бош мақсади саналган. Беҳзод мўйқаламига мансуб «Султон Ҳусайн», «Муҳаммад Шайбонийхон», Маҳмуд Музаҳҳибининг «Алишер Навоий» (асл нусхаси Машҳаддаги Остон Қудс мажмуасида сақланмоқда), Қосим Алиниңг «Алишер Навоий ва ёш мирзо» (Истамбулда Түпқопу хазина музейида сақланмоқда) ва Беҳзоднинг Табриздаги шогирдларидан бири чизган, шу пайтгача топилган ягона сурати – «Камолиддин Беҳзод» (Истамбул университетининг кутубхонасида сақланмоқда) портрет асарлари буни яққол исботидир.

Олимлар Беҳзодни Шарқда портрет жанрининг асосчиси деб улуғлайдилар. Хуш, Ҳирот мактабига қадар Ўрта Осиёда портрет жанрига аҳамият берилганими? Фактларга эътибор берайлик. Г. А. Пугаченкова ва О. Галеркина китобида курилаётган масалага даҳлдор иккита тасвир келтирилган. Улардан бири – «Самарқанд деворидаги жанг» (Истамбулдаги Юлдуз кутубхонасида сақланмоқда), иккинчи – «Улугбек оила аъзолари ва сарой аҳллари билан лочин овид» (Вашингтондаги Фрир галереясида сақланмоқда) номли миниатюралардир. Биринчи тасвирда Самарқанд деворидаги камон отувчилар орасида Темурнинг невараси Ҳалил Султоннинг сурати ҳам бор. Унинг тасвири марказий уринда аниқ қилиб берилган ва ҳатто суратнинг ёнига унинг исми ҳам қайд этиб қўйилган. Ҳалил Султон Темур вафтидан сўнг Самарқанд ҳукмдори булган эди (1405–1409).

Иккинчи тасвирда эса Улугбек дала шийпонда чордона қуриб ўтирибди. Унинг юз тузилиши аниқ ифода этилган. Қисиқ кўзли, мӯгулбашара, ўрта осиёликларга хос соқол, бошида эса оқ тивит қалпоқ. Аёллар эса «мӯгулча» кийинганлар. Сарой аҳлининг кийимлари ҳам аниқ тасвирланган. Асарда

Самарқанд миниатюра мактабига хос портрет аниқлиги ҳамда табиат манзараси ёрқин ифодаланган. Миниатюра 1441-42-йилларда номаълум, лекин Улугбекнинг ов машгулотида иштирок этган мусаввир томонидан чизилган булса керак.

Миниатюраларнинг яратилиши даври, уларнинг Ўрта Осиё тарихига оидлиги ва бу улка табиати фонида тасвир этилганлигини портрет жанри Ҳирот мактабига қадар амалга оширилганлигининг далили дейишимиз мумкин. Биз бу хусусда тадқиқотчилар назаридан четда турган яна бир янги маълумот келтириш ниятидамиз.

Ҳиндистоннинг бобурийлар сулоласига мансуб Жаҳонгир (1605–1627) миниатюра санъати шайдоси бўлган, у маҳсус мутасаддилар воситачилигига тасвирий санъат намуналари, миниатюралар билан безатилган қўлёзма асарларни сотиб олиш билан шугулланган. 1613 йили Хони Олам бошлилигига Эронга юборилган алчилар қаторида мусаввирлар ҳам булиб, уларга Эрон шаҳарларидағи хусусий суратларни харид қилиш вазифаси юклатилган эди. Шундай расмлар орасида «Соҳибқироннинг (яъни Темурнинг) Тұхтамиш билан буладиган жанг олди мажлиси» нинг тасвири ҳам бор эди ва унда Темур ҳамда саркардао аёнларидан 240 кишининг сурати чизилган эди. Суратга «Ҳалил Мирзо Шоҳрух» деб имзо чекилган. Бу миниатюра ҳақида баъзи бир маълумотлар ёзиб қолдирилган. Жаҳонгир ўзининг «Тузуки Жаҳонгирий» номли мемуар китобида, агарда тасвирда мусаввир номи аниқ қилиб ёзиб қўйилмаганда, асарни Беҳзод мўйқаламига мансуб деб ҳукм юритиш мумкин эди, чунки услугуб нуқтаи назаридан мазкур тасвир Беҳзод ижодий мактабини эслатади, деб таъкидлайди. Модомики, «Мажлис» Беҳзод фаолиятидан анча илгари яратилаган асар булгани туфайли унинг муаллифи Ҳалил Мирзо Шоҳрухні Беҳзод устозларидан бири булса керак, деб ҳисоблайди. Афсуски, Жаҳонгир хабар берган мазкур тасвирий лавҳа ҳали бирор бир мураска ёки таснифда эълон қилинмаган.

Бу уринда биз баъзи бир илмий-назарий мушоҳадаларни уртага ташлашомчимиз. Гап шундаки, XIII–XIV асрларда ижод қилган ўрта осиёлик мусаввирларнинг кўпчилиги уз асарларига имзо чекмаганлар. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, асари таҳсил этилаётган мусаввирнинг номи

Халил Мирзо Шоҳрух булмаган. Мусаввир ўз асарини Темур вафотидан сўнг Самарқандни эгаллаган Ҳалил Мирзо – Ҳалил Султонга бағишила-ган ва асар ниҳоясига етиш даврида ҳокимият Шоҳрух (1409–1449) қули-га утган ва шу тариқа миниатюра муаллифи ҳар икки ҳукмрон номини атаган булиши мумкин. Демак, «Ҳалил Мирзо Шоҳрух» деб имзо чекилган миниатюра урта осиёлик мусаввир-нинг ижодий самарасидир ва у, албат-та, Темур даври саркардаларини яхши билган (асарда тасвир этилган 240 саркарданинг аниқ номи ёзиб қўйил-ган), Темур юришлари гувоҳи булиши ҳам мумкин. Умуман ана шу тасвирий санъат обидаси Ҳирот миниатюра мактаби портрет жанрининг ривожига салмоқли таъсир кўрсатган санъат на-муналаридан бўлса ажаб эмас.

XV–XVII асрларда Ўрта Осиё тас-вирий санъати мактабларида портрет жанри ва тарихий воқеалар баёни миниатюраларнинг изчил ҳамда узвий мавзуига айланиб борганилиги кузатилди. Г. А. Пугаченкова ва О. Галерки-нанинг асарларида бу фикрни тасдиқ-ловчи етарли маълумотлар келтирил-ган. Масалан, Маъсуд ибн Усмоний Кўҳистонийнинг «Абдулхайрихон тарихи» асари саҳифаларида чизилган «Чингизхоннинг Сирдарё соҳилида ўз уғилларини қабул этиши», «Ғазанхон Уржонда», «Абдуллахон портрети», Хотифийнинг «Темурнома» асарига ишланган «Темурнинг Ҳиндистонга юриши», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» китоби мазмуни асосида чизилган «Темур Самарқанд атрофида базми жамшидда» миниатюралари ва лавҳалари юқоридаги фикрнинг яқъол далилидир.

Ибтидоси Ўрта Осиёда бошланган Ҳирот миниатюра мактабида ривож-лантирилган портрет жанри Ҳиндистонда бобурийлар ҳукмронлик қилган йилларда камолот даражасига етка-зилган.

Энди А. А. Иванов кутарган бир масала юзасидан баҳслашиб олсак. Со-вет ва хорижий санъатшунослар асар-ларида Муҳаммад Мурод Самарқандий ва Муҳаммад Нодир Самарқандий-лар аслида Мовароуннаҳр (Ўрта Осиё)лик мусаввирлар булиб, XVII асрда Ҳиндистонга борганилар ва Ҳин-дистон тасвирий санъатини ривожлан-тиришда муҳим роль уйнаганлар, деб ёзилган. А. А. Иванов эса, Муҳаммад Мурод Ҳиндистонга бормаган ва Му-ҳаммад Нодир балки Ўрта Осиёда таваллуд топмагандир, «Самарқандий»

сузи ота-боболари шу шаҳарданлигини билдирувчи «нисба» бўлса керак, деб тахмин қиласи. Ва шу хилдаги тахмин асосида у, XVI асрда Ўрта Осиё билан Ҳиндистон уртасида тасвирий санъат йулида ўзаро алоқа ва таъсир булма-ган, деган хулоса чиқаради. Фикримиз-ча, бу хилдаги хулоса чиқармоқ туғри ва мақсадга мувофиқ бўлмаса керак. Бунинг учун тарихга бир назар таш-лайлик.

Ҳиндистонда Ҳумоюн ҳукмронли-гининг (1530–1555) дастлабки йилла-рида «мунший» – котиблик вазифаси-да турган (Бобурнинг қариндоши) Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Раши-дий» асарида кўрсатишича, бу даврлар-да Ҳиротдан Ҳиндистонга Беҳзод ва Шоҳмузаффар шогирдларидан бири Дарвеш Муҳаммад келган. Маълум вақт Муҳаммад Ҳайдар ундан хатто-лик ва мусаввирлик санъатини ўрган-ган. «Тарихи Рашидий» муаллифи Устод Фақир номи билан шуҳрат топ-ган Дарвиш Муҳаммад тасвирларидан «Ўлдирилган шерни найза учиди кў-тариб турган суворий» миниатюраси устида сўзлаб, бу суратни бир дона гуруч ҳажмида тасвирлаганлигини уқтириб утади. Демак, XVI асрнинг биринчи ярмидаётк Темурий санъат мактаби намояндалари Ҳиндистонга кела бошлаганлар.

А. А. Ивановнинг фикрича, Му-ҳаммад Мурод Самарқандий 1616 йилда ҳам Бухорода булган ва у Саъ-дийнинг «Бўстон» асарига миниатю-ралар чизган. Сўнг бу асар жуйбор шайхларидан Абдураҳим хўжага тух-фа қилинган. Лекин бу Муҳаммад Мурод Ҳиндистонга бормаган деган гап эмас. Ўрта Осиё (масалан, «Мат-лаб ут-толибин») ва Ҳиндистонда (ма-салан «Тузуки Жаҳонгири») ёзилган тарихий манбаларда кўрсатилишича, Имомқулихон (1611–1642) ҳукмрон-лиги даврида Бухородан Ҳиндистонга жуйбор шайхи Абдураҳим хўжа бошлиқ элчилар юборилган. Элчилар узла-ри билан турли-туман қимматбаҳо мато ва ашёлар қаторида император Жаҳонгирга тухфа тариқасида миниа-тюралар билан безатилган қўлёзма асарлар ҳам олиб келганлар. Абдура-ҳим хўжа (уни баъзи манбаларда Хужа Абдураҳим хўжа деб ҳам тилга ола-дилар) 1627 йил император Жаҳонгири билан биргаликда Кашмир вилоятига қилинган сафарда вафот этади. Бу во-қеадан кўп утмай Кашмирда ҳинд ҳукмдори дунёдан утади.

Инглиз санъатшунос олимни П. Браун ўзининг мӯғул (яъни бобу-

рийлар, Ҳиндистон) миниатюра мактабига бағишенгандын асарида XVII асрда Ҳиндистонда Мұхаммад Нодир Самарқандий билан бир даврда иккинчи бир ўрта осиёлик мусаввир Мұхаммад Мурод Самарқандий фаол ишлаган ва бу ҳар иккى ватандышлар портрет жанрида «сиёхи қалам» деб аталған услубни құллаганларини баён қиласы. Демек, Абдурахим хұжа тұхфа қылған құләзма асарлар орасыда Мұхаммад Мурод миниатюралар чизган нусха ҳам булиши ва Мұхаммад Мурод Ҳиндистонга Бухоро әлчилари орасыда келған булиши ҳам мүмкін.

Маълумки, XVI аср иккинчи ярмининг бошларыда Шимолий Ҳиндистонда тамомила янги тасвирий санъат мактаби ташкил топади. Бу мактаб Фарбий Европа тарихий адабиётида «Мұғуллар даври миниатюра мактаби» ёки қисқача қилиб «Мұғул миниатюра мактаби» деб аталған. Ҳозир баъзи илмий тадқиқотларда бу мактабни «Бобурыйлар даври миниатюра мактаби» деб юритиш ҳам одатта кириб бормоқда. Мұғул миниатюра мактабига асос солғанлардан бири мусаввир Мир Сайд Али бұлған. Олимлар яқын-яқынгача Мир Сайд Алига «Табризий» деб нисба беріб уни Эронли мусаввир деб билгінлар. XVII аср ҳинд ёзма манбаъларыда (масалан «Нафоис ул-маосирот», «Наштари ишқ» тазкираларыда) ёзилишича, «Жудойи» тахаллуси билан ашъорлар битган Мир Сайд Али замонасияннан күзга күринган мусаввири булиб, у Термизда таваллуд топған. Мусаввирлік касбины отаси моҳир рассом Мир Мансур (ёки Уста Мансур) дан үрганған. Тирикчилик тақозоси билан Мир Мансур оиласи Термиздан Бадаҳшонга келған ва машұр миниатюра санъати устоди Камолиддин Беҳзоднинг Ҳиротдан Табризга келганини әшиятгач, ота-бола мусаввирлар ҳам Табризга жунайдилар. Орадан бир неча йыл үтгач, Мир Сайд Али кексайған Мир Мансур билан Ҳумоюн таклифига күра Ҳиндистонга келғанлар.

Гавин Ҳамблэйнинг «Мұғуллар Ҳиндистони шаҳарлари» асарида (инглиз тилида, Деҳли, 1968) «Темурийлар хонадони» құмронлари ва шаҳзадолари миниатюраси келтирілген. Асар асосан Мир Сайд Али ва қисман Ҳұжа Абдусамад ва бошқалар мүй-қаламига мансуб, деб таҳмин этилади, аслида эса уни ҳар иккى сафдош мусаввир ҳамкорліги маҳсұлы деб қараш мақсаддаға мувофиқдір. Хуллас, «Темурийлар хонадони» расми Ҳиндистон

портрет жанрининг дастлабки намунасидір.

Гұзал табиат манзарасы, үртада атрофи очиқ күшк-айвонча, унинг ичіда түрт киши (Ҳумоюн, Ақбар, Жаҳонгир ва Шоҳи-Жаҳон) суқбат қуриб үтирибди. Күшк пойидағи саҳннинг чап томонида эса бир қанча тиззалаң үтирган кишилар тасвиранған. Улар (унгдан бириңчиси) Темурнинг түртінчи үғли ва вориси Шоҳрух Мирзодир. Күшкден чап томонда яна беш нафар шахс сағ тортиб үтирибди. Улар Бобур, Умар Шайх, Абусаид, Султон Мұхаммад ва Мироншоҳдир (Лондоннинг Британия музейида сақланмоқда).

Ижодини Үрта Осиёдан Ҳиндистонга келиб давом эттирган мусаввирлардан Фаррухбек Бобур ва Ақбар тасвиirlарини чизған, Мұхаммад Нодир Самарқандийнинг эса Британия музейида үн битта, Париж ва Ленинград илмий муассаларыда биттадан имзо чеккан портретлари мавжуд. Булар орасыда Жаҳонгир, Шоҳи-Жаҳон, Шер Мұхаммад Наввоб, Кашмир ҳокими Иzzатхон ва бошқаларнинг суратлари бор.

Портрет жанрида мусаввир Абул Ҳасан ҳам самарали ижод қылған, унинг бизгача «Жаҳонгир отаси Ақбар суратини ушлаб турибди», «Шоҳи-Жаҳон» тасвирий лавҳалари етиб келған.

Ҳиндистон тасвирий санъат мактабида бош объект — инсон қиёфасини ниҳоятда аниқ, бұямастан ифода этиш катта үрин тутади. Шунга кура, портрет ёки муайян тарихий шахснинг қиёфаси қатор мусаввирлар томонидан ишланған булишиға қарамай, тасвиirlарда чөхраниң умумийлігі, бир-бірларыңа үхшашлигі күзга яқыл ташланиб туради. Профессор Ҳамид Сулаймон томонидан тұпланған ва изохланған «Бобурнома расмлари» (Т., 1970) альбомидаги түқсон олти миниатюраның қирқ олтитасида Бобур тасвири бор ва улар бир-бирига анча үхшайды. Шунингдек, Ақбар тасвирини ҳам куплаб мусаввирлар чи-зишган (Говардхан, Басован, Нанха, Басаван-Джармдас, Кесу ва бошқалар). Агар дікқат билан қаралса, бу тасвиirlарда күз илғарлы даражада фарқ то-пиш қийин.

Миниатюраларға фақат санъат намунаси, гүзәллік рамзи, деб қараш бир томонлама бұлур зди, албатта, аслида у үзіде ижтимоий-сиессій воқеаларни акс эттирувчи манба ҳамдір.

XIII – XIV асрларнинг бошларида яшаб ижод этган Хоразмнинг атоқли шоири ва мутафаккири Маҳмуд эл орасида «Паҳлавон» лақаби билан шуҳрат қозонган.

Паҳлавон Маҳмуднинг ҳинд половони билан бўлган курашига доир чизилган миниатюралардан бири ҳозир Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондида сақланади. Расм О. Галеркининг «Мовароуннаҳр миниатюраси» (рус ва инглиз тилларида. Ленинград, 1980) асарида чоп этилган ва у «Паҳлавон Маҳмуднинг ёш ҳинд паҳлавони билан кураши» деб номланган. О. Галеркинанинг тахминига кура, асар Урта Осиё ва Ҳиндистон мусаввирларининг ҳамкорлигида XVII аср бошларида яратилган.

XVI асрда яшаб ўтган ҳинд расоми Анант «Абдураҳимнинг саройга чақиртирилиши» деб аталган миниатюрасини яратган. Асар замирида тарихий ҳақиқат бор. Вояга етган ҳоким Акбар ёшлик даврида давлат ишлари билан шуғулланган, унга оталик қиласан бош саркарда Байрамхонни Маккага ҳаж қилиш баҳонасида сургун қиласди. Кўп ўтмай, Байрамхон бир қасоскор томонидан улдирилади. Қилишибдан пушаймон еган Акбар «Хон Бобоси»нинг ягона фарзанди Абдураҳимга оталик қилиш ниятида уни саройга, ўз ҳимоясига чақиртиради. Кейинчалик Абдураҳим замонасининг етук кишиси, араб, форс, туркий ва ҳинд тилларида қалам тебратган забардаст шоир сифатида донг таратади. «Бобурнома»ни форс тилига тўла ағдарган ҳам Абдураҳим эди, уни

эъзозлаб Абдураҳим – Ҳони Ҳонон деб аташган. 39

Урта Осиёдан Ҳиндистонга келиб, тарихий воқеаларга атаб асарлар яратган мусаввирлар орасида, айниқса Фаррухбек ижоди алоҳида ажралиб туради. Давлатни мустаҳкамлаш ниятида Акбар кўп миллионли ҳиндалар билан тенглик сиёсатини тута бошлаган эди. Унинг бу хилдаги тадбири ута реакцион мусулмон руҳонийларига ёқмайди ва улар Баҳодирхон Шайбоний бошчилигида Акбарга қарши исён уюштирадилар. Акбар эса қон тўқмаслик йўлида исённи музокарапар йўли билан тинчитмоқчи бўлиб, Баҳодир Шайбонийхон ҳузурига Муиз ул-мulk Мусавий бошлиқ элчиларини юборади. Музокарапар жараёни мусаввир Фаррухбек муйжалами воситасида ҳаққоний тасвиirlаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, совет санъатшунос олимлари зиммасида имзо чекилмаган кўпдан-кўп миниатюра асарларни қидириб топиш, уларни атрофлича ўрганиш, таҳлилдан ўтказиш ва шу асосда XIII – XIV асрларда Урта Осиёда мустақил тасвирий санъат мактаблари уюштирилганлигини аниқлаш ва исботлаш, Урта Осиё тасвирий санъатида портрет жанрининг келиб чиқиши ва унинг ривожланиши, бу жанрнинг Ҳирот миниатюра мактабига таъсири масалалари ҳамда Ҳиндистонга бориб ижод қиласган Урта осиёлик мусаввирлар ижоди асосида Урта Осиё Ҳиндистон тасвирий санъат аҳдининг ижодий ҳамкорлиги, бу хилдаги ҳамкорликнинг ҳар икки мамлакат халқлари маданиятини юксалтиришдаги баракали самараларини тадқиқ этиш вазифаси турибди¹.

¹ Среднеазиатские миниатюры XVI – XVIII вв. Вступ. статья Н. В. Дьяконовой, М., «Наука», 1964; Г. А. Пугаченкова, О. Галеркина. Миниатюры Средней Азии, Москва, «Изобразительное искусство», 1979.

Элмира
Исмоилова

XVIII – XIX асрларда Мовароуннаұр миниатюра мактаби

Үрта Осиё миниатюрасининг бадий қиммати (афзаллиги) нинг үзига хос хусусиятларини тұла аңглаб етмоқ унинг вужудға келишидан гуллаб-яшнешигача кечган поғоналаридан то сүнгти тараққиети давригача бу санъат тури үзгарувчан тарихий-маданий шароитларга маслашиб яшашда давом этгани, моддий ва маънавий борлиқни үзлаштиromoқ ва инъикос әттиromoқнинг янгидан-янги усулларини ишлаб чиқиша давом этганини үрганишни тақозо этади. Шу нұқтаи назардан кейинги давр Урта Шарқ, хусусан Қожар ва Кашмир миниатюраси озми-кўпми үрганилди ва үрганилмоқда. Бироқ кейинги давр Урта Осиё миниатюраси үрганилмади.

XVIII асрда Урта Осиёда қатор ижтимоий ва ташқи сиёсий таъсирлар туфайли сиёсий, иқтисодий ва маданий тушкунлик юз берди. Аммо XVIII аср охирига келиб хужалик аҳволи изга тушди. Бухоро амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонликлари – бу уччала давлат ҳоким табақа мавқеининг мустаҳкамланиши иқтисодий тараққиётга, маданий ривожланишга ва китоб санъати усталари ишининг жонланышига имкон яратди.

Бадий безакли құлөзмалар тузиш характеристи ва усулига таъсир курсатган факторлардан әнг муҳими қарама-қарши куч ва шароитларнинг диалектик бирлиги ва кураши бұлды. Маданий-ижодий фаолиятнинг усуви билан бирга үлкадаги сиёсий үзгаришлар ҳам уша давр құлөзмалари расмларининг усулий шаклланувини белгилаб берди.

XVI аср Урта Осиё адабий ҳаёті Эрон билан боғлиқ бұлса, XVII–XVIII асрларда сафавийлар Эрон шиа мазхабини расман қабул қылғанларидан кейин Мовароуннаұр Эрон билан муносабатларини узади, Усмонли Турция, Кашмир, Шимолий Ҳиндистонга әзтиборини қаратади¹.

Шимолий Ҳиндистон ва Туркияда китоб чон этила бошланғач, китоблар Урта Осиёга келтирила бошлади.

Ҳинд мусулмон маданиятининг йирик марказларидан Бомбай, Канпур, Лакхнау, Лоҳур, Кашмир¹ Урта Осиёга китоб етказиб бера бошлади. Бу китоблар Шарқ муаллифларининг бадий асарлари булиб, форс, араб тилларидаги диний, фалсафий, ҳуқуқ, тарих ва бошқаларга доир зди.

Ҳиндистон ва Кашмир китобларининг күплаб келтирилиши Урта Осиёда Ҳинд, айниқса, Кашмир услубида бажарилған миниатюраларнинг пайдо булишига сабаб бұлды.

Құлөзма асарларга чекиладиган расмларнинг усулий хусусиятлари ва характерига 1864 йили Туркистон үлкасининг Россияга құшиб олинишидек муҳим сиёсий воқеа чуқур таъсир қиласы. Сиёсатдаги үзгариш ва бу билан боғлиқ үлка иқтисодий ва маданий ҳаётидаги силжишлар, Европа маданияти таъсирининг кучайиши үлка маънавий шароитида бурилиш ясади.

Европа маданияти ва янгиликнинг кучайиб бораётган таъсири қаршиисида туб үзгаришлардан чүчиш давр ижодий-маданий потенциалининг сезиларли усуви, реакциянинг кучайиши, баъзан эса ярамас тус олған диний ва миллий жаҳолатпинг авж олишига сабаб бұлды. Адабиётда бу ҳол мавзуу ва сюжетнинг тор қобиққа уралып қолиши ва кишилар фикрий қизиқишлиарининг жицдий чекланғанлиги билан ифодаланади.

Құлөзма китоб үзининг анъанавий меросини, эстетик бойлайларини әхтиётлаб келди. Аммо барибир ҳаётдаги янгиликлар таъсиридан қутула олмади. Асар мавзуу тилининг демократлашуви, шунингдек, фольклор ва унинг образларидан кенгрөк фойдаланыш ҳаёт ва адабиёт уртасидаги узилишни кучайтирди. Китобни тасвиirlар билан безашнинг тасвирий үлчамлари күп жиҳатдан шарталы зди.

¹ Е. Э. Бертельс. Литература на персидском языке в Средней Азии, «Советское Востоковедение», 1943, №4, стр. 227.

¹ Г. А. Дмитриев. Распространение индийских изданий в Средней Азии в конце XIX – нач. XX вв. Книга. Исследования и материалы. М., 1962, №6, стр. 240.

Унинг мавзу доираси, тасвир тематикиси ва услуби чеклаб қўйилган эди. Китобни тасвиirlар билан безаш санъатининг гуллаб-яшнаган даврида расмларнинг сюжетлари феодализм мафкураси учун муайян аҳамиятга эга бўлган ҳукмдорни улуғловчи, унинг жангдаги зафарлари, жанг саҳналари, давлатни оқилона идора қилиш, фалсафий сұхбатлар, олимлар баҳси, ҳашаматли сарой тантаналари ва кунгил очини кечалари мавзуларидан иборат эди¹.

Мусаввир шахсига кейинги даврда ҳам айтарли аҳамият берилмасди. Илгаригидек мусаввир имзоси деярли қўйилмасди. Аммо бадиий безакли қўлёзмалар бир неча унут бўлган ўрта осиёлик мусаввирлар номини биззагача асрлар келди. Уларнинг асарлари бадиий ижод услублари ҳақида тасаввур беради. Булар машҳур буҳоролик мусаввир Аҳмад Дониш, Мир Муҳаммад Сиддиқ (Хашмат) — амир Музаффарнинг «гуноҳкор» ўғли (XIX аср иккичи ярми), қўқонлик Муҳаммад Амин Косоний, Муҳаммад Шокирбой, Хожа Носир...

Тасвир чекилган китобларнинг мавзу доираси үлка умумий маънавий ҳаётининг барча хусусиятларини акс эттира олмаган. Аммо ўрта аср анъанавий асарларига хос ва давр утиши билан торайиб бораётган мутаассиси даврга мойиллик сезилади. Шарқ класикаси дурданаси бўлган Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо»си (№ 5017—6217), XIX асрнинг иккичи ярми, Буҳоро, (№ 791—1188, 1913 йил УзФАШИ қўлёзмаси), Ҳаравийнинг «Юсуф ва Зулайҳо»си (№ ХР—947, Дорвоз, XIX аср, Эрмитаж), Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» 1775 йилда кучирилган, (№ 932—870, Марв, Тоҷ. ССРФА., 1917 йил қўлёзмаси, Қўқон, № 1114, УзФА), Носир Ҳожининг «Лайли ва Мажнун»и, (XIX аср, № 159, этн. 127, УзФА Қўлёзмалар институти), Навоий «Ҳамса»си (1824 йил, № 23, УзФА Қўлёзмалар институти), Баёз (№ 7011, Хоразм, XIX аср) шундай асарлар жумласидандир. Муҳаммад Козимнинг тарихий «Номаи оламоройи Нодирий» (Марв, 1749—54-йиллар, № Д—430, СССР Шарқшунослик институти Ленинград бўлими)², Бедилнинг фалсафий «Тўрт

унсур» асари, тарихий-ижтимоий асар — «Мажолис ул-ушшоқ» (Буҳоро, XVIII аср бошлари, № 65 УзФАШИ қўлёзмаси), саёҳатномалар, географик асарлар, фолномалар ҳам тасвиirlар билан безатилди. Илгари тасвиirlар билан безаш расм бўлган Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Низомий «Ҳамса»си, Ҳофиз девонлари, Саъдий асарлари безатилмади. Илгариги машҳур тарихий асарлар ҳам йўқ. Бошқа жандаги тасвир чекилган асарлар сони ҳам камайган.

Кейинги давр Ўрта Осиё миниатюраси мавзу ва бадиий-услубий хусусиятларини таҳлил этар эканмиз, мураккаб манзараларга дуч келамиз. Унда миниатюра санъати бир хилда бўлмаган, ривожининг буронли даврини кечираётганини гувоҳи буламиз.

Кейинги давр расмларида анъанавий класик мавзуларга содиқлик хислатини қурамиз. Ўрта аср тафаккури ва тасвир йулларига әргашибдан ташқари, уларда четга чиқишилар, қурама шакллар пайдо бўлди, уларда янгилик эскилилар билан ажиб бир тарзда қориширилди. Ўрта Осиёнинг турли мавзулари чекилган тасвиirlарда янги белгиларни қуриш мумкин. Бу умуман, миниатюраларда янгича талқин жараёнидан дарак берарди. Қатор сабаблар миниатюранинг эркин тараққиётига монелик қилди. Унда жамиятдаги дунёқарашнинг ўзгаруви кузатилмасдан, эски мавзу қобиқларида белгилар ривожи ва шу билан бир вақтда бузилишини кузатиш мумкин. Анъанавий мавзуларнинг чеклангани шароитида сюжет танлашда бўлган сезиларли силжиши куриш мумкин. Ҳусусан, улардан баъзилари шарт ҳисобланса ҳам¹ камдан-кам ишлатиладиган бўлди. Бошқаларига эса эътибор янада оширилди. Илгари учрамаган мавзулар пайдо бўлади. Сюжет ривожида кўпчилиги рамзий маънода ва мос келмайдиган нақшдан иборат бўлса ҳам авж паллаларни тасвиirlовчи миниатюралардан ташқари одатдаги «авлиё-анбиё»лар мавзуидаги сюжетлар ажратиб кўрсатилади. (Меъроj, нажот изловчиларнинг Ҳизр билан сұхбати.) Зарварақ (фронтиспис)да ўрта аср диний китобларида кам учрайдиган муаллиф ёки бош қаҳрамон «портрети», қолган расмларда ҳам қаҳрамонларнинг «портрет»лари, ички кечин-

¹ Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель. История искусств Узбекистана. М., 1965, стр. 317.

² Н. М. Миклаухо-Маклай. Труд Муҳаммада Казима и его значение для истории туркмен. «Известия Туркменского филиала АН СССР», Ашхабад, 1945, стр. 5-6.

¹ А. Н. Додхудоева. Отражение литературных сюжетов в Средневековой миниатюрной живописи. Автореферат канд. дисс. А., 1979, стр. 13.

маларини тасвириловчи саҳналар, сұхбат мавзуи бериладиган бўлди.

Авлиёлар ва пайғамбарни тасвирилаш темалари чекланга борди, меърожни тасвирилаш билан чекландилар. Традицион васфий мавзуларга муносабат бирмунча узгаради. Жанг ва ов саҳналари («Номайи оламоройи Но-дирий» бундан мустасно), мустақил пейзаж композициялари йўқолади, кўп кишилик базм манзаралари кам фигуруали соқийлар билан алмашинади. Йнги композицион ечимлар, схемалар пайдо бўлади. Кейинги давр қўлёзмаларида миниатюранинг урта аср услубига палапартиш риоя қилиши ва персонажларнинг табақавий харакетистикасига алоҳида-алоҳида ургу бериши сезилиб туради. Булар сюжет билан бирга расмнинг композицион қурилишини белгиловчи муҳим томонлардир. Бунда индивидуал портрет белгиларига бефарқлик сақланади, ҳатто шунгача борадики, бир қўлёзманинг узида қаҳрамон чеҳраси, куриниши турли услубий йўлларда берилади, этник куриниши ҳам фарқ қиласи (№ 5017, 12237 қўлёзмалари). Тасвириланаётган персонажларнинг ташқи ифодасидаги шартли метафорик воситалар уз аҳамиятини сақлаб қолади (Юсуф бошидаги оловли хола, Мажнуннинг яланғочлиги ва уни мажнунтол ёнида тасвирилаш, Хизрни баҳайбат қилиб бериш, унинг яшил кийими, пайғамбар юзида парда ва б.). Миниатюра тасвирий воситаларининг узгарувчанлиги мавқе шартлилигига боғлиқ ҳолда персонаж ҳажмининг узгаришида ифодаланади, ҳаракатларнинг мавқе активлигига унинг ҳажми орқали урғу берилган.

Ҳис ва туйғулар ифодаси ҳануз шартли, аммо ички руҳий ҳолатлар тасвири ҳисобига бойиб боради. «Майдонни қисқартириш» усулидан фойдаланадилар. Қаҳрамоннинг асосий ҳаракатини бериш мақсадида фоннинг иккинчи даражали элеменлари кичрайтирилади. Натижада расмдаги пропорциялар ва масштабларни бузиш кучаяди. Мусаввир дидининг янги ва турли шаклларга мойиллиги сезилади. Расм Кашмир услубида чекилади, ҳалқчил фольклор йўлида — соддалика мойиллик вужудга келади. Бунда мусаввирнинг уз ифода ҳиссаси кучаяди.

Кейинги давр Урта Осиё миниатюраси усталари Кашмир услубига янгилик билан асл услубни узида муҗассам этгани учун эътибор бердилар. Кашмир миниатюралари бадийи ҳоди-

са сифатида турли давр, Ҳинд, Эрон ва Урта Осиё миниатюраси муайян ютуқларини узида бирлаштиради ва умумлаштиради¹. Кашмир мусаввирлари узларининг ранго-рангликка, саҳналарнинг кам одамли булишига, содда фонга, сюжетни тор доирада ифодалашга қизиқишлиари шароитида мазкур услубларни қабул қилдилар, лекин уларда Урта Осиё миниатюраларига хос композициянинг нақший ифодалигини оширувчи деталларга ва нақшларга сероблик етишмайди. Унчалик нафис бўлмаса ҳам ундаги эркин ва ҳаракатчан усул фигуralарга жонлилик бағишлийди².

Характерли белги сифатида меъморий безак тарзида бобурийлар даври оқ мармар иншоотларидан, нисбатан илгариги ёлғиз дараҳт ёки пейзаж фонни ясси, перспектив қисқартмаларсиз тасвириловчи Эрон — Урта Осиё усулидан фойдаланишин таъкидлаш мумкин. Уларда Кашмир этник типи, заргарлик тақинчоқларига бой миллий кийимда тасвириланиб, яшил ва кўкимтирик ранглар билан бирга норанжий, бинафшаранг, қизил, олтин рангларнинг муносиб уйгунашувини курамиз.

Кашмирча услубда ишланган Урта Осиё миниатюраларида унинг муҳим жиҳатлари — композицион қурилиш, меъморий фон ифода этилади. Аммо этник тип ва колоритда муайян узгаришлар мавжуд,

Соддалиқ ва фольклор расмлар унинг табиий ривожи ва ички бузилиш жараёни сезилган классик миниатюранинг қайта қурилиши натижаси эди. Бу йул тасвирини соддалаштириш ва схематик қилишига уриниш, унинг ифодалилигини сусайтириш, ифода воситаларини соддалаштиришга уринишдан иборат бўлди. Расмларда тасвиридан кўра белгилар функцияси устунликни ола бошлайди. Фоннинг аҳамияти уз эски қимматини йўқотади, унинг деталлари схематик қилинади, миқдори камайтирилади, фрагментлари тушиб қола бошлайди. Фрагменталлик принципга айлана боради. Фонга муносабат янгилик излаш ва Европача тасвир усулларига қизиқиш билангина узини оқлайди. Макон тузилишини қайта қуриш (чуқур макон ифодаси, предметларни ёруғлик ва соя томонларини ҳисобга олиб тасвири-

¹ Н. Адамова, Т. В. Грек Миниатюры Кашмирских рукописей., Л., «Искусство», 1976, стр. 25.

² Там же, стр. 25.

лаш) бир меъёрда бормади, қарама-қаршиликлар билан бўлди. Мусаввир усулларни эскичаси билан қўшиб, баъзи уринларда эски усуллардан бутунлай воз кечиб, янги, одат бўлмаган усуллардан фойдалана бошлайди. Бонга иккинчи даражали персонажларни ажратиб курсатишда узгаришлар юз беради. Қаҳрамонларни тасвирилашдаги одоб ва қоидаларга ҳам риоя қилинавермайди. Шу билан услуб бузилади.

Ҳукмдор, подшо амалдорлари тасвири энди расм марказида жойлашавермайди, улар аста-секин тасвиричкарисига, юқориси ёки чеккасига олинади, ўрнини воқеага ёки унчалик юқори мансаб эгаси бўлмаган персонажларга бушлатиб беради. Лекин барни-бир мусаввирнинг эътибори кўпроқ ўшанга қаратилади (Масалан, «Ризоқулихоннинг тўйи» саҳнасидаги раққосалар — «Номайи Оламоройи Нодирий» асаридан.)

Ҳукмдорлар тасвири баъзан пастроқса олинади. Энди улар унчалик тантанавор ва салобатли эмас, расм турига буйсундирилади. Ҳукмдор бўйи баробар (тахт булиши шарт эмас) турган ҳолда ва бир неча машшота, пардоз-андоз қилаётган қизи билан суҳбат қиласоқда. (5017 рақамли қўллэзма.) Асосий персонаж (масалан, Мажнун) расм марказида эмас, пастидаги тасвириланиши мумкин. Бунинг устига унинг оёқлари расмга тушмай қолиши ҳам мумкин. Бунга илгари йўл қўйилмасди.

Баъзи миниатюраларда бутунлай бўлмаса ҳам классик меросга нисбатан зид бўлган тасвирга — дастгоҳли ранг тасвирга хос элементлар пайдо бўла бошлади. Текис ёруғлик туширилган пейзаж табиат кўриниши олдида нурсиздек, унинг ранглари баъзан қувноқлик, баъзида ҳаяжонли — гамгин ва жиддий.

Тасвириланётган буюмга бўлган

муносабатнинг узгариши расм усулида ҳам сезилди. Образли ифодалаш сақлангани ҳолда расм соддароқ, чизиқлар шаклларга нисбатан сезилмай қолди. Аниқ чекилаган киши фигуラли тахминий ва қўполроқ чизиқли расмлар билан, булар эса ўз навбатида дамшўйлар билан алмашинади. Ранглар ҳам текис берилмайди, қуюғу суюқ ранг доғлари ва белгилари тасвир мукаммаллигини талаб қилмайдиган, аммо мусаввирнинг ўз ғоясини ифодалаш билан боғлиқ расмлар эстетикасини янгича тушунишнинг излари эди. XVI асрдан бошланган Эрон миниатюрасининг услугубий йулларидан воз кечиш ҳаракати кучаяди. Эрон миниатюраси XVIII—XIX асрларда Ҳинд миниатюраси каби Европа-нинг чуқур перспективали кенг куламилик ва кенг пейзаж фонига эга услубини тўла қўллай бошлайди.

Шундай қилиб, кейинги давр Урта Осиё миниатюрасининг тасвирий воситалари ва усулларида сезиларли узгаришни кузатамиз. Классик даврда туғилган образли характеристика воситалари ўрнига олға силжиш натижасида иллюстрациянинг янги тасвир услугуга утишга йўл очилади.

Халқ ижоди сарчашмаларига — фольклор одми тасвирига қайтиш — бир қараганда нозик ва гузал миниатюра санъати чўққиларидан орқага қайтишдек туюлса ҳам, эскиликка қайтиш бўлмасдан, вақтинчалиқ қайта тузилиш даври эди. Бу эса ўз навбатида колектив истеъодига Антей каби она-ерга яқинлашиб, кейин янгидан яратувчиликка киришмоқ учун ундан ҳаётбахш куч ва руҳий қувват олишга имкон яратди.

Аммо бу ижодий изланиш барча ижодий заҳира ва кучлардан тўла фойдаланиш йўлидан бормасдан, қайта бошдан булаётгандек эди. Нажот факат ҳаётнинг турли-туманлиги, муракабликлари ва қарама-қаршиликлари томон қадам қўйишда эди¹.

Камолиддин Беҳзод

Моний мўйқаламига үхшаш унинг рассомлик мўйқалами бутун дунё мусаввирларини унтишига мажбур қилади, унинг ажойиб ва музъжи-закор бармоқлари эса Одам Атонинг авлодлари орасидаги барча рассомларнинг асарларини хира қилиб қуяди. Соғ ҳақиқатни ўзида мужассам эттган замонамиз ажойиботи булган бу мусаввир ҳозирги пайтда бутун дунё ҳукмдорларининг марҳаматига сазовор». Буюк рассомнинг замондошлидан бири булган ҳиротлик тарихчи Хондамир үзининг «Ҳабиб ус-сийяр» асарида Беҳзод ҳақида ҳайратланиб ана шундай деб ёзган эди. Рассомлар ҳақида машҳур рисоланинг муаллифи Қози Аҳмад мусаввир ҳақида: «Қисқа бир вақт орасида Беҳзод шу даражада моҳир мусаввир булиб етишдик, рангтасвир пайдо булгандан буён бу соҳада санъат аҳли орасида унга тенг келадиган йўқ эди,— деб ёzádi¹.

«Камолиддин Беҳзод замондош мўйқалам соҳиблари орасида энг яхши мусаввир ва хаттотларнинг бошлиғи, уз санъатининг чўққисига эришган улуғлардан эди»,— дейди унинг бошқа бир замондоши, рассом, хаттот Дуст Муҳаммад.

«Нафис ва нозик истеъдодга эга рассом», «Рангтасвирчилар учун намуна», «Монийи соний» яъни Иккинчи Моний каби бу үхшаш фикрлар ўрта аср Шарқининг буюк миниатюрачиси бўлмиш Беҳзоднинг шуҳрати нақадар баланд булганлигини кўрсатади.

Беҳзод қадимги Хуросоннинг катта шаҳарларидан бири, темурийлар пойтахти бўлмиш Ҳиротда, 1455 йилда туғилади. Тарихий асарларда ёзилишича Беҳзод ота-онадан жуда эрта етим қолиб, таниқли Ҳирот хаттоти ва рассоми Мирак Нақош Хуросоний қулида тарбия олади. Мирак Нақош Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн (1469 – 1506) саройида шоҳ кутубхонасининг бошқарувчиси, китобдор вазифасида ишлайди.

Кази-Ахмед. Трактат о каллиграфах и художниках. Введение, перевод и комм. Б.Н. Заходера, М., – Л., изд-во «Искусство», 1947, стр. 182.

Мирак Нақош Беҳзоднинг устозларидан бири эди. Унинг миниатюра санъати буйича устозларидан яна бири, бухоролик устод Жаҳонгирнинг шогирди машҳур рассом Пир Сайид Табризий булган. Унинг устозлари ўз замонасиниг машҳур рассомлари эди. Мирак Нақош манзара асарлар устаси ва ажойиб хаттот булиб танилган. Пир Сайид Табризий эса буюк мусаввир эди. Беҳзоднинг асарларидаги ўзига хос хусусиятларда устозларнинг таъсири каттадир. XVI асрнинг бошлиғигача Ҳирот шаҳри ривожланган маданият марказига айланган булиб, Ўрта Шарқда унга тенг келадиган шаҳар йўқ эди. Бундай муваффақиятларни қулга киритишда Султон Ҳусайн Бойқаронинг хизмати жуда катта эди. Бобур уз хотираларида завқланиб шундай ёzádi: «Ҳириниким рубъи маскунда андоқ шаҳр йўқтур ва Султон Ҳусайн Мирзонинг замонида мирзонинг тасарруфидин ва такаллуфидин Ҳирининг зеб ва зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилиб эди¹. Ҳақиқатан ҳам, Ҳирот шаҳри меъморчилиги масжидларининг салобатлилиги билан мадрасалар, мәждмонхоналар, шифохоналар, ҳаммомлар, тим (ёниқ бозор) ларининг, хуллас, барча қурилиш биноларининг аниқ қурилмалари ва уларни безаб турган нақшинкор кошинларининг ранг-баранглиги билан кишиларни ҳайратга солган.

Хуросоннинг ҳамма томонидан Ҳиротга қараб машҳур файласуфлар, олимлар, рассомлар ва шоирлар оқиб келарди. Бу ерда мушоиралар, мажлислар ўюштирилар шунингдек файласуфлар, асқиячилар ва шоирларнинг мусобақаси ўтказиларди. Миниатюра ва хаттотлик асарларининг энг яхши намуналари муҳокама қилинарди.

Султон Ҳусайннинг ўзи ҳам шоир булиб, нафис санъатининг нозик билимдени сифатида ўз даврининг моҳир ижодкорларига ҳомийлик қилар эди.

Жомий ва Навоий, Мирхонд ва Ҳондамир, чиройли ҳусният муаллифлари хаттот Султон Али Машҳадий, Камолиддин Беҳзод ўша пайтларда Ҳиротнинг гултожи эдилар.

Алишер Навоий ёзган эди: «Мен бойқаро саройидагидек бастакор ва шоирлар, мусавирилар, хаттотларнинг буюк мусобақаси утётган бирон-бир даври билмайман». Султон Ҳусайнинг вазири ва дусти буамиш буюк ўзбек шоири Алишер Навоий Ҳиротнинг маданий равнақ топшишида катта меҳнат сарф қиласди. Буюк Беҳзоднинг шакаланингидан ҳам Навоий катта тасъир курсатди. «Буюк устод ўзининг ҳақиқий машҳур мусавирилигига амир Низомиддин Алишернинг марҳмати ва ғамхўрлиги туфайлиги ариши», – дейди тарихчи Ҳондамир.

XV асрнинг 90-йилларидаёқ Султон Ҳусайн Беҳзодни ўз кутубхонасигина бошлиғи қилиб тайинлаган ва унга тез-тез ўзи учун Шарқнинг буюк ёзувчи ва шоирларининг асарларига миниатюра чизишни буорар эди. Айтишларича, Султон Ҳусайн ҳатто Беҳзод учун ўз боғида устахона (ижодхона) қурдириб, унинг ишидан завқланиш учун тез-тез у ерга келиб турар, бу билан дунёning ташвишларини бирмунча унугандай буларди.

Султон Ҳусайн вафотидан сунг 1507 йилда Шайбонийхон Ҳиротни босиб олади. Беҳзод Ҳиротда қолиб, темурийлар ижодхонасида ўз ишини давом эттиради. Шайбонийхон ҳам билимдон ҳукмдор булиб, машҳур рассомга алоҳида эътибор беради ва унга ўз портретини чизишни буоради. Шайбонийхон ҳалокатидан сунг, 1510 йилда Ҳиротни шоҳ Исмоил босиб олгач, Беҳзод бошика янги бир ҳукмдор хизматига утишга мажбур булади ва сафавийлар пойтахти – Табризга кучиб ўтади. Сафавийлар сулоласининг асосчиси шоҳ Исмоил Беҳзод Иходини юқори баҳолайди. Турк тарихчиси Алининг ёзишича, туркларга қарши юриш олдидан шоҳ Исмоил шундай деган экан, «Агар мағлуб булиб, пойтахтим душман томонидан босиб олинган тақдирда ҳам, мен душманларим қулига саройдаги, хаттот Маҳмуд Нишопурий ва моҳир устод Беҳзоднинг тушишини асло истамас эдим». 1514 йилда Чалдиран ёнидаги жангда муваффақиятсизликка учраган шоҳ Исмоил қайтиб келиши билан энг биринчи бўлиб уларнинг аҳволларини сураттирган. Узининг рассомга булган алоҳида ҳурматини аниқ билдириш мақсадида шоҳ Ис-

моил 1522 йилда махсус буйруқ билан Беҳзодни шоҳ кутубхонасининг бошлиги – китобдор қилиб тайинлайди. «Аср нодираси, мусавирилар нешвоси, музахҳиблар етакчиси Устод Камолиддин Беҳзодким, унинг чехра очувчи мўйқаламидан Моний жони хижил булади, суратга оро берувчи қаламидан Артанг лавҳалари хижолат чекди, шунга биноан унга шу нарса тааллуқ ва лозим топилсанким, пайваста қаламни ижроси вожиб фармонга бош чектириб, халифа нишонли подшоҳ останасининг мулоzимати марказига унинг қадамини паргармисол мустаҳкам қўйиб, хисравона лутф ва шоҳона марҳамат бажо келтириб ҳукм этамизки, олиҳазрат китобхонаси аҳли, котиб, наққош, музахҳиб, жадвалкан, ҳалкор, заркуб, ложуварҳшўй ва паноҳидаги мамлакатнинг мазкур ҳунарларга мансуб бўлган бошқа жамоати унинг ихтиёрида булсиналар. Пок дилли амирлар, монанди йўқ вазирлар, олампаноҳ даргоҳдаги ноиблар... султон хизматидаги мубоширлар, умуман, девон ишлари мутасаддилари, шоҳ китобхонаси аҳолиси ва мазкур жамоат, хусусан мазкур устод зими масига муставфий ва калонтарлик ишини топширилган ҳисоблаб китобхона ишларини адо этишни унинг зиммасига юқлатилсан». Таҳрири 27 жумодилаввал, 928 й. ҳижрий (1522 йил, 24 апрель)».

Шоҳ Исмоилнинг урнита утирган шоҳ Таҳмосиб (1524–1576) баъзи бир манбаларда ёзилишига қараганда, Беҳзодни унча ёқтиргмаган. Кексайиб саксонларга бориб қолган рассом ватанингига қайтиб келишига мажбур булади. 1535–36-йилларда рассом Ҳиротда вафот этади.

Беҳзоднинг Табризда яшаган пайтларида номаълум рассом томонидан ишланган портрети сақланиб қолган. Портретда у бор бўйича тасвирланган булиб, қулида миниатюралар солинган жузвдан ҳам бор. Унинг қомати бирмунча буқчайган. Сал олдинга интилган гавдаси енгил чизилган, айниқса, характеристини ажратиб курсладиган давомли чизиқлар диққатга сазовордир.

Беҳзод яратган асарларнинг аниқ бир ҳисоби йўқ. Урта асрларда хаттотнинг меҳнати миниатюрачи рассом меҳнатига қараганда юқори баҳоланган. Шунинг учун ҳам кўпинча миниатюраларга имзо қўйилмаган, фақат баъзи пайтлардагина миниатюранинг бирор-бир бурчагида ёки саҳифа четида, ё булмаса, архитектура декорация-

си орасида рассомнинг имзоси кузга ташланиб қоларди. Беҳзод бизга бир нечта имзоли асарлар ва имзо чекилмаган купгина номаълум асарлар қолдирган.

Буларнинг кули, асосан, алоҳида саҳифаларда Шарқ классикларининг асарлари иллюстрация ва миниатюралари булиб, улар «Мураққа» деб номланган махсус альбомларга киритилган. Портретлар Беҳзод ижодида алоҳида урин эгаллади. У портрет жанрини маълум даражада ривожлантиради ва портрет санъатининг ноёб, асл намуналарини яратади.

Беҳзод ўз ишларида Шероз, Табриз ва Ҳирот миниатюра мактабларининг муваффақиятларини ажойиб равишда уйғунлаштиради. Рассом миниатюра санъати соҳасида янги бир йўналиш яратади. У жуда уста тарроҳ булиб, рангларни ҳам жонлантиради, шу билан бирга, миниатюра жанрига янги гоялар ҳаётийлик ва гуманизм руҳи барқ уриб турган янги сюжетлар олиб киради.

Рассом ўзининг ёшлик йилларида ишлаган илк асарларидаёқ (XV асрнинг 80-йилларида) масалан, 1467 йилда кўчирилган Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарига, 1478 йилдаги Саъдийнинг «Бустон» асарига, (Честер Битти коллекциясидан) ва Низомийнинг «Хамса» асарига ишлаган миниатюраларида (1442 йил. Британия музейи) ва бошқаларда ҳаётни жиддий кузатувчи моҳир санъаткор эканлигини курсатади. Яна бир нарсани таъкидлаб утиш керакки, Беҳзод иллюстрация қилинадиган қўлэзмадан шунақа сюжетларни танлаб олдики, бу сюжетлар унингча, ҳаётнинг турли лавҳаларини, мавжудотнинг доимо ҳаракатда эканлигини курсатиши лозим. Масалан, қалъаларнинг қамал қилиниши ва жанглар, масжидларнинг қурилиши, байрам йигилишлари ва зиёфат кабилар. Жанг шиддатининг реал тасвири, меҳнат мароми ва турмушни ҳаққоний акс эттирган баъзи бир лавҳалари унинг композицияларини ўша узоқ утмишга айланган даврнинг тенги йўқ ноёб ҳужжатларига айлантиради.

Шунгача ва шундан кейинги даврларда яратилган композицияларда Беҳзод унча катта булмаган саҳифаларда жуда кескин ҳаракат ва катта кенгликни ўзида мужассамлаштирган миниатюраларни яратиш учун алоҳида бир усули қўллади, у фигуralарни миниатюра рамкалари билан кесиб қўяди (ёки баъзан ҳаракатни қўлэзма жадвалларидан четга чиқариб юбора-

ди) ва ушбу усул билан томошабининг хаёлида ҳаракат давом этаётганлиги тасаввурини түғдиради. Масалан, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сидаги «Хива қалъасининг қамал қилиниши» номли асари аниқ деталлар, курашаётган ва қамал қилинган мудофаачиларнинг композицион түғри жойлашганлиги туфайли тасвир ҳаққоний чиққан. Қалъа ҳали эгалланмаган, аммо ғалабага эришиш муқаррар. Душман отлиқлари қалъа дарвозасига ёпирилишган, яна бир оз ҳаракат қилинса дарвоза қўлга олинади. Аммо қамал қилинганлар таслим булишмаяпти. Улар баланд девор кунгиралари, минораларидан туриб отишяпти, душман бошига тошлар ёғилаяпти. Беҳзод бу асарида душманга ён босишни истамаган инсон иродаси нақадар қудратли кучга эга эканини тан олади.

Масжид қурилишини тасвирлаётган картинада эса («Хамса»Низомий, Британия музейи, «Зафарнома») Беҳзод қурилиш ишларининг боришини кенг қулямда кўрсатиб берган. Бу миниатюраларга қараб туриб, томошабин гүё иш бошқарувчиларнинг қичқириқларини, ҳунармандларнинг ғалғовуруни, қурилиш материалларини ташиб келтираётган араваларнинг ғижирлашини эшитаётгандек булади. Иш жуда жадал бормоқда. Сарой қасри қурилиб безатилган, аммо ҳали қилинмаган ишлар жуда кўп. Қурувчилар масжид пештоқини қуришмоқда, усталар бинони безатиш учун оғир мармар кошинларни ташишяпти, тош йўнувчилар эса мармар тахталарга нақшлар уйишмоқда. Бошқа ишчилар эса гишт терувчиларга қоришма тайёрлашаётган булиб, дурадгорлар тахта йўнишяпти, назоратчи эса ношуд ишчининг бошида хипчин силкитялти. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳод жасоратини қанчалик куйлаган бўлса, Беҳзод ҳам ўз миниатюраларида Ҳирот шаҳрини обод қилган номсиз усталар ва ҳунармандларни муҳаббат билан тасвирлайди.

Саъдийнинг «Бустон» асаридаги (Қоҳира кутубхонаси) машҳур «Доро ва чўпон» миниатюраси Навоийнин инсонпарварлик гоялари таъсири остида яратилган. Бу қўлэзмадаги расмлардан бештаси Беҳзодники булиб, унинг туртгасига муаллифнинг узи имзо чеккан. Бу миниатюра аҳмонийлар подшоси Доро ҳақидаги нақл асосида яратилган. Бир куни Доро ов қилиб юриб, ўз мулозимларидан орқада қолиб кетади ва нотаниш, шубҳали булиб куринган чўпонлар орасига тушиб

қолади. Улар сиймосида уз душманларини күриб, унинг ёнига яқинашган чупонни уқ-ёй билан отиб улдирмоқчи булади. Аммо чупон подшоҳни уз хизматкорларини танимаганлигидан изза қилиб, мен уз уюридаги ҳар бир отни дарҳол танийман, деб уни уялтиради.

Бу миниатюрада қояли тоғлар, баъзи жойлари буталар билан қопланган ям-яшил утлоқ, чупонлар ва отлар ёрқин бүёклар остида бир-бири билан уйғунлашиб кетган. Бу асарида ҳам Беҳзод байтал онасини эмайтган тойчоқ ва қимиз қуяётган чупон бола каби ҳаққоний ва ҳаётий лавҳаларни тасвирлайди. Айниқса, кекса чупон қомати жуда таъсирчан чиқсан, у композициянинг марказида жойлашган булиб, ҳолати ва куп ҳаракатлари уз мулоғимларини яхши танимайдиган ёш подшоға қаратилган беҳад кесатиқ ва кинояни ифодалайди.

XVI асрда яшаб ижод этган тарихчи Зайниддин Восифий узининг «Баъдое ул-вақоєъ» асарида Навоий билан Беҳзод уртасидаги бир қизиқ воқеани келтиради: «Алқисса кунма-кун, соатма-соат устоз (Беҳзод)нинг ҳунар ва мартабаси уса борди. Чизган нақши туфайли уғойиблик пардасидан чиқиб шуҳрат ва заковати сурати (яққол) намоён була борди. (Шундай бир ҳодиса) Машҳурки, устоз Беҳзод (суврат чизилган) саҳифани буюқ Амир Алишернинг фирдавсмонанд, осмон зийнатли мажлисига келтирди. Сувратда тасвирланишича, орастга боғча у турли-туман дараҳтлар билан қопланган ва дараҳт шоҳларида хушсурат турли-туман қушлар, ҳар тарафда ариқчалар шилдираб оқиб ётибди. Очилган зангори гул туплари ва унинг орасида Мир (Алишер)нинг ёқимили хүш сурати. У асога таянган ҳолда турибди. Ёнида сочқи (одатини ижро этмоқ учун), зар тула табоқларни қўйган. Ҳазрати Мир ул сувратни мушоҳада ва мулоҳаза қилди: ул нафис боғлар ичра латиф ва шодлик гуллари, хаёлий ҳовузлар атрофи гузал ва ҳузур бағишловчи дараҳтлар билан безалган. Боғдаги (шод) булбулдек (Алишер) завқ ва шавққа тула кунглидан «аҳсан-ул аҳсан» («жуда соз») садосини чиқарди.

Байт:

Наққош буди, хона мұнаққаш карди,
Эй вақти ту хүш, ки вақти мо хүш карди.

Мазмуни: «Эй наққош сен келиб хонамизни безатдинг. Вақting хүш

булсин. Зероки, бизни бағоят хүшнуд этдинг».

Сўнгра Мир мажлисда ҳозир бўлганларга қараб деди: «Азизларнинг хотирига бу муҳим саҳифа таъриф ва тавсифи учун нималар келди?»

Мир (Алишер)нинг устози ва Хурросон аҳлининг машҳур кишиларидан бўлган Мавлоно Фасихиддин бундай деди:

— Маҳдумлар! Куз олдимдаги бу очилган раъно гулларни қўл чузиб узсан-у, дасторимга санчсан?!

Мир (Алишер)нинг дусти улфати Соҳиб Доро булса:

— Менда ҳам шундай истак бор эди. Аммо қўл чузсан, дараҳтлар устидаги қушлар ҳуркиб учиб кетмасин, деб андиша қилдим,— дейди.

Хурросоннинг хуштаъб аҳлидан ва пешволаридан бўлган Мир (Алишер) билан доимо ҳазил-мутоиба қилиб юрадиган Мавлоно Бурҳон:

— Мен мулоҳаза билан қулимни тортиб, тилимни тиймоқчиман: Агар суз қотсан, мабодо Ҳазрат Мир (Алишер) аразлайдилар ва юзларини буриштириб қошларини чимирадилар,— дейди.

Нозик табиатли ва Мир (Алишер) унга «Латифатарош» деб лақаб қўйган хурросонлик хушомадгўй (кишилардан) Мавлон Бадахший булса:

— Эй, Мавлоно Бурҳон, агар беодоблик ва густоҳлик бўлмагандан, суратдаги Мир (Алишер)нинг қўлларидағи асони олиб бошинингга солар эдим,— дейди.

Ҳазрат Мир (Алишер) суҳбатни якунлаб:

— Азизлар яхши сузлар айтишиди ва маъно дурларини (жуда) маъқул сочишиди. Агар Мавлоно Бурҳон уша номаъқул ишни раво кўрмаганларида ва дағаллик қиммаганларида мен (суратда тасвирланган) табоқлардаги олтинларни дўстларнинг бошларидан сочмоқчи эдим,— дейди.

Шундан сунг Алишер Беҳзодга эгар-жубдуқли от ва муносиб тун, мажлис аҳлининг ҳар бирига (эса) ҳашаматли либос инъом қиласди.»¹

XV асрнинг 90-йилларидан кейин яратилган асарларида Беҳзод купроқ манзара жанрига зътибор беради. Манзара Беҳзод учун фақат муҳитни нафис ва нозик тасвирлашгина бўлиб қолмасдан, энг аввало, бир оз ғамгин,

¹ О. Усмонов. Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1977, 44—46-бетлар.

чукур лирик кайфиятни бера билишдан иборат булди.

Беҳзод муйқаламига мансуб икки портрет бизгача етиб келган. Булар Султон Ҳусайн ва Шайбонийхон портретлариdir.

Султон Ҳусайн портрети унча катта булмаган қоғозга график усулда ишланган. Баъзи бир жойларида ҳажмни ифодалаш учун ранглар мутаносиблиги берилган. Султон Ҳусайн шарқликларга хос чордана қуриб ўтириди. Унинг бутун дикқат эътибори бизга куринмайдиган ҳамсұхбатига қаратилган. Беҳзод унинг тұла гавдасида, қисиқ күзли юзида қатъятаи, кучли лашкарбоши ва ҳукмдор тимсолини куради. Ҳиротнинг энг сунгги урфи буйича тикилган шоҳона либосда, кийими, елкалари ва күкракларига монанд қилиб нафис тикилган, бошида унча катта булмаган салла. Портрет Бобур томонидан Султон Ҳусайнга берилган характеристикани түрги ифодалайди: «Қийиқ күзлүк, шер андом буйлуқ киши эди. Белидан қуйи ингичка эди. Бовужудким, улуғ ёш яшаб, оқ соқоллық бұлуб эди, хушранг, қизил, яшил абришимни кияр эди... Харроф ва хуш хулқ киши эди. Хулқи бир нима гузаророқ вөкіз булууб эди, сүзи ҳам хулқидек эди»¹.

Иккинчи бир ҳукмдор Шайбонийхон портрети эса 1507 йилда яратилған булиб, Беҳзоднинг уз персонажлари характеристини беришда хилма-

хил бадий усуллардан кенг фойдаланғанлигини билдиради. Бу асарда энг асосийси рангдир. Қора, яшил, қизил рангларнинг контрастлiği хоннинг уз ишларидан аниқ ҳаракат қилишини курсатиб туриди. Саҳифа сатхини Шайбонийхон гавдаси тасвири әгаллаб олган. У оёқларини чалиштириб олган ҳолда ўтириди. құллари эса тиззаларига тираван. Унинг либоси оддий, ҳеч қандай беzagи йүқ. Аммо, унинг олдида сиёдөн, қалам, китоб туриди. Бу унинг фақатгина ҳукмдор булмай, балки шоиртабиат, билимдон ва зуко киши эканлигига ишорадир.

Беҳзоднинг бадий изланишлари ва муваффақиятлари рассомликда катта бир инқилоб ролини ўтаган. Буюк рассомнинг күпгина шогирдлари устоз асарларидан унинг усулларини урганишарди. Уларнинг баъзилари устоз асарларининг ифода шаклига эътибор беришар, инсоннинг ички дунёсига, ҳис-туйғуларига чуқур кириб борышмасди. Инсоннинг ички дунёсига кириб бориш, унинг табиатини нозик ҳис қила билиш, ҳар қандай шарт-шароитларга ҳам қарамасдан унга ишониш буюк рассом ижодининг инсонпарварлік асосини ташкил қылади. Худди мана шу хусусиятларгина уни замондошлари орасида булған, бир қанча машҳур рассомлардан ҳам илгарилаб кетишига сабаб булди ва унинг номи-ю, асарларини мангу қилиб қолдирди¹.

¹ Заҳириддин Мұхаммад Бобур. «Бобурнома», 222-бет.

¹ Н. Норқулов. Камолиддин Беҳзод. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1964; О. Усмонов. Камолиддин Беҳзод ва унинг нақошлар мактаби. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1977; Камалиддин Беҳзод. К 525-летию со дня рождения. Материалы научной конференции. Ташкент, Изд-ва «Фан» Узбекской ССР, 1984.

Алишер Навоий портретлари

Үлгү узбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ҳаётлик даврида унинг бир неча портретлари яратилган булиб, яна бир қатор расмларда шоирнинг сиймоси акс эттирилган деб тахмин қилинади. Бу расмларда унинг ташқи куриниши, қиёфаси, ички маънавий дунёси қай даражада ёритилган? Алишер Навоий портретлари бир асарнинг шунчаки нусхаларими ёки рассомлар ижодий изланишлари, юксак маҳорати шахсий кузатишлари маҳсулими? Мазкур мақолада шу муаммолар хусусида фикр юритилади.

Алишер Навоий шахсияти туғрисидаги энг қимматли ва ноёб манбалар, албатта унинг уз асарлариdir. Шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид кўплаб тадқиқотлар мавжуд, аммо уларда Алишер Навоийнинг ташқи куриниши, қиёфасининг тұла ва мукаммал баёни йўқ. Уша даврнинг машҳур тарихчиси Фиёсiddин Хондамир асарларида, айниқса «Макорим ул-ахлоқ» китобида, ҳамда Зайнiddин Восифийнинг «Бадойиъ ул-вақоийъ» ва Заҳириддин Бобурнинг «Бобурнома»сида Алишер Навоий ҳаётидан қизиқарли ва ибратли лавҳалар, унинг характеристикинайрим қирраларини очиб берувчи муҳим кузатишлар баён қилинган. Бу қимматли маълумотлар шоирнинг тулаконли мукаммал образини яратиш учун айрим чизгилар булиб хизмат қилиши мумкин, холос.

Зайнiddин Восифийнинг «Бадойиъ ул-вақоийъ» асарида келтирилган машҳур ҳикояга асосланиб, уз даврининг нодир ул-асри, устод Камолиддин Беҳзод Алишер Навоийни гуллаган боғда, асога таяниб турган ҳолатида тасвирларини қайд этишимиз мумкин¹, Яна тарихчи Қози Аҳмад Қумийнинг хаттотлар ва рассомлар тұғрисидаги «Гулистони ҳунар» («Санъат гулистони») рисоласидаги маълумотдан Алишер Навоийнинг «Мажолис уннафоис» тазкирасини котиблар сultonи Сulton Али Машҳадий ҳусният

Бу лавҳа «Камолиддин Беҳзод» мақоласида келтирилган.

билан кучиргани, қулёзма саҳифалари расмлар билан зийнатланган эканлигидан хабардор булемиз². Аскин, афсуски, бу ёзма манбаъларда қайд этилган, айни уша Алишер Навоий портрети, ҳамда «Мажолис уннафоис»нинг уз даврида расмлар билан безатилган қулёзмаси ҳозирча бизга маълум эмас.

Узбекистонда машҳур миниатюрист Маҳмуд Музаҳҳиб яратган Алишер Навоий портрети 1940 йили нашр этилгунга қадар, шоирнинг ташқи куриниши, қиёфасини рассомлар ўзларича тасаввур қилиб, тасвиirlар эдилар. Масалан, 1925 йили нашр этилган «Лайли ва Мажнун» достони муқовасидаги расмда рассом А.Дахно Алишер Навоийни улуғ ёшдаги соқоли узун чол сифатида акс эттирган².

Маълум булишича, Алишер Навоий ҳаётлик даврида устод Камолиддин Беҳзод, Қосим Али чеҳракушой, Маҳмуд Музаҳҳиблар томонидан унинг алоҳида портретлари яратилган экан. Устод Камолиддин Беҳзод яратган портрет ҳали топилмагани сабабли унинг тұғрисида фикр юритиш мушкүл. Зайнiddин Восифий берган маълумотдан бизга шу нарса маълумки, Алишер Навоий тасвири жуда гўзал бўлган, ҳамда у асога таяниб турган ҳолатида тасвиirlанган.

Алишер Навоийнинг ҳозирча энг машҳур портрети атоқли миниатюрист Маҳмуд Музаҳҳиб мўйқаламига мансуб булиб, 7×16 см.ли бу нодир расм Эроннинг Машҳад шаҳридаги Остони Қудс кутубхонасида сақланади. Бу асар биринчи марта 1931йили Лондонда уtkазилган Эрон миниатюралари курганизасида намойиш этилиб, унинг каталогида нашр этилгач, жуда машҳур булиб кетди ва қайта-қайта нашр қилинди. Уни илк бор Узбекистонда проф. А.А. Семёнов «Навоий даври портретлари» (Ташкент, Гостехиздат

¹ Кази-Ахмед. Трактат о каллиграфах и художниках. Введение, перевод и комментарии Б.Н.Заходера, М. – Л., Гос. изд-во «Искусство», 1947, стр. 106,107.

² Н. Зиганшина. Искусство книги в Узбекистане. Ташкент. Изд-во литературы и искусства им.Гафура Гуляма, 1978, илл. 13.

УзССР, 1940, 13 илл. 1) рисоласида эълон қилди. Шундан кейинги республика мизизда яратилган деярли ҳамма асарларда Алишер Навоий ташқи қиёфаси ҳақли равишда Маҳмуд Музахҳиб асарига асосланиб яратилган.

Маҳмуд Музахҳиб асарида Алишер Навоий образи жуда жонли, ҳаётӣ ва тӯлақонли чиққанини барча мутахассислар яқдиллик билан таъкидлайдилар. Сермашақват ижод ҳаддини бир оз буқкан, лекин ҳали ҳам тетик, мағрур шоир енги узун жомада, бошида оқ салла, оппоқ соқоли ўртача узунликда. Шоирнинг чеҳраси, айниқса, бир оз чимирилган қошлари жуда жонли ифодаланган, хиёл истеҳзоли кузлари, нозик мижозидан далолат беरувчи қимтинган лаблари, ҳаммаси Алишер Навоийнинг узига хос қиёфаси, кийими ва туриш ҳолатидан гувоҳлик беради. Дарҳақиқат, расмни кўрганда, Заҳириддин Бобурнинг сўзларини киши эслайди: «Алишербекнинг мижози нозук била машҳурдир. Эл назокатини давлатининг ғуруридан тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандда эканда ҳам ушмундоқ нозук мижоз экандур»¹.

Ушбу расм түғрисидаги адабиётшунос Пирмат Шермуҳаммедовнинг фикри ҳам диққатга сазовор. У ёзади: «Буюк шоир умрининг әнг сунгги йиллари, эҳтимол дақиқалари, онлари бўлса ҳам ажаб эмас. Юзи, кузи ва пешонасидан нур ёғилиб турган, қараши-ю, утқир нигоҳида доноликнинг излари зуҳур этган, ихчам ва тоза кийинган. Қулида асо, хиёл жилмайғаннамо.

Бу портретга разм солар эканмиз, беихтиёр равишда қуйидаги дил сўзлари хотирга келади:

Гаҳе топдим фалакдин нотавоилик,
Гаҳе курдим замондин комронлик.
Басе иссиқ-сонук курдим замонда,
Басе аччиқ-чучук тотдим жаҳонда»².

Мазкур портретни илк тадқиқотчилар, жумладан иирик санъатшунос Арменаг Сакисиян уни XV аср охирида Ҳиротда яратилган деган хулосага келди. Бу хулосани кейинги тадқиқот-

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайерловчилар С. Мирзаев, П. Шамсиев, Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1960, 233 бет.

² П. Шермуҳаммедов, Барчадин яхшироқ ҳаёт гули. Тошкент, Рафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 162-бет.

чилар, жумладан проф. А.А.Семёнов ва бошқалар ҳам қабул қилдилар. Аммо яна бир иирик миниатюра тадқиқотчиси Иван Шчукин ўзининг «Тимурийлар қулёзмалари расмлари» (Париж, 1954, 95-бет) номли монографиясида Маҳмуд Музахҳиб портретини Беҳзод яратган, аммо бизгача етиб келмаган портрет нусхаси булиб, уни рассом XVI аср ўрталарида Бухорода яратган бўлса керак, деган мулоҳазага борди. Совет олимлари О.Ф. Акимушкин, М.М.Ашрафий, О. Усманов ҳам И.Шчукин фикри тарафдори булиб чиқдилар³.

Маҳмуд Музахҳиб яратган портрет нусха ёки кейин ижод этилган деган фикр тарафдорларининг асосий далили шуки, рассомнинг купроқ маълум асарлари асосан XVI асрнинг йигирманчи — эллигинчи йилларида яратилган экан. Иккинчи далил эса, Зайниддин Восифий Беҳзоднинг Алишер Навоий портретини яратганини ёзиб қолдиргани.

Биринчи далилга келганда шуни айтиш керакки, Маҳмуд Музахҳибнинг ҳаёти ва ижоди ҳали мукаммал үрганилган эмас. Қолаверса, унинг Ҳиротда Беҳзод доирасида ва шогирдлари билан бирга ижод этганини тасдиқловчи фактлар бор. Масалан, Маҳмуд Музахҳиб Беҳзоднинг истеъдодли шогирдларидан бири Дуст Девона билан биргаликда расмлар ишланган мұъжазгина бир қулёзма Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Салор жанг музейида сақланмоқда. Бундан ташқари, Маҳмуд Музахҳиб Абдураҳмон Жомийнинг «Девон»ининг Султон Али Машҳадий 1515 йили Ҳиротда күчирган нодир қўлёзмасига ҳам бешта расм ишлагани маълум. Ҳозирги кунда бу қулёзма Америка Қушма Штатларидағи Лафайет колледжи мулкидир. Демак, биринчи далилни тұла ишонарлы дейишиң қийин. Бу масалага зытибор берган П. Шермуҳаммедов ҳам Маҳмуд Мазаҳҳиб яратган Алишер Навоий портрети Беҳзод асарининг нусхаси булиши мумкин деган хулосага қарши чиқиб, «Маҳмуд Музахҳиб Навоийни кўрган булиши ва уша машҳур портретни буюк шоир

³ О.Ф. Акимушкин. Портрет Навои. В кн. Искусство и археология Ирана. Всесоюзная конференция (1969). М., изд-во «Наука», 1971, стр.20—24; М.М. Ашрафи. Бухарская школа миниатюрной живописи. 40—70-е годы XVI века. Душанбе, Изд-во «Дониш», 1974, стр. 16, 17; О.Усманов. Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлар мактаби. Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1977, 134-бет.

хақидағи таассуротлари асосида чиз-
ган ҳам булиши мүмкін», — дейди.¹
Иккінчи далил хусусида фикр
айтишдан аввал Алишер Навоийнинг
ҳаётлик даврида яратилған бошқа
портретларни ҳам үрганиб чиқиши
керак. Мана шундай портретлардан
бири «Алишер Навоий ва Султон
Мұхаммад Мирзо» портретидир. Расм-
нинг пастки үнг бурчагида «ал-фақир
Али» деган майдың ёзувиң үқиса булади.
Тахминимизча, бу нодир асар Камо-
лиддин Беҳзоднинг истеъоддли шо-
гириларидан бири устод Қосим Али
чөхракушой томонидан ижод қилин-
ган. Чунки тарихчилар рассомнинг
номига «чөхракушой» — портретист
деб құшиб эслатылаары бежиз әмас.
Тарихчи Ғиёсiddин Хондамир «Хуло-
сат ул-ахбор» асарыда Алишер Навоийнинг шахсий кутубхонасида ижод
этувчи наққош-рассомлар қаторида
унинг ҳам номини қайд этади: «Устод
Қосим Али Чөхракушой замоннинг
етук мусаввири булиб, нозик таъб
наққош (бу ерда рассом маъносида —
M. A.) лар етакчисидир. Бу фанни
ҳидоят сифатли Амир Алишер кутуб-
хонасида үрганған. Он ҳазратнинг
таълим-тарбияси орқасида оқил тенг-
дошларидан үзіб кетди ва доимо
унинг хизматига бел боғлаб, унинг
катта инъом ва әхсонидан баҳра-
манлар».²

Баъзи мутахассислар Қосим Алини Алишер Навоийнинг шахсий рассоми деб ҳам аташади. Қолаверса, Қосим Али мўйқаламига мансуб Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» дос-тонига ишланган «Улуғ шоирлар анжу-мани» расмида ҳам шоир тасвири бор. Мана шуларнинг ҳаммаси «Алишер Навоий ва Султон Муҳаммад Мирзо» расмини Қосим Али ижод қилган дейишга тұла асос беради.

Мазкур расмда тасвирланган шахслар номи расм юқорисида, чап бурчакда майда настаълиқ хатида қуийдагича ёзил қўйилган: «Сурати дилпазир Чучук Мирзо бо амир бе шибҳу назир Низомиддин Алишер» (Чучук Мирза ва беназир амир Низомиддин Алишернинг дилни шод қилувчи сурати). Чучук Мирзо Алишер Навоий ижодининг қизғин мухлisi, тарғиботчи

си, унинг асли номи Султон Муҳаммад Мирзо булиб, уни Чучук Мирзо ёки Кичик Мирзо деб ҳам аташган. Чучук Мирзо Султон Ҳусайн Мирзонинг жияни бўлади. Алишер Навоий узи тартиб берган биринчи шеърлар туплами «Бадойиъ ул-бидойа» девони дебочасида Султон Муҳаммад Мирзо ҳақида жуда самимий ва илиқ фикрлар билдирган. Шунинг учун бўлса керак, айрим мутахассислар Алишер Навоий узининг «Бадойиъ ул-бидойа» девонини Султон Муҳаммад Мирзога бағишлилаган деб уйлашади.

Қосим Али яратган расмда ҳам Алишер Навоий тик турган ҳолда, узун енгли құнғир рангли жомада, түк күк қабода, күк кулоқлы, сипо уралған оппоқ саллада тасвиrlанған. Унинг қулида узун асо. Агар биз шоирнинг юзи тасвирига әзтибор берадиган бұлсак, соқол-мұйловининг қоп-қоралыги, юзининг тулалиги, қийиқ күzlари, лабларининг қымтинганлиги, ҳали шоир ҳаётида муҳим воқеалар юз бермагани, хусусан, Астробод (1487–1489)та бормаганлигидан дарал беради. У томошабин наздидә узининг юксак ижодий парвозларға қодир қараши, нозик диди, қаддининг ростлғи, ҳамда сұхбатдошига нисбатан ҳұрмат ва әзтибори билан диққатни үзига жалб қиласы. Агар бу расмдаги шоир тасвирини Маҳмуд Музаҳ-хіб яратған портрет билан қиёсланса, иккала расмда ҳам бир шахс образи, аммо икки хил талқинда, узоқ муддат орасыда яратылғани аён бұлади. Иккала расмда ҳам Алишер Навоийнинг туриш ҳолати бир хил, фақат Қосим Али расміда қадди тикроқ, асога таянған ҳолда, шоир асони номига тутиб турибди, айнан бир хил жома, салла ураш тарзи. Аммо иккала тасвиридеги киши юзини қиёсласақ, деярли икки олам. Албатта умумий аъзолар, соқол, лаб, күз, бурун, пешона тасвири бири-бирига жуда яқин. Фақат Маҳмуд Музаҳ-хіб тасвиrlаган Алишер Навоийнинг юзида унинг ҳаётида юз берған фожеалари, устози ва дүсти Жомийдан ажралиш, захмattалаб ижодий меңнат асорати үз аксини топған. Иккала расмларни қиёслаб, Қосим Али яратған портретда Алишер Навоий қирқ ёшларда булиши мүмкін, деб тахмин қылса бұлади.

Алишер Навоий ва Султон Мұхаммад Мирзо портрети бугунги кунда Туркияning Истамбул шаҳридаги Түпқопу саройидаги Ҳазина музейдаги 2155 рақамлы мурасағынинг 29

П. Шермуҳамедов, Уша асар
164-бет.

² Ғиёсиддин Хондамир. Ҳулосат ул-ахбор. Навоий замондошлари хотирасида. Тузувчи Б. Аҳмедов, Тошкент, Рафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 78-бет.

варағыда сақланмоқда. Уни проф. А. А. Семёнов 1940 йили әълон қилған мақоласыда қайд этиб үтган әди¹. Расм рангли ҳолда 1965 йили турк олими Отоҳ Сирри Леванднинг турт жылдлик «Алишер Навоий ҳаёти, ижоди, асарлари» (Анқара) китобининг биринчи жылдидага әълон қилинған. «Шарқ юлдзузи» журналининг 1968 йилги 9 сонида Алишер Навоийнинг юзи тасвири чоп қилинди. Расм яна рангли ҳолда «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг 1981 йил 8 сонидан ҳам урин олди.

Алишер Навоий тасвири мавжуд яна бир миниатюрани проф. Ҳамид Сулаймон аниқлаб, узи тартиб берган «Алишер Навоий достонларига ишланған расмлар» (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1970) номли терма альбом (32та расмли) да әълон қилған әди². Бу расм юқорида қайд этилганидек, «Садди Искандарий» достонига Қосим Али томонидан ишланған булиб, уни «Улуғ шоирлар анжумани» деб аташ мумкин. Расмда Алишер Навоийни Шарқнинг энг улуғ шоирлари «Хамса» достонлар туркуми тугалланиши муносабати билан қутлаётган ҳолати тасвирланған. Унинг марказида Низомий Ганжавийнинг рамзий тасвири булиб, Абдураҳмон Жомий Алишер Навоийни улуғ шоирга таништирумада. Бу расмда шоир устозлари, салафлари олдида ўта камтар шахс сифатида талқин қилинади. Унинг юзи тасвири бошқа портретларни жуда-жуда эслатади. Аммо бу миниатюрада Алишер Навоий оқ соқолли қилиб күрсатилған. Расм яратилған құлөзма 1485 йили маҳсус Бадиuzzамон Мирзо учун тайёрланған әди. Қосим Али яратган икки расмдаги шоир юзи тасвирланған катта фарқ кишини ҳайратта соладиган даражада.

Шоир портретларини үрганиш да-вомида Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат ҳалқ кутубхонасида сақланаётган Алишер Навоий асарлари мажмуаси құлөзма (Дорн-55^o) даги «Ҳайрат ул-аброр» достонидеги учинчи мақолага иловатарзиде келтирилған ҳикояга ишланған бир миниатюра диққатни үзиге тортди. Унда даъвогар кампир Султон Ҳусайн Мирзодан фарзанди хунини

¹ А. А. Семёнов. Гератское искусство эпохи Навои. Родоначальник узбекской литературы. Сборник статей об Алишере Навои. Ташкент, изд-во Узбекстанского филиала АН СССР, 1940, стр. 140.

² Ш. Қамбарова. Бир миниатюра баҳси. «Гулистон» (журн.), 1975, №3.

талаб қилиб, қозига олиб боргани тас-вирланған¹. Расм марказидаги құшқ олдида, өзі томонда басавлат қози. Унинг рұпарасыда, үнг томонда Султон Ҳусайн Мирзо гунохкорона юкуниб, бошини әгіб турибди, ёнида даъвогар кампир. Сал пастроқда, иккі томонда учтадан одам тасвири. Қозининг орқасыда, құнғир рангли енги узун жомада оқ соқол, оқ саллалы, асога таянған киши тасвири бор. Бу Қосим Али яратган Алишер Навоий портретининг худди узи. Афсуски, киши юзидаги бүеклар учган. Миниатюра ишланған ҳикояни Алишер Навоий ҳаётда ҳам гувоҳи бұлған әди. Шунинг учун бұлса керак, XV аср охира Ҳиротда яратилған бу расмда ҳам биз шубҳасиз күпчилик томонидан тан олинған шоир портретини, аниқроги тасвирини курамиз.

Әроннинг миллій кутубхонасида устод Камолиддин Беҳзод мүйқаламиға мансуб «Орифлар рақси» номли расм мавжуд. Уни Рукниддин Ҳумоюн Фарруҳ номли олим үзининг «Әрон шоҳаншоҳининг китоб ва кутубхоналари» номли асарида (Теҳрон, 1345 ҳижрий) чоп қилған. Бу расмда гуллар қийғос очилған табиат құйнода, күй ва құшиқ жүрлігіда бир гурух тасаввуф намоёндалари рақсга тушмөқда. Бир неча киши четдан бу манзарани кузатмоқда. Кузатувчиларнинг чапдан учинчиси, юқоригоқда, бизга Алишер Навоий портретларидан таниш қиёфада. Енги узун жомада, құлида асо, бошини бир оз қуйи әттінен, хаёлға чүмған. Унинг жомаси, салла үраш тарзи, асога таяниши, юз тасвири, соқоли, қош, күзлари ҳам Алишер Навоий портретларини эслатади. Демек, устод Камолиддин Беҳзоднинг «Орифлар рақси» миниатюрасы ҳаёттій кузатиш асосида яратилған булиб, унда шоирнинг ҳаммага таниш образини кириктеган дейишимиз мумкин.

Тұртта расмда Алишер Навоийни тик турған ҳолатда, енги узун жома кийған, бир хил тарзда оқ салла үраб, құлида асо тутған ҳолда тасвирланғанда, ҳамда Зайнiddин Восифий зикр эттеги расмда ҳам шоирнинг құлида асо бұлғанлығи XV аср иккінчи ярми Ҳирот миниатюра мактабида унинг умумлашма рамзий образи шаклланыб, мавжуд булғанидан гувоҳлик беради. Лекин ҳар бир миниатюрада

¹ Алишер Навоий асарларига ишланған расмлар. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1982, 65-расм.

расом Алишер Навоийнинг умумий ташки қиёфасидаги энг характерли хусусиятларни тасвирилаш билан бирга, унинг образи талқинига, расмда тасвириланётган вақтдаги руҳий ва маънавий ҳолатини ишонарли ва юксак маҳорат билан акс эттирганлар. Бу расмларда шоир қиёфаси, унинг руҳий ва маънавий олами қанчалик түлиқ ва мукаммал тасвириланган деган саволга, унинг «Сабъаи сайёр» достонидаги расом Монийнинг ўзи яратган портрети хусусидаги фикрини келтириш ўринлидир:

Гар беайниҳ ул үлмаса бори,
Шак эмаским, эрур намудори.

Яъни, Алишер Навоий ҳаётлик даврида яратилган ҳар бир портретида унинг образини ёритишга, бой руҳий ва маънавий оламини ифодалашга интилишнинг муваффақиятли самара-сидир.

Алишер Навоий даҳо ижодкор ва мутафаккир булгани сабабли унинг рамзий ва хаёлий портретлари, суратлари булиши ҳам табиий. Мисол учун, ҳозирги кунда Англияning Виндзор сарой кутубхонасида бориб қолган «Хамса» қўллэзмасига XVI аср иккинчи ярмида ижод этган моҳир ҳинд рассоми Дҳанроҳ яратган «Алишер Навоий «Хамса» асарини Султон Ҳусайнга тортиқ қилимоқда» номли расмини олиб курайлик¹. Мазкур миниатюрани таҳлил қилиш жараённида, баъзи мутахассислар расм ҳошиясидаги «Дҳанроҳ яратган Султон Ҳусайн Мирзо расми» деган ёзувга асосланиб, Султон Ҳусайн ёнида китоб топшираётган шахсни малик ул-калом Мавлоно Лутфий деб тахмин қиласидилар². Ваҳоланки, расмда, бизнинг фикримизча, тарихчи Зайниддин Восифийнинг «Бадойиъ ул-вақойиъ» асаридаги Алишер Навоий «Хамса» асарини тугаллаб, уни Султон Ҳусайнга тақдим қилиш ҳолатининг баёни тасвириланган³. Маълумки, «Хамса» асарини яратилишини катта қувонч билан кутиб олган Султон Ҳусайн Алишер Навоийни ўзининг оқ отига миндириб, ўзига маънавий раҳбар деб тан олган

¹ Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар, 83-расм.

² Ф. Сулаймонова. Навоий мусаввири кимлар? «Фан ва турмуш» (журн.), 1983, №2, 10-11-бетлар.

³ А. Н. Болдырев. Алишер Навоий рассказах современников, В кн. Алишер Навоий. Сборник статей. Под ред. А. К. Боровкова. М. – Л., изд-во АН СССР, 1946, стр. 144.

эди. Бу расмда дабдабали таҳтда, бутун аёnlар ҳозирлигига ўтирган Султон Ҳусайнга Алишер Навоий узининг «Хамса» асарини камтарона лутф билан топширмоқда. Албатта, бу расмдаги Алишер Навоий, Султон Ҳусайн ва унинг аёnlари тасвири деярли 90–100 йил кейин тасвирилангани учун ва ҳинд рассоми ихтиёрида тарихий материаллар булмагани сабабли, унинг ўз тасаввuri маҳсулидир.

Яна матбуотда Алишер Навоийнинг янги топилган портретлари тұғрисида маълумотлар эълон қилинмоқда.¹ Ана шуларнинг бири Ҳиндистон пойтахти Деҳли шаҳридаги Миллий музейда сақланаётган миниатюра булиб, «Фан ва турмуш» журналида эълон қилинишича, унда Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий тасвириланиб, устод Камолиддин Беҳзод яратгани тұғрисида ёзув бор экан. Лекин кейинги тадқиқотлар күрсатишича, миниатюра «Беҳзод асарининг кейинги даврда ишланган нусхасидир» деган хуносага келиндики, бу ҳам шубҳалидир.²

Алишер Навоий тасвири мавжуд миниатюралардан яна бири Низомий Ганжавийнинг «Хамса» асарининг 1495 йили Ҳиротда китобат қилинган нодир қўллэзмасининг 214а варагида экан³. Бу расмда шоир тасвири «қирқ-қирқ беш ёшлар атрофида». Бизнинг тушунишимизча, гап «Искандар ва етти донишманд» миниатюраси устида бормоқда. Дарҳақиқат, расм марказидаги Искандар сиймоси, хусусан юз тасвири рассом Қосим Али яратган Алишер Навоий портретини эслатади. Бунинг сабабини достондаги идеал шахс образи тасвирида миниатюрист ўзининг улуғ замондоши Алишер Навоий ташки куринишидан келиб чиқкан булиши эҳтимол. Лекин бу дегани, XV аср иккинчи ярмида яратилган миниатюраларда Маҳмуд Музаҳҳиб ва Қосим Али яратган Алишер Навоий портретларига ухашалиги бор кишилар тасвирини шоирнинг янги портрети деб даъво қилишга етарлича асос бормикан?

Авваллари ҳам Алишер Навоий портретини аниқлашга ҳаракат қила-

¹ Ф. Сулаймонова. Навоий мусаввири кимлар? «Фан ва турмуш», 1983, №2, 10, 11-бетлар; П. Шермуҳаммедов. Уша асар, 161–164-бетлар.

² Нодир топилма. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (газ.), 1985, 22 март.

³ Низомий «Хамса»сига ишланган расмлар, 82-расм.

гандар. 1940 йили Тошкентда чоп этилган, Алишер Навоий юбилейига бағишиланган түпламда ҳам бир миниатюра эълон қилиниб, уни «Алишер Навоий Султон Ҳусайн ҳузурида» деб номлаган әдилар. Лекин ҳеч қандай асос бўлмагани учун у расм уз үзидан унтутилиб кетди.

Маҳмуд Музахҳиб яратган Алишер Навоий портрети Беҳзод асари нусхасими? — деган саволга рассом уз устоди яратган портретдан хабардор бўлган, уни курган булиши мумкин, аммо ундан айнан нусха кўчирган эмас, деб дадил жавоб бериш мумкин. Акс ҳолда, рассом уз устодига ҳурматини сақлаган ҳолда, «Беҳзод асаридан Маҳмуд Музахҳиб кўчирган нусха», деб ёзib қўйган ҳам булади.

Алишер Навоий портретларини урганиш хуносаси сифатида шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, шоир уз даври-

да аҳли фазл ва ҳунар, шу жумладан хаттот ва рассомларнинг ҳам тенгиз мурабийиси ва муқаввийси бўлганлиги сабабли, уз ўрнида атоқли мусаввирлар ҳам миннатдорчилигининг рамзи сифатида Алишер Навоий образини яратганлар. XV аср иккинчи ярми ва XVI аср бошларида ижод этган устод Камолиддин Беҳзод, устод Қосим Али, Маҳмуд Музахҳиб шоир ҳаётининг турли даврларидағи ҳаётий портретларини яратиб, Шарқ тасвирий санъатидаги атоқли кишилар образлари галереясига улуғ шоир ва мутафаккир сиймосини олиб кирдилар. Дадил айтиш мумкинки, Алишер Навоий сиймоси тасвирланган портретлар ва миниатюралар Шарқ миниатюра санъатининг ноёб обидалариdir. Улар келгуси санъаткорлар учун ҳам шоир образини яратишда бебаҳо манба булиб хизмат қилиши шубҳасизdir.

*Абдумажид
Мадраимов*

Алишер Навоий ва китобат санъати

Сурати хат лутфидин ул пок даст,
Эрур қаламрав шаҳига ҳамнишасти.
«Ҳайрат ул-аброр»дан

Улуғ узбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий асарларида китоб яратиш ёки китобат санъатига оид маълумотлар салмоқли урин тутади. Хусусан унинг «Ҳамса» таркибидаги достонлари, «Ҳазойин ул-маоний» девони, «Маҳбуб ул-қулюб» ва бошқа асарларида китобат санъатига тааллуқли фикрлар, кузатишлар талайгина учрайди. Ушбу мақолада «Мажолис ун-нафоис» тазкирасидаги китобат санъати аҳли тўғрисидаги маълумотлар таҳлил этилади. Аммо тазкирада номлари зикр этилган эллик ижодкорнинг китобат санъатига дахлдорлиги, уларнинг ҳар бири тўғрисида батафсил тұхташ бир мақола доирасидаги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ижоди ҳали мукаммал үрганилмаган шахслар мисолида XV аср иккинчи ярмидаги китобат санъати тараққиёти қараб чиқылади.

Алишер Навоий даври китобат санъати, хусусан расм санъати ва

хаттотлик маълум даражада купгина тадқиқотчилар томонидан, шу жумладан А. А. Семёнов, Ҳамид Сулаймон, А. Муродов, Г. А. Пугаченкова, О. Ф. Акимушкин, А. А. Иванов, Н. Норқулов ва бошқалар томонидан урганилган. Лекин бизнинг кузатишларимиз шундан далолат бермоқдаки, шу соҳа мутахассислари уз тадқиқотларида «Мажолис ун-нафоис» тазкирасидаги мавжуд маълумотларни барчасидан етарлича фойдаланмаганлар. Бу эса, уз навбатида Алишер Навоийнинг китобат санъати тўғрисидаги билимини объектив баҳолашга, ҳамда унинг китобат санъати аҳлига муносабатини батафсил ёритишга халақит беради, ўша давр китобат санъати аҳллари тўғрисидаги қимматли маълумотлар мутахассислар эътиборидан четда қолиб кетишига олиб келади. Ваҳоланки, шоир тазкирасидаги китобат санъати аҳли тўғрисидаги маълумотлар ҳатто маҳсус хаттотлик ва расм санъати тарихига оид рисолаларни ҳам маълум даражада тұлдиришга хизмат қилади.

¹ Родоначальник узбекской литературы. Сборник статей об Алишере Навои. Ташкент, 1940.

«Мажолис уп-нафоис» тазкираси тадқиқотчиси олма Суйима Ганиеванинг аниқлашича, бу асарда турт юз эллик түқиз шоир, адаб, тарихчи, олим ва давлат арбоблари ҳақида маълумотлар келтирилган. Бизнинг кузатишиларимиз мазкур ижодкорларнинг элликтаси китобат санъатига дахлор эканлигини курсатди. Шу нарсани алоҳида қайд этиш зарурки, тазкирада номлари зикр этилган барча ижодкорлар саводли, ўқиш ва ёзишдан, яъни, китобатдан маълум даражада боҳабар кишилар бўлган. Аммо биз, Алишер Навоий томонидан ижодкорнинг китобат санъатига маҳсус дахли бор деб таъкидлаган ўринлардагина, уларнинг шахсига эътибор бердик. Бу ўринда иншо ва иншо фани билан шуғулланган ижодкорларни ҳам, гарчи уларнинг фаолияти хаттот ва китобат аҳли ижоди билан айнан бир хил бўлмаса-да, яқинлигини эътиборга олган ҳолда, китобат санъати аҳли доира-сига киритдик, чунки хат санъатидан яхши хабардор булмаган шахс иншо фани билан шуғулланиши гумон эди. Тазкирадаги китобат санъатига дахлор шахсларни шартли равишда қўйидаги уч гуруҳга булиш мумкин: 1. Китобат санъати аҳли — хаттотлар, наққошлар (рассомлар маъносида) ва бошқалар; 2. Китобат санъатида ҳам ўз иқтидорини намойиш этган ижодкорлар; 3. Китобат санъати ҳомийлари.

Китобат санъатига дахлор йигирма турт ижодкор номи Алишер Навоий томонидан тазкирада қайд этилиб, уларнинг машғулот тури ва иқтидор даражаси ҳам ёритилади. Биз уларнинг номлари билан бирга, шоир томонидан ҳар бир шахснинг китобатга қай дараҷада тааллуқдор эканлигини билдирувчи ибораларни ҳам келтиришни лозим топдик: 1. Мавлоно Юсуф Шоҳ («китобат фанида мутаййин киши эрди», 51-бет)¹; 2. Мавлоно Мир Қарший («саҳдофлик дўкони бор эрди», 68-бет); 3. Мавлоно Жамшид («ободон котиб ҳам бор», 101-бет); 4. Мавлоно Мажнун, машҳадлик («хушнавис йигитдур», 107-бет); 5. Мавлоно Мажнуний («китобатгина қила олур», 119—120-бетлар); 6. Мавлоно Фигоний Мир Сайд Гўянда («мужалладлиғ ҳам билур ва нақшбарлигда ҳунармандур»); 7. Хо-

жа Мансур, журжонлик («битикчи қавмидиндир», 131-бет); 8. Султон Маҳмуд («битикчининг ўғлидур», 131-бет)¹; 9. Мавлоно Мир Али (135-бет)²; 10. Паҳлавон Котиб («китобат қилур», 135-бет); 11. Мавлоно Ҳожи Муҳаммад, машҳадлик (Алишер Навоийнинг шахсий китобдори — М. А. 149-бет); 12. Ҳофиз Муҳаммад Султоншоҳ («хушнавис хаттотдур», 150-бет); 13. Шайҳзодайи Пуроний («хутутни андоқ битидиким», 153-бет); 14. Мавлоно Нойи, сабзаворлик («иншо била нома хатин битирга машҳурдур», 154—155-бетлар); 15. Мавлоно Абдулвоси («иншо фанида моҳир», 155-бет); 16. Ҳожа Султон Муҳаммад, шорахлик («нома хатин доғи ширин битир», 155—156-бетлар); 17. Мавлоно Шер Али («настаълиқ хатини андоқ битидиким», 157—158-бетлар); 18. Мавлоно Султон Али Машҳадий («Қиблат ул-куттоб», 158-бет); 19. Мавлоно Султон Али Қойиний (158—159-бетлар); 20. Мавлоно Шариф Багишаҳрий (158—159-бетлар); 21. Ҳожа Маҳмуд, сабзаворлик («хутутни яхши битир», 161—162-бетлар); 22. Мавлоно Сойилий, қаршилик («сариулқалам котиб», 186-бет); 23. Мавлоно Солиҳий, хурсонлик («китобдордур», 187-бет); 24. Мавлоно Ёрий, шерозлик («ободон наққош», 191-бет).

Ҳаммаси булиб, Алишер Навоий тазкирасида бир саҳдофлик дўкони эгаси — Мир Қарший, иккита китобдор — Мавлоно Ҳожи Муҳаммад ва Мавлоно Солиҳий, бир саҳдоф — Мавлоно Фигонийдан бошقا йигирмата хаттот ва наққош ижоди урганилган. Улардан Мавлоно Султон Али Машҳадий, Мавлоно Шер Али, Мавлоно Султон Али Қойиний, Мавлоно Мир Али, Мавлоно Ёрий каби атоқли ва йирик китобат санъати аҳли түғрисида маҳсус илмий рисолаларда, тадқиқотларда ҳам маълумотлар мавжуд. Бу маълумотларни ўзаро қиёслаганда утмишдаги хаттот ва наққошнинг китобат санъатига қўшган хизмати янада аниқ, тулиқ ва мукаммал булиши мумкин. Мисол сифатида ижодлари нисбатан кам урганилган Мавлоно Ҳожи Муҳаммад ва Мавлоно Ёрий ҳақидаги маълумотларни таҳдил этиб кўрайлик.

Ноёб истеъдод соҳиби Мавлоно

¹ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий текст, тайёрловчи Суйима Ганиева. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1961. Кейинги бетлари ҳам шу нашрдан олиниди.

¹ Ҳожа Мансур ва Султон Маҳмуд маҳсус битикчи номли ургудан булиши ҳам мумкин. М. А.

² Алишер Навоий Мир Алиниң хаттотлигини маҳсус эслатмаган бўлса ҳам, у йирик санъаткор булиб етишган.

Ҳожи Мұхаммад түғрисида Алишер Навоий самимият билан ёзади: «Күп-роқ авқот бу фақир (Алишер Навоий — М. А.) била мусоқибдур ва фарзанд үрниғадур, балки андин азиз-роқ. Аҳлоқда малакийдур, башар сурати билан келган ва атворда фариштадур, инсон ҳайъатида зухур қылғон. Табъи софий ва тафаккури барча дикқатларга вофий. Зеҳни муш-кулкүші ва тааммули фунун ишколига расо»¹.

Машҳур тарихчи Ғиёсiddин Хондамир ҳам Мавлоно Ҳожи Мұхаммад-нинг тураи санъатлар соҳасидаги ёрқин истеъодини юқори баҳолайди: «...турли фанлар ва илмлар соҳасида катта маҳоратта әгадур. Бунинг устига у гаройиб хаёлот нақшларини рўзгор лавҳига чизар эди; тасвир ва тазҳиб фанида тамом маҳоратликдур»². Сунгра тарихчи Мавлоно Ҳожи Мұхаммад-нинг кулоллик соҳасидаги тажрибалари ҳамда Алишер Навоий шахсий кутубхонаси учун ихтиро қилган бонг урувчи нақорали сандиқ соати түғрисида ҳикоя қиласи. Хондамир бу ижодкор ҳаёти тафсилотларини ҳам келтиради. Алишер Навоий Астрободга ҳоким сифатида жунатилгандан сўнг Мавлоно Ҳожи Мұхаммад тури Форс, Ироқ үлкаларида мусоғир булиб, сунгра Бадиузвазон Мирзо китобдори булиб хизмат қиласи ва 1507 йили Ҳиротда вафот этади.

Бошқа бир тарихчи Мирзо Мұхаммад Ҳайдар бу санъаткорни Ҳожи Бобо сифатида эслатиб, унинг муйқалам воситасида тасвirlар яратгани, лекин зарҳаллашда бутун Ҳурсонда тенгги йўқ эди, деб таърифлайди. Тарихчининг ҳикоя қилишича, бир анжуманда дўстлари Ҳожи Бободан ўз маҳоратини намойиш этишини сураганларида, у эзликта доира ва ярим доира чизган экан. Дўстлар паргор билан уларни ўлчаб кўрганларида, доира ва ярим доира орасида ҳатто қиласи ҳам фарқ топа олмаган эканлар³.

Мавлоно Ҳожи Мұхаммад номи хат тарихчиси Қози Аҳмад Қумий томонидан ҳам ўз даврининг атоқли

рассомлари қаторида эслатилади.¹ Ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўз истеъодини ривожлантириш учун Машҳаддан Ҳиротга келган Ҳожи Мұхаммад Алишер Навоий ҳомийлиги ва тарбиясидан баҳраманд булиб, ўз замонасининг етук санъаткори булиб етишган.

Алишер Навоий музахҳиб Мавлоно Ерийнинг Шероздан Ҳиротга келганлигини алоҳида эслатади: «Андиким, Ҳурсонга келди. Наққошлика мансуб эрди, аммо мубтади эрди, фақир (Алишер Навоий — М. А.) ани тазҳиб аҳлига сипориш қилдим. Оз фурсатта ободон наққош бўлди ва лекин андоқ маълум бўлдиким, гарази наққошлик ўрганмакдин нақшбозлик эрканурким, андин ажаб нақшлар иш юзага келди ва анинг шарҳининг тули бор»².

Мавлоно Ерий ижоди түғрисида қизиқарли маълумотлар тарихчи Мирзо Мұхаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» номли асарида берилган. Унинг фикрича, Мавлоно Ерийнинг хати тазҳибидан юксакроқ экан. Шундай бўлса-да, музахҳиблика у ўзига тазҳиб ўргатган устози устод Валига нисбатан ҳам моҳир булиб кетган экан.³

Қози Аҳмаднинг «Гулистони ҳунар» асарида Мавлоно Ерий Мавлоно Султон Али Машҳадий билан ҳамкорликда ижод этгани, ҳамда ўз замонасининг тенгсиз музахҳиби булиб етишгани таъкидланади⁴.

Алишер Навоий тарбиясидан баҳраманд бўлган атоқли наққош ва музахҳиб Мавлоно Ерийнинг истеъодиди түғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун шоирнинг «Ҳамса» асарининг нодир қулёзмасининг Ленинграддаги М. Е. Салтиков-Шчедрин номли Давлат Ҳалқ кутубхонасида Дорн — 560 рақами остида сақланаётган нусхаси ажойиб зийнатларини кўриш кифоя. О. Ф. Акимушкин ва А. А. Иванов худди шу мажмууда яна Ерий томонидан зийнатланган учта мұтабар қўлёзма мавжудлигини эслатишган.

«Мажолис ун-нағоғис» тазкирасида китобат санъати аҳли ҳақидаги маълумотларнинг яна бир қимматли томони шундаки, бу асарда ижодкорлар харак-

Алишер Навоий. Мажолис ун-нағоғис, 149-бет.

Н. Норқулов, И. Низомутдинов. Миниатюра тарихидан лавҳалар. Тошкент. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат кириёти, 1970, 121-122-бетлар.

Б. Грэй, Л. Биньон, Ж. Вилькинсон. Эрон миниатюралари. Лондон, 1933, 190-ю.

¹ Қози Аҳмад. Гулистони ҳунар. Техрон, 1352 ҳ., 133-бет (форс тилида).

Алишер Навоий. Мажолис ун-нағоғис, 191-бет.

² Б. Грэй, Л. Биньон, Ж. Вилькинсон. Уша асар, 191-бет.

³ Қози Аҳмад. Уша асар, 144-145.

терларининг айрим, хат тарихчилари эътибор бермайдиган хусусиятлари ҳам зикр этилган. Мисол учун йирик хаттот Мавлоно Султон Али Қойинийга берилган таърифига эътибор берайлик. Алишер Навоий ёзади: «... дарвеш йигитдур ва ҳазрати Маҳдумий Нуран (Абдураҳмон Жомий — М. А.) мулозамати шарафи анга даст беридур ва алар мусаннифотидан уэга нима оз китобат қилур ва... табъи ва салоҳияти купдур. Аммо бир кун анга китобат буюрилиб эрди, музд таъйин килурда муболагани ул ерга еткурдиким, ҳар бир байтим бир тангага арзир, деб. Бу маънидин йироқ ҳам эмас. ул сузларким (шоир Жомий асарлари сузлари демоқчи — М. А.) ул битир, ортуқроқ ҳам арзир»¹.

Султон Али Қойиний Ҳиротга келгунча бир неча ҳокимлар хизматида бўлиб, аввал Абдураҳмон Жомий, снгра Алишер Навоий шахсий кутубхонасида хизмат қилган. Бу кун ҳақ талаб қилган хаттот шоир асарларидан «Фаройиб ус-сигар» девонини Ҳиротда кучирган ва қулёзма расмлар билан зийнатлаган. Ҳозир бу нодир китоб Туркияning Истамбул шаҳридаги Университет кутубхонасида 5479 рақами остида сақланмоқда.

Китобат санъати аҳли ҳақидаги «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида келтирилган маълумотлар XV аср иккинчи ярмида Хурросон ва Мавароуннаҳрдаги маданий ҳаётда хаттолар, наққошлар ва музаҳҳибларга эътибор катта эканлигидан далолат беради.

Алишер Навоий китобат санъати соҳасида ҳам уз иқтидорини ва истеъодини синаб куришга интилган йигирма тўрт ижодкор тўғрисида маълумотлар жамлаган. Улар қуйидагилардур: 1. Мавлоно Котибий (11-12-бетлар); 2. Мавлоно Абдулаҳҳоб («иншо фанида беназир эрди», 36-37-бетлар); 3. Ҳожа Ҳасан Ҳизршоҳ, астрободлик («настаълиқ хатин Мавлоно Жаъфар таърийқин таҳлиз қилиб, ширин битир эрди», 53-54-бетлар); 4. Мавлоно Ҳавоий («наққошлиқдан бирор нима вуқуфи бор эрди, филжумла китобат ҳам қила олур эрди», 59-60-бетлар); 5. Мавлоно Садр Котиб («лавандлик мұяссар бўлса эрди, на шеърдин ёд қилур эрди, на хатдин», 62-бет); 6. Мавлоно Риёзий, самарқандлик («етти қалам билан хатни хуб битир эрди», 69-70-бетлар); 7. Муҳаммад Али Ғарибий («хутутни хуб битир

эрди», 79-80-бетлар); 8. Ҳазрат Маҳдуми... Мавлоно Нуридин Абдураҳмон Жомий (83-84-бетлар); 9. Мавлоно Биноий («хатқа ишқ пайдо қилди. Оз фурсатта ободон битиди», 88-бет); 10. Мавлоно Солимий («хатға кушиш қилди», 98-бет); 11. Мавлоно Моний, машҳадлик («ҳуснини бор», 100-бет); 12. Мавлоно Мушрифий, ҳиротлик («нависандаликдин бирор нима вуқуфи бор», 103-бет); 13. Мавлоно Асилий, машҳадлик («настъалиқ хатин ёмон битмас», 103-бет); 14. Мавлоно Фазлий, ҳиротлик («наққошлиқ қилур эрди», 123-124-бетлар); 15. Мавлоно Айний, убалик («китобат ҳам қилур», 128-бет); 16. Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий («иншода мутайин ва машҳур ишлари бор», 143-бет); 17. Султон Иброҳим Мушашаъ («хаттот ҳам бор», 144-145-бетлар); 18. Мирхонд («иншо фанида беназирдур», 145-бет); 19. Устод Қулмуҳаммад, Шибирғондин («фазойили ҳам бор... наққошлиқдек, хатдек», 162-бет); 20. Мавлоно Шарбатий («иншодин соҳиби вуқуфдур... ва наққошлиқ ҳам билур», 162-бет); 21. Ҳожа Камолиддин Ҳусайн («нома хатин яхши битир», 168-бет); 22. Ҳожа Абдулло Садр («хутут фанида беназир бўлди ва иншо фанини ҳам камолга еткурди», 168-169-бетлар); 23. Муҳаммад Солиҳ («хатқа ҳам қобилияти бор», 174-175-бетлар); 24. Ҳожа Ҳурд, самарқандлик («иншо... фунунида ҳам иштиғол қўргузур», 182-бет).

Бу маълумотларнинг энг қимматли томони шундаки, улар маҳсус китобат санъати тарихига оид рисолаларда деярли учрамайди. Ҳудди шунинг учун ҳам, Алишер Навоий асарида номлари зикр этилган бу ижодкорларнинг биргина номлари ҳам уша даврдаги китобат санъати намоёндалари доирасини анча кенг эканлигини кўрсатади. Айрим маълумотлар бошқа манбаларда бўлмагани учун ҳам гоятда қимматлидир. Улар ижодкорларнинг турмушдаги характерлари баъзи қирраларини очишга ҳам хизмат қилади. Масалан, Мавлоно Ҳавоий тўғрисидаги Алишер Навоий келтирган маълумотга назар солайлик: «... Наққошлиқдан бирор нима вуқуфи бор эрди, филжумла китобат ҳам қила олур эрди. Вазурафо дерлар эрдиким, уз ашъорин

¹ Абдураҳмон Жомийнинг дастхат мактублари ҳақида қаранг. Письма — автографы Абдураҳмана Джами из «Альбома Навои». Введение, перевод, примечания и указатели А. Урунбаева. Ташкент, Изд-во «Фан» Узбекской ССР, 1982.

узи битиб, жадвал тортиб, тазхιб қилиб, тайёр ясаб әлга берурким, бу жиҳатдин шуҳрат тутқай. Анга айтиласа, инкор қилиб, ҳазлу мутойиба била уткарур эрди».¹

Яна шундай қизиқ бир факт эътиборга сазоворки, уз иқтидорини хат ёки китобат санъатида намойиш этган шахсларнинг кўпчилиги бир йула бир неча ижод соҳасида муваффақият билан шуғулланганлар. Бу уринда, айниқса самарқандлик Мавлоно Риёзий ва шибирғонлик устод Қулмаҳаммад фаолияти алоҳида ажralиб туради. Алишер Навоий Мавлоно Риёзийнинг истеъдодини юксак баҳолайди: «Ғазални хуб айтур эрди. Жомеъ-ул-фазойил ва муқавијуд-далойил киши эрди ва етти қалам била хатни хуб битир эрди, ва ҳам мулло, ва ҳам ҳофизки, қуръони мажидни етти қирорат билан билур ва ўқур эрди, ва ҳам котиб, ва ҳам шоир, ва ҳам маолий эрди. Улум фанида ҳеч нимарса онга маҳжул қолмас эрди. Бу маънида тахаллуси анга далилдурким, ҳар нимарсаким, хаёл қиласа эрди, айтур эрди ва дер эрди ва хуб боғлар эрди ва хуб тасниф қилур эрди. Илми мусиқий ва адвор, ва нужум, ва истиҳрожи рамал, ва гайри золика ҳеч нимарсадин бенасиб әмас эрди».².

Уз даврининг машҳур созандаси устод Қулмуҳаммад ҳақида Алишер Навоий қуйидаги тафсилотларни келтиради: «Кичик ёшида гижжак чолар эрди. Қобилияти осори ул фанда андин кўп зоҳир эрди, тарбиятига машғул бўлуди. Холо ул фан устодлари мутааддин аниг мусаннифотин ёд тутиб, шогирдлигига бавзи мубоҳидурлар. Толиби илмлкка доғи машғулдир, узга ушоқ фазойили ҳам бор: маърифати тақвимдек, наққошликдек, хатдек. Аммо уд ва гижжак ва қўбузни асрода киши онча чола олмас, муаммо қавоидини ҳам мазбут билур».³

Ушбу санъаткор ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур сўз юрита туриб, унинг Удий тахаллуси борлиги, ҳатто гижжакка учта қил боғлашни ихтиро қилганлиги, ҳамда «аҳли нағмадин ва аҳди создин ҳеч ким мунча куб ва хуб

пешрав боғламағон»лигини алоҳида таъкидлайди.⁴

Устод Қулмуҳаммад Удий уз истеъодини турли соҳаларда муваффақиятли намойиш этиши, хусусан унинг наққошлик ва хаттотлик билан ҳам шуғулланганлиги бир ибратли ҳолдир

Расм санъатига оид рисолалар ва замонавий тадқиқотларда номи қайд этилмаган рассомлар ёки наққошлар Мавлоно Фазлий ва Мавлоно Шарбатий түғрисидаги «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида келтирилган маълумотлар ҳам жуда қимматлидир. Алишер Навоий Мавлоно Фазлийни шундай характерлайди: «Кичик эрканда наққошлик қилур эрди ва назмгина ҳам айтур эрди. Ўзин тамом шоир хаёл қилғондин сунгра тамоми наққошликни тарқ қилиб, шоир булди».

Мавлоно Шарбатий шоир тарбиясидан баҳраманд бўлган истеъод соҳибидур. Алишер Навоийнинг узи ёзди: «...ул ҳам фақир (Алишер Навоий – М. А.) қошида улғайибдур. Тарих ва иншодин соҳиби вуқуфдур ва шеър, ва муаммодин хабардордур ва наққошлик ҳам билур. Бир таснифи илқида борким, туганса куп фавоид андин әлга мутасаввирдур. Абнойи жинсида онча салоҳиятлик киши оздур. Фунун касбида ул мартабада моҳирдурким, кичик ёшида қориликни ҳам касб қилибдур»⁵.

Юқорида келтирилган мисоллар шундан далолат берадики, хат ва расм санъати тарихига оид манбаларда фақат шу соҳанинг энг атоқли ёки иқтидорли намоёндалари ҳақида маълумотлар келтирилган экан, холос. Биргина Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси яна куплаб истеъод эгаларининг хаттотлик ва наққошлик билан шуғулланганлигини курсатади. Қолаверса, уз даврининг атоқли ижодкорлари бўлмиш Мавлоно Котибий, Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Биноий, Муҳаммад Солиҳ ва бошқалар ҳам хаттотлик санъатини эгаллашга ҳаракат қилганлиги диққатга сазовордир.

Китобат санъатига ҳомийлик курсатган икки давлат арбоблари Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Бойсунғур Мирзо

¹ Алишер Навоий. Уша асар, 59, 60-бетлар.

² Алишер Навоий. Уша асар, 69, 70-бетлар.

³ Алишер Навоий. Уша асар, 62-бет.

⁴ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчилар С. Мирзаев, П. Шамсиев. Тошкент, ЎзССР «ФА» нашриёти, 1960, 244-бет.

⁵ Алишер Навоий. Уша асар, 123, 124-бетлар.

⁶ Уша асар, 162-бет.

ва Султон Ҳусайн Мирзо ҳомийлик фаолияти «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида қайд этилган. Ҳусусан, Бойсунғур Мирзонинг ҳомийлик фаолиятини Алишер Навоий жуда юксак баҳолайди: «Хаттот ва нақш, ва созанда, ва гүяндадин мунча беназир кишиким, аниң тарбиятидин ороға кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ замонида пайдо бўлмиш бўлгай»¹.

Алишер Навоийнинг мактабдош дусти ва шоир Султон Ҳусайн Мирзо ижоди таҳлилига тазкиранинг саккизинчи маҳсус мажлиси багишланган². Албатта, XV аср иккинчи ярмида Ҳиротдаги маданий ҳаёт тараққиётида улуғ шоирнинг ҳомийлик фаолияти етакчи ва ҳал қилувчи урин тутади. Шунинг билан бирга, Алишер Навоийнинг бунёдкорлик ва ҳомийлик фаолиятини қўллаб-қувватлаган Султон Ҳусайн Мирзонинг ҳам маълум даражада хизмати бор.

Алишер Навоийнинг ҳомийлик фаолияти ўз замондошларидан Давлатшоҳ Самарқандий, Фиёсиддин Ҳондамир ва бошқаларнинг юксак ва ҳақли баҳосига сазовор бўлган. Аммо шоирнинг бу соҳадаги хизматларини Заҳиридин Муҳаммад Бобур ихчам, лўнда ва ёрқин таърифлайди: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиэ пайдо бўлмиш бўлгай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, Бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музaffer тасвирда Бекнинг саъи ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққи мувваффақ бўлгай»³. Юқоридаги баҳонинг тўғри-

лигини яна бир бор таъкидлаб, шоир саъи ва эҳтимомидан яна рассом, музахҳиб, хаттотлардан Мавлоно Ҳожи Муҳаммад, Мавлоно Ёрий, Мавлоно Шарбатий ва бошқалар ҳам баҳраманд бўлганлигини қайд қилиш зарур.

XVI асрда яратилган Дуст Муҳаммаднинг «Холоти ҳунарварон», («Санъаткорлар аҳволи») ва Қози Аҳмад Қумийнинг «Гулистони ҳунар» («Санъат гулистони») номли маҳсус хат ва китобат санъатига багишлиланган рисолаларида Алишер Навоий даври машҳур хаттотлари, нақш-рассомлари ва музахҳибларига алоҳида эътибор берилган. Аммо «Мажолис ун-нафоис» тазкирасидаги китобат санъати аҳли ҳақидаги маълумотлар ҳатто юқоридаги рисолаларни ҳам маълум даражада тўлдиради, кенгайтиради, машҳур ижодкорлар ҳаётига доир қимматли тафсилотларга бойлиги билан ажралиб турди, уша давр маданий ҳаётини мукаммалроқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Шоирнинг мазкур асаридағи китобат санъати аҳли тўғрисидаги маълумотлар ўзининг ишончли эканлиги билан ҳам ажралиб турди, чунки тазкирада номлари зикр қилинган қалам аҳдининг кўпчили билан муаллиф шахсан таниш бўлган ёки ишончли кишилар маълумотларига таянган.


Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Алишер Навоий фақат китобат санъати аҳдининг машҳур ва беназир ҳомийси булиш билан бирга, бу соҳани йирик билимдони бўлганлигини «Мажолис ун-нафоис» тазкираси мисолида ҳам яққол куриш мумкин. Бу тазкиранинг XV аср иккинчи ярмидаги Ҳуросон ва Мовароуннаҳр маданий, адабий, бадиий, ҳусусан китобат санъати тарихи ва тараққиётини урганишдаги аҳамияти бениҳоя каттадир.

¹ Уша асар, 199-бет.

² Уша асар, 208 – 256-бетлар.

³ Заҳиридин Муҳаммад Бо-

бур. Уша асар, 233-бет.



Анъаналар ва қайта тиклаш



НЕЛЛИ ЗИГАНШИНА.

Китобатга меҳр билан (Искандар Икрамов)

АБДУМАЖИД МАДРАИМОВ.

Маҳобатли расмлар ижодкори (Чингиз Аҳмаров ижодида миниатюра анъаналари)

НЕЛЛИ ЗИГАНШИНА.

Миниатюрадан илҳомланиб (Тельман Мұхамедов)

ЧИНГИЗ АҲМАРОВ, АБДУМАЖИД МАДРАИМОВ.

Миниатюра санъатимизни тиклаб
РАФАЭЛ ТОҚТОШ, АБДУМАЖИД МАДРАИМОВ.

Миниатюра хусусида баҳс
ЧИНГИЗ АҲМАРОВ, АБДУМАЖИД МАДРАИМОВ.

Нақш назокати

Китобатга мехр билан

Узбекистон халқ рассоми Искандар Икромов маҳсус графика таълимини олган республикамизнинг биринчи узбек мусаввири булиб, китоб графикаси тараққиётининг бутун бир йуналиши унинг номи билан боғлангандир. 1929 йили Ленинград рассомлик техникумини битириб Тошкентга қайтгандан кейин Искандар Икромов Узбекистон Давлат нашриётининг китоб графикаси бўлимини бошқара бошлайди. Улуғ Октябрдан кейин қаддини ростлаган халқ билимга ташна эди. Китоб асосий савод чиқарув ва инқилоб гояларини тарғиб этувчи воситага айланди. Одми, аммо аниқ-аниқ ҳарфлар билан терилган, ихчам, инқилоб нафаси уфуриб турган бу китоблар уша оловли йиллар жилоси билан товланарди. Китоб безатувчи рассомлар ҳам китоб расмлари ёрдамида китоб гояси, мазмуни руҳини оммага ёяр эдилар.

Босмахона ишлари технологиясини обдан эгаллаган, китоб соҳти қандай бўлиши лозимлигини нозик фаҳмлаган ва ҳис қиласан Искандар Икромов уз амалий фаолиятининг дастлабки кунларида ноқ нашриёт ишлари маданиятини оширишга тиришди. Шу мақсадда у китоб безаги ва нашр ишларига доир «Расм урганиш қўлланмаси» (1932), «Китоб ва журналлар қандай нашр этилади» (1933) ва бошқа рассомликдан дарс берувчи ўқувчилар, нашриёт ва босмахона ходимлари назарий билимларини оширишга мўлжалланган китоблар ёзди.

Ёш рассомларга китобга ихлос ва унинг сифатли нашрига эътиборни уйғотиш билан бирга Искандар Икромовнинг узи ҳам ижодий изланишлардан толмади. Безаган дастлабки китобларида ёқ даврининг жушқин руҳини ифода этган эди. Undagi расмлар бадиий ифодасида рамзийлик, муболага ва эмблематика устунлик қиласан. Уша шартли рамзий унсурларда ҳам мусаввир ишоравий шаклда бўлса ҳам бадиий асар мазмуни, руҳини беришга интилди. Р. Абдулланинг «Енглик» (1933) шеърлар китобчасининг қизил муқовасига мусаввир нозик оқ чизиқлар воситасида қуёшдан нур эмаётган

уйлар узра ҳилпираётган байроқларни, озод элнинг тантанасини тарататётган радио тўлқинларини маҳорат билан чеккан. Зиннат Фатхуллининг «Ниқоб йиртилди» (1934) китобини бозатар экан, иирик ҳарфлар билан пьеса номини ёзди, ёзув тепасида эса кичик театр ниқоби ва уни гўётилкалаётган, чарақлаётган уткир яшин расмини жойлашириди.

Искандар Икромов узининг илк ижодий қадамларидан бошлаб қулёзма китоблар безагига, ўтмиш масаввирларининг ҳудудсиз фантазияси, безакнинг жозиба қудратига маҳдие булган эди. У узбек нақшларини қунт билан урганди, унинг мураккаб жимжимальари сирини, бүёклар товланишига эришув йўлларини эгаллади. Астасекин узбек миллий нақш турларини, чоп этилажак замонавий китобларни безатишда ишлатишга қизиқади. Ноzik чизиқлар билан чизилган буталар расми, ёки гулчамбарлар билан ураган турли-туман медальонлар кўпчилик нашрларда қулланилди. Медальонлар урталиғида китоб номи ёзиларди. У ранги муқова рангига мос ёки нақшини ёрқин очадиган бўёқ танларди. Мусаввир узбек нақшини боблар бошланиши ва охирларида чекиладиган лавҳаларда ҳам қўллай бошлади. Шу тариқа китоб бадиий безагининг мавзуга мувофиқлиги ва мослигига эришилди. Бу йўлдаги биринчи уриниши А. Саидовнинг «Китоб техникаси» (1932) асарига чизилган расмларда кўринди. Унинг муқова жилди, муқова, унвон ва лавҳаларни Искандар Икромов чизди, расмларини эса — Уста Мумин (А. В. Николаев) яратди. Нозик лавҳа ва хотималар муқовадаги медальонлар нақшига мослаб чекилганини И. Икромовнинг Умаржон Исмоиловнинг «Разаллар» китобида кўрамиз.

Китоб безаги ва нақшлари санъати ривожини 30—40-йилларда Алишер Навоий юбилейи муносабати билан чиқарилган нашрларда кузатса бўлади. Искандар Икромов, шунингдек, В. Рождественский, П. Шоҳназаров мутафаккир шоир асарларини бозатар эканлар, халқ нақшошлиги хазинаси-

дан унумли фойдаланиб, муқова ва китоб безаклари анъанавий битик китоблари тузилиши руҳида бўлишига ҳаракат қилардилар. Нақшлар, уларнинг мураккаб шакллари, гиреҳлар жозибаси, медальонлар зарофатидан руҳланган мусавиirlар муқова безатишда янги композицион ечимлар қидирдилар, нақшларга янгича мазмун бердилар.

И. Икромов муқова безагига айниқса катта эътибор берарди. Алишер Навоий асарлари нашрларининг муқоваси қаттиқ, ледеринга ёки коленкорга босма буртоқ нақш солишда бронза ва Шарқда кўп қулланиладиган фируза ранги ишлатилди. Баъзан муқованинг юзини тамоман нақш билан қопладилар. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» (1941) китобида катта түғрибурчакли узун ва айланма нақшлардан иборат жадвал марказий қисмими гулли нақшлар ўраб олган. Ўртасида фирузаранг фольга устидан лотин ҳарфлари билан асар номи ёзилди. Биринжийранг гулдор гиламча медальони муқованинг қолган қисми нозик нақшларига мос тушган.

Алишер Навоий асарлари нашрида мусавиirlар илк бор муқова жилди безагига эътибор бердилар. Уни китобнинг нақшларга бой узвий қисмига айлантирдилар. Композицион жиҳатдан муқова нақшларига мослаб қолган китоб безаклари ҳам амалга оширилди.

Зарвақларни безатишда ҳам рассомлар үсимлик ва геометрик намоён, мадохил, бута, ғунча нақшларини қулладилар. Баъзида мазмунли суратлар ҳам ишлатдилар. «Лайли ва Мажнун» зарварагига Искандар Икромов гарқ гуллаган боғ, буталарда қушлар ва нақшин боғ дарвозаси тасвирини чекди.

Шарқ адабиёти, айниқса классиклар асарларини нақшлар билан безаш Искандар Икромов ижодининг кейинги даври мұхим хусусияти бўлиб қолди. В. Рождественский, П. Шоҳназаров, С. Мальт, М. Шчировский, Г. Соколов ва бошқа рассомлар томонидан қўллаб-қувватланган 40—50-йиллар нақшин китоб безаклари аксарият узбек китобларининг қиёфасини белгилайдиган булди. Қўлёзма китоблар бой тажрибасидан илҳом олиб, узбек қаштачилиги, үймакорлиги нақшларидан руҳланиб, қандакорлик ва ҳаккокликнинг бетакрор безакларига маҳлиё бўлиб, ҳалқ нақшларини чуқур идрок этган И. Икромов уларни китоб қисмига сингдирди, ҳайратомуз ва мумтоз ўзига хос композициялар тузди.

Мусаввир муқова ва шероза (корешок) нақшларини кашф этишда бой маданий меросимиз анъаналаридан илҳом олди. У узбек ва рус классиклари асарларини безаги билан кифояланиб қолмай, Д. Фурманов, Ойбек,Faфур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ҳасан Пулат ва бошқа ҳозирги замон муаллифлари асарларига ҳам қўл урди. Нашрларнинг ташқи безагини топишида И. Икромов илгариги ишларида булганидек жимжимадор нақшлар билан тўлдириб юборишдан ўзини тияди. Анча ихчам, лунда ва ноёб безаклар излаб топади. У туркман, белорус, қорақалпоқ, грузин, корейс ҳалқлари наққошлиқ санъатидан ҳам илҳомланиб, Г. Ломидзе, Т. Шевченко, Б. Кербобоев, Ким Цин Сон ва Ен Сен Нен ва бошқаларнинг асарларини сурат ва нақшлар билан безайди. И. Икромов туркман гилами нақшлари, корейс ҳалқи санъатида севиб ишлатиладиган парахага ўхшаш нақш ва гуллаб турган дараҳт, шунингдек ҳарфлар шаклида ҳам, ранг беришда ҳам миллий ўзига хосликни ифодалашда событ қолди.

Китобнинг ҳар бир жузви бадиий яхлиталиги билан китобхонга таъсир нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Икромов унинг ҳар бир деталини, шрифтини ўйлаб ясарди. У расмлар билан безаган китобларда шрифтлар баъзан одми, адл, баъзан эса нашқлар билан ўраб ташланган, лекин ҳамиша келитириб чекилган бўларди.

И. Икромовнинг миллий нақшга бўлган ихлоси кейинги йилларда Ўрта Осиёning буюқ мутафаккирлари асарларини безаганида ҳам сўнмаганини гувоҳи бўламиз. Беруний, Ибн Сино ва бошқа донишмандларнинг ихчам безатиаган китоблари шрифт ва безакларининг миллий характеристли ранг беришдаги анъанавий услуби билан киши дикъатини тортади.

И. Икромов безаган китоблар ватанимиздагина эмас, чет элларда ҳам эътибор қозонди. 1959 йили Лейпцигда Халқаро китоб кургазмасида унинг ишлари юқори баҳоланди ва бронза медали ҳамда диплом билан тақдирланди. Улкан санъаткор И. Икромов истеъоди Алишер Навоий «Лирика» китоби (1965)ни безаганда янада ёрқинроқ намоён булди. Аниқ, бежирим нозик мўйқалам ёрдамида чекилган шеърият рамзи товус расми, нозик гул бутаси расми билан уралган муқова жилди нозик ҳарфлар билан ёзилган китоб номига ҳамоҳанг ва китоб шерозасидаги нақшлар жимжимаси билан

64 уйғунашган. Тасвир марказида шерозага көнгайиброк ўтиб кетадиган товус думи; унинг духобадек товланувчи ранг-баранг майдада қора нүқтәлар кулранг дурдек ранга ўтиши қимматбаҳо тошлар жилосини эслатади.

Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейига тайёргарлик куришда И. Икромов мутафаккир шоир китобларининг анъанавий безакларига яна мурожаат этди.

Аммо, 40-йиллардаги нақшларга сероб безаклар урнини ихчам ва гўзал иктиrolар эгаллади, улар кўпжилдлик асалар қиёфасини белгилайди.

Умрининг сунгги дақиқаларигача И. Икромов ҳаётининг асл мазмуни узбек китобига содик қолди. Унга у узининг бор вақти, фикру зикри, ижодий изланишлари ва қалби ҳароратини баҳшида этди.

Абдумажид
Мадраимов

Маҳобатли расмлар ижодкори

Ўзбекистон ССР халқ рассоми, СССР Давлат ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги республика Давлат мукофотлари лауреати, профессор Чингиз Аҳмаров узининг бетакрор маҳобатли деворий расмлари, кўплаб дастгоҳли рангтасвир асалари ва нафис китоб безаклари билан ўзбек совет тасвирий санъати тараққиётiga алоҳида ҳисса қўшган ва катта хизмат қилган атоқли санъаткордир. У тасвирий санъат ривожига СССР халқ рассомлари Урол Тансиқбоев манзаралари, Раҳим Аҳмедовнинг дастгоҳли расмлари, Ўзбекистон ССР халқ рассомлари Искандар Икромов китоб безаклари, Абдулаҳақ Абдуллаев яратган замондошларимиз портретлари каби Чингиз Аҳмаров узининг монументал санъат бобидаги асалари билан ҳисса қўшди. Рассомнинг машҳур деворий расмлар туркумлари, балки бутун ижоди Шарқ миниатюра санъати анъаналари, устод Камолиддин Беҳзод асаларидан илҳомланиш, улардан ўрганиш, уларни замонавий бадиий-эстетик талаблардан, маҳобатли санъат хусусиятларидан келиб чиқиб, қайта яратишга интилиш кучлилиги ва изчиллиги билан яққол ажралиб туради. У ўз асаларида нафис муъжаз расм хусусиятлари, анъаналарини ижодий ривожлантиришга ҳаракат қилган энг биринчи замонавий санъаткор бўлмаса-да, шу соҳада энг баракали, самарали, изчил ва муваффақиятли ижод қилган, асалари жамоатчилик томонидан тан олинган атоқли ижодкордир. У кўплаб хилма-хил деворий расмлар, дастгоҳли

рангтасвир асалари, китоб безакларини яратиш билан бирга, «Улуғбек юлдузи», «Икки дил достони» фильмларини яратишида қатнашган.

Чингиз Аҳмаров 1912 йили Урол тоғи яқинидаги Троицк шаҳрида, зиёли оиласида дунёга келди. Унинг отаси Абдураҳмон Шарқ мамлакатлари, айниқса Ўрта Осиё халқлари тарихи, маданияти, санъати ва адабиётiga жуда қизиққан, Туркия, Саудия Арабистони, Миср ва бошқа мамлакатларга саёҳат қилган одам эди.

1927 йили Аҳмаровлар оиласи Ўрта Осиёга кучиб келиб, аввал Қарши, сунгра Самарқанд шаҳрида яшади. Бу вақтда Чингиз Пермь шаҳрида тузилган махсус бадиий билим юртида таълим олар, таътил кунларини Ўзбекистонда ўтказарди. Бу ердаги одамларни, ҳаётни, ўтмишдан қолган меморчилик ёдгорликларини жуда қизиқувчанлик билан ўрганарди. Ёш рассом ўқишини битириб келиб, Самарқанд шаҳрида ижод қилаётган бир гурӯҳ санъаткорлар П. Беньков, А. Сиддиқий, О. Татевосъян ва бошқалар билан ёнма-ён ишлаб ўз бадиий маҳоратини ўстиради. Самарқанддаги илк ижодий жараён, ўзидан катта ва малакали рассомлар билан мулоқотда булиш ёш санъаткорда яна ўқиш билимини ошириш истагини уйғотади.

1935 йили Чингиз Аҳмаров Москвадаги Олий бадиий институтга ўқишига кирди. уни тугатгач, институт қошидаги аспирантурани ҳам битириб чиқди. Институтдаги муаллимларнинг аксарияти атоқли совет рассомлари, санъатшунослари булиб, улар совет

тасвирий санъати тараққиётiga алоҳи-
да хизмат қилган кишилар эдилар.
И. Грабарь, В. Фаворский, Н. Черни-
шев ва бошқалар раҳбарлигига Чингиз
Аҳмаров рассомлик сирларини қунт
 билан урганди, жаҳон тасвирий санъа-
ти тарихи, улуғ рус реалист рассом-
лари ижодини янада мукаммалроқ
узлаштириди, уларнинг таъсирида ёш
рассомнинг дунёқариши бойиб, шакл-
ланиб боради.

Эллик йилдан ортиқ ижоди давоми-
да Чингиз Аҳмаров кенг жамоатчилик-
ка манзур бўлган, турли мавзу ва соҳа-
лардаги кўп ва хуб асарлар яратди.
Буларнинг ҳаммасига хос умумий бир
хусусият уларда муштараклик, яхлит
услуб, бадиий-эстетик принцип мав-
жуудлигидир. Бу ҳам бўлса, бизнинг
фикримизча, асарлардаги чизиқлар
назокати, ранглар уйғуналиги, тарҳи-
нинг мукаммаллиги, образларнинг
кутаринки, шоирона руҳида булиб,
улар ҳаётни, кишиларни янада гўзал-
роқ, олижаноб ва яхшироқ бўлишга
ундайди.

Чингиз Аҳмаров ижодий принцип-
лари, ҳаётий позицияси жиҳатидан
Искандар Икромовга жуда ухшайди,
уларнинг ижоди бири китоб безаги,
бири маҳобатли деворий расм яратиш
бобида ҳамоҳанг ва яқин туради.
Икки забардаст ижодкор маълум дара-
жада ўз асарларида ўтмиш мусаввирлари,
наққошлари ва китобат санъати
аҳли ижодий мероси ва анъаналарини
замонавий санъат талабларидан келиб
чиқиб, ривожлантирилар ва бу соҳада
кatta муваффақиятларни қўлга кирит-
дилар. Шунинг учун ҳам, уларнинг
асарлари ҳалқимиз учун тушунарли,
яқин ва қадрлидир.

Ўтмиш мусаввирлари ижодий
мероси, анъаналари таъсирида яратил-
ган энг биринчи ва ёрқин асарлар
сифатида Чингиз Аҳмаров томонидан
Неъмат Қузибоев билан ҳамкорликда
Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат
Академик Катта театр залларини
безаш учун 1944—1947 йиллари чизил-
ган нафис ва дилбар маҳобатли деворий
расмларни кўрсатиш мумкин. Бу
расмлар ёш ижодкорга дастлаб шуҳрат
келирган, уни элга танитган йирик
асари булиб, уларда улуғ ўзбек шоири
ва мутафаккирининг барҳаёт инсон-
парварлик гоялари сингдирилган
«Ҳамса» туркумидаги турт достон
«Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Маж-
нун», «Сабъаи сайёр» ва «Садди Ис-
кандарий» мазмунидан олинган энг
муҳим воқеалар тасвирига бағищлан-
ган. Айтиш керакки, расмлар сюжети

жуда талабчанлик билан танланган
эди.

Расмларнинг бирида «Айн ул-ҳаёт»
чашмасидан «Баҳр ун-нажот» ариғига
сув очган Фарҳод қўли куксида, сев-
гилиси Ширинни қарши олмоқда.
Янги «Баҳр ун-нажот» яъни, нажот
аригига қараб очилган сувнинг равон
оқишидан беҳад шод бўлган Ширин
юзидағи парда — бурқаъсини олиб,
Фарҳодга ўз миннатдорчилигини из-
ҳор қилмоқда. Бутун ҳалқ нажот ари-
ғига сув очилганидан, асрий орзуси
ушалганидан беҳад хурсанд ва шод.
Гүёки, шоир тасвираганидек:

Халойиқ ичра гавғо тушти ҳарён,
Улус ичра алоло тушти ҳарён.

Бу ажойиб манзара даҳо шоирнинг
«Фарҳод ва Ширин» достонидаги энг
муҳим воқеага бағищланган булиб, у
расмда юксак маҳорат билан тасви-
ланган. Рассом фойдаланган нафис
ранглар уйғуналиги, нозик ва оҳангдор
чизиқлар, фон учун танланган нақ-
шинкор бино кўриниши, қийғос гулла-
ган дараҳт шоҳлари, кишилар кийим-
ларидаги безаклар ва расм четидаги
ганч нақшлар барчаси асосий воқеа —
янги нажот ариғига «Айн ул-ҳаёт»
чашмасидан сув очиш маросимини
жуда кутаринки руҳда, хурсандчилик
билан утказилаётгани, кишилар
ҳис-ҳаяжони ва шоду хуррамлигини
ёрқин ифода этишга хизмат қилади.
Бу расмдаги шоирона лирик кайфият,
нафис ва жозибали рангларнинг
ўзаро мутаносиблиги, ҳар бир детал-
нинг аниқ тасвирангани, асар
тарҳининг пухталиги, чизиқлардаги
нозиклик атоқли рассомнинг театрда-
ги барча асарлари учун характерлидир.

Бошқа бир расмда «Лайли ва Маж-
нун» достонидаги, жамият нуфузлари
томонидан рад этилган, пок муҳаббати
туфайли даштга чиқиб кетиб, жони-
ворлар ва табиат билан ҳамдард
булган Қайснинг олдига севгилиси
Лайлининг бориши, уларнинг учрашув
ҳолати акс эттирилган. Ошиқларнинг
ушбу висол — учрашув они Алишер
Навоий томонидан бекиёс эҳтирос
билан куйланган. Воқеа рассом мўйқа-
ламида эса, ўз характеристидан ёки
маҳобатли расм хусусиятидан келиб
чиқсан бўлса керак, бир оз бошқача
талқин этилиб, у ҳазин, лирик ва
интим оҳанг касб этган.

Яна бир расм «Сабъаи сайёр»
достони бош қаҳрамонлари Баҳром
ва Дилоромнинг овдаги баҳсига, бош-
каси эса «Садди Искандарий» досто-

нига бағишланган булиб, унда Искандарнинг ёвуз кучлар тимсоли Яъжуз ва Маъжуздан ҳалқни ҳимоя қилиши учун улкан девор қурдираётгани тасвиrlанган. Барча расмлардаги умумий нағислик чизиқлар назокати катта залдаги ажойиб ганч безакларига жуда монанд тушган.

Алишер Навоий асарларига, хусусан достонларига деярли беш аср давомида мусаввирлар, наққошлар, хаттотлар ва китобат санъати аҳли қайта-қайта мурожаат қилганлар, улардаги илғор ва тараққийпарвар ғоялардан илҳомланиб, таъсиrlаниб ҳамда руҳланиб жуда куплаб ва турли савиядаги бадиий расмлар, нақшлар яратганлар. Уларнинг бир қисми «Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар» (Тошкент, 1970) номли терма ва «Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар» (Тошкент, УзКП МК нашриёти, 1981) номли альбомларда чоп қилинган. Бу ажойиб китобат санъати намуналари шоир асарлари асрлар давомида илҳом манбаи булиб келганини курсатади.

Театрдаги деворий расмларда расом қатор утмиш мусаввирлари томонидан қайта-қайта мурожаат қилинган анъанавий мавзуларни танлаб олган бўлса-да, баъзи ўринларда уларнинг ижодий ютуқларидан ўз меъёрида ва жойида фойдаланиш билан бирга, образлар талқинида, воқеаларга муносабатда бутунлай янгича йўл тутди. Натижада шоир достонларидаги анъанавий мавзулар Чингиз Аҳмаров мўйқаламида янгича талқин қилинди. Бизнингча, бу деворий расмларда Алишер Навоийнинг замонамизга ҳамоҳанг ўлмас ғоялари — меҳнат ва муҳаббат, тенглик ва адолат түғрисидаги орзулари Улуғ Ватан урушидан кейин вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни тиклаётган голиб совет ҳалқининг яратувчилик фаолиятига мос булиб куринади. Гўёки, шоир беш аср муқаддам тараннум қилган илғор ва тараққийпарвар ғоялар ўзбек совет рассоми асарларида янги оҳанг, янги жило ва сайқал топгандай.

Чингиз Аҳмаров театр деворларига расм ишлаш жараёнида улуғ шоир асарларининг бир умрлик мухлиси булиб қолди ва кейинги фаолиятида ҳам уларга қайта-қайта мурожаат қилди. Айни Алишер Навоий асарларига ва унинг даврига бағишланган деворий расмларда ва дастгоҳли асарларида ўша давр улуғ миниатюристи устод Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирд-

лари ижоди таъсири яққол сезилиб туради.

Театр деворидаги расмлар Совет Иттифоқидаги кенг мутахассислар томонидан тан олиниб, рассом бинонинг бошқа яратувчилари академик А. Шчусев, наққошлар уста Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқулов ва бошқалар қаторида биринчи даражали СССР Давлат мукофотига сазовор деб толилган. Ҳақли равишда бу ажойиб расмлар ўзбек совет тасвирий санъати түғрисидаги куплаб фундаментал тадқиқотларда ўрганилмоқда, таҳлил этилмоқда ва маҳсус альбомларда қайта-қайта эълон қилинмоқда.

Алишер Навоий номли Адабиёт музейининг катта залидаги шоир шеъриятига бағишланган расмлар ҳам атоқли рассом ижодида (шогирди Тұхтабек Соипов билан биргаликда яратган) алоҳида ўрин тутади. Бу ўнта расм лавҳаларда ўзбек тилида «куб ва хуб» шеър айтғон» беназир Алишер Навоий шеъриятининг мавзу доираси көнтлиги, юксак бадиий савиясини намойиш этадиган ғазалларидан олинган байтлар мазмуни акс этирилиб, улар шоир маънавийбадиий олами мазмунан бой, юксак ижод маҳсули эканлиги ва инсон-парварлик ғояларини тараннум этилиши яна бир карра, тасвирий санъат образлари воситасида таъкидланади. Расмларда шоирнинг ажойиб байтлари рассом мўйқаламида янгича ифода ва таъсири кутига эга бўлгандаи куринади.

«Навоий шеърияти» номли расмларда Чингиз Аҳмаров утмиш мусаввирларининг яна бир анъанаси, хаттотлик ва рассомликнинг ўзаро ҳамкорлигини тиклади. Бу расм лавҳаларда ягона композицион мавзу асосида яратилган бўлмай, ҳар бири алоҳида алоҳида, мустақил мазмунга эга шеърий парчаларни тасвиrlашга бағишлангандир. Лекин ҳар бир мустақил лавҳа расмлар қадимиy миниатюра санъати анъаналарига биноан ягона, умумий фонда яхлит асардай, катта полотнодай туюлади. Қолаверса, уларни умумий услуг ва шоир шеърияти бирлаштириб тургандай. Ҳар бир лавҳа расм Алишер Навоийнинг энг яхши ва характерли ғазалларининг матлаъси — биринчи бошлангич байтининг мазмунини очиб беришга хизмат қилади. Дид билан танлаб олинган ўнта ғазал бошланиши ҳам шоир шеърияти нафақат куплиги, балки

ўблиги ҳам, яъни мазмунан чуқурлиги, бойлиги ва ранг-баранглиги, инсон кечинмаларининг ниҳоятда юксак бадиий савияда куйлай олганидан далолат беради.

Биринчи лавҳа расм ёнидаги газал матлаъсида лирик қаҳрамон — маҳбуба гузаллиги қуидагича куйланади:

Юзи ойина қилди қузгуни ул сиймбар ҳойил,
Анингдекким, қуёш рухсорига булғай қамар
ҳойил.

Бадиий настаълиқ хатида битилган бу матлаъ қуириогида ажойиб гузалнинг ойинага қараб, уз ҳуснига маҳлиё булиб, ойина юзни эмас, балки гузал юзи ойинани ёритаётганидан таъсирланган ҳолатини кўрамиз.

Иккинчи расм лавҳада кутиш, интизорлик изтиробидан бениҳоят уртаниб, деярли умидсизликка берилиб, бошини ғамгин ҳолда қуий солган ошиқ йигит ҳолати моҳирона очиб берилган. Ғамгин ошиқнинг юқорироғида эса мана бу матлаъ битилган:

Тун оқшом булдию келмас менинг шаъм
шабистоним,
Бу андуҳ үтидин ҳардам куяр парвонадек
жоним.

Лавҳа расмларнинг бирида шоир қаламга олган сарвиноз чанг торларини чертиб, уз кайфиятини, руҳий ҳолатини мусиқа оҳанглари ёрдамида изҳор қилмоқда. Гузал тасвирининг бир оз юқорисида настаълиқ хатида қуидаги машҳур матлаъ ёзилган:

Ун саккиз минг олам ошуви агар бошиндадур,
Не ажабким, сарвинозим ун саккиз ёшиндадур.

Яна бир лавҳада ёш лирик қаҳрамон ҳол-бекол, истар-истамас дутор чалиб уз дардини, ғамини куйламоқда. Унинг юқорироғида қуидаги икки сатр:

Не наво соз айлагай, булбул гулистондин жудо,
Айламас тути такаллум, шаккаристонидин жудо.

Расмларнинг бошқасида васл боғида учрашувдан маст булиб сайр қилиб юрган икки — баҳтиёр йигит ва қизни кўрамиз. Расм ёнида улар ҳолатини ифода этувчи шоир орзузи:

Не хуш булғай иковлон маст булсан васл
боғинда,
Қўлум булса аниг буйнида-у оғзим қулогинда.

Ушбу ажойиб расмлар ва шоир

сўзлари бир-бирининг эмоционал ва эстетик завқ бериш таъсир кучини янада оширади. Томошибин бехос узини улуғ шоир яратган афсонавий шеърият боғида сайр қилаётгандай ҳис қиласи. Бундай таассуротни ушбу залдаги қадими мұътабар қулёзмалар, ноёб миниатюралар рангли диапозитивлари ва нусхалари билан янада жонлантиради. Киши ўз-ўзидан гениал шоир ва шоирқалб рассом маҳоратига таҳсин ўқийди. Гүё, улуғ шоирнинг асрлар оша мусавиirlарга қўйган ҳақли талаби:

— Эй мусавиirl дилбаримга сурати монанд қил,
Кўрмакидин хотиримни гаҳ-гаҳи хурсанд қил,—
деган сўзларининг амалга ошганини кураётгандай туюлади кишига.

Музей зали деворидаги ҳар бир лавҳа расм, юқорида қайд этилгандай, алоҳида мустақил мазмунга, мустақил композициян ечимга эга булмаса-да, улар ягона манзара фонида узаро боғланиб, уйғуналашиб, катта эпик характер касб этади. Улуғ шоирнинг ажойиб, сермазмун шеърларини ўқиб, нафосатга тұла, жозибадор расмлардан киши завқ олади.

Мазкур расмларда Алишер Навоий лирик қаҳрамонларининг ёрқин сиймосини, маънавий оламини, характеристики очиб беришда, шеърлар яратилган даврда ижод этган улуғ мусавиirl устод Камолиддин Бекзод бошлиқ атоқли миниатюристлар анъаналари, улар яратган бадиий-тасвирий восита-лардан театрдаги расмларга нисбатан кўп ва унумли фойдаланилган. Бу асосан қаҳрамонлар кийим-кечаги, табиат манзарасида, чизиқларнинг оҳангдорлигига яққол кўзга ташланади. Шунинг билан бирга, расмлардаги қаҳрамон руҳий кечинмалари бугунги инсон қалбидаги энг нозик ва эзгу түйғулар акс садо берәётгандай, балки уларнинг уз дарди, орзузи, шодлиги расмларда тасвиrlангандай куринали. Ушбу расмлардаги лирик қаҳрамонлар сиймолари ўтмиш миниатюристлари яратган улуғ шоир образларининг тасвирий санъатдаги галереясини мальум даражада тұлдирали, кенгайтиради.

Адабиёт музейидаги ана шу деворий расмлар ва узбек совет тасвирий санъати тараққиётiga қўшган катта ҳиссаси учун Чингиз Аҳмаров Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли Узбекистон ССР Давлат мукофотига сазовор болған эди.

Абу Райҳон Беруний номидаги

Шарқшунослик институтидаги эпик деворий расмлар Чингиз Аҳмаров шогирдлари Тұхтабек Соипов, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов билан ҳамкорликда яратған Барча маҳобатли асарлар ичиде кенг күләмлилиги, воқеаларга бойлиги, қаҳрамонлар күплиги ва юксак маҳорат билан яратылғанлығи билан ажралып туради. Уларда ижодкор ҳаёт фалсафаси, тарих яхши ва ёмон воқеалар сил-силасидан иборат, доим әзгулук ғолиб келади, деган гояни тасвиrlайди. Расмларда ҳам доимий узгариш, ривожланиш лавҳалари — тинчлик, инсон ҳаётининг гудаклик, йигитлик чөллари, босқынчилік урушлари, яна қайта қуриш, яратыш манзаралари акс эттирилған. Ижодкор асосий фикрини, гоясина бир нечта ҳаёттій воқеалар, күплаб қаҳрамонлар, кишилар фаялияты орқали күрсатған. Ушбу деворий расмлар түғрисидаги санъатшунос А. Умаров фикрида ҳам уларда Шарқ миниатюра таъсири, анъаналари мавжудлиги алоҳида қайд қилинади¹.

Москвалик санъатшунос В. Н. Докучаева Чингиз Аҳмаровнинг Шарқшунослик институтидаги деворий расмларда яратған нуроний донишманд мўйсафидлар сиймоларини Фарб Уйғониш даври атоқли намоёндаси Микеланджело тасвиrlаган пайғамбарлар образлари билан тенглештиради². Бу бежиз эмас, албатта.

Чингиз Аҳмаровнинг сўнгги йилларда яратған йирик маҳобатли асарларидан бири В. И. Ленин номли Тошкент метрополитенининг Алишер Навоий номли бекатининг безакларидир. Ушбу ишнинг атоқли рассомга топширилиши ҳам унинг улуғ шоир ижодини тасвирий санъатда ифодалашда түплаган катта тажриба ва хизматини тан олиниши деб тушуниш мумкин. Бу асарларни рассом ҳайкалтарош Аҳмаджон Шоймуродов, тажрибали кулол Аҳмад Аминов, ёш рассомлар Икром Қаюмов, Умар Маматбоев, Саъдулла Маматхоновлар билан ҳамкорликда яратған.

Метр станцияси кираверишида кишини Алишер Навоийнинг нуроний сиймоси қарши олаётгандай. Унинг икки тарафида, үнг ва чап

А. Умаров. Чингиз Аҳмаров. Ҳаёти ва ижодий иули ҳақида очерк. Тошкент, Рафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 49—53-бетлар.

Чингиз Аҳмаров. Образы Востока. Альбом. Автор текста и составитель В. Н. Докучаева. Москва, «Советский художник», 1984.

томондаги бештадан деворий лавҳаларда шоир шеърияти қаҳрамонлари образлари буртма расмда акс эттирилған. Уларнинг аксарияти бевосита улуғ шоир шеърларидан руҳланиб, илҳомланиб яратылған бўлса, баъзилари умумлашма образлардир. Бу лирик қаҳрамонлар сиймоси билан танишар экан, киши беихтиёр Алишер Навоий шеърларини зслайди. Мана шоирнинг маҳбубасини тасвирини яратишига интилаётганди мусаввир. Унга қараб Алишер Навоий:

Юзиңек мумкин эрмас, эй мусаввир чекма заҳматким,
Қуёш журмин қушиб ҳал айласанг ранг үлгуси зое.—

дегандек.

Ёки:

Мусаввиреки қилур куйи гардининг рақамин,
Қуёнгки, кўзга чекай сурма милидек қаламин

Бошқа бир лавҳа расмдаги гузал маҳбубага қараб, улуг шоир қуйидаги шеърни битган куринади:

— Эй кўнгил, яхши икки дунёдин,
Бир назар қиласа, санга дилдоринг.

Созанда маҳбуба образи эса Зуҳро сайёрасининг рамзий сиймосига қиёсланаётгандай:

Зуҳра йўлида тушиб наво зер,
Мутриблардек бўлиб, миёнгир.

Алишер Навоийнинг шеърияти шунчалик ёрқин образларга бойки, рассомлар улардан энг характерли шеърий парчаларда ёхуд, бир неча газалларда қайта-қайта куйланган умумлашма қаҳрамонлар сиймоларини яратышган куринади. Шунинг учун бўлса керак, бир лавҳа расмни кўриб, улуғ шоирнинг бир неча бири-бирига яқин келадиган ёхуд ўхшайдиган шеърий парчаларни ёдга олиш мумкин. Мана, мисол учун қийғос очилган гуллар ва шаъмга қиёсланаётганди маҳбуба сиймосини олиб курайлик. Расмини кўргач, Алишер Навоийнинг:

Жонни жанон истаса, қилмоқ тааллул хуб эмас,
Найласун жон, улки бўлгай, сен киби
жанона хуб,—

байти асосида яратылған дейиш ҳам мумкин. Ёхуд:

Хүсни ортар юзда зулған инбарағашон айлагач,
Шаъм равшанроқ әрүр торин паришиң айлагач,

байтими ҳам эслаш мүмкін.

Ижодкорлар ҳар бир образ, ҳар бир ашени яратишар экан, ундан фойдаланиша бевосита улуғ шоир шеъриятига, уша даврда ижод этган миниатюристлар асарларига мурожаат қилишган, уларнинг дунёқараши, диди, орзу умидлари ва бадий-эстетик оламини очишга, улардан ижодий фойдаланишга ҳаракат қилғанлари яққол сезилиб турди. Бу айниқса, кийим-кечак тарзи, ашёлар, бино нақшларида ижодкорлар маълум даражада Алишер Навоий даври руҳини, уша даврга хос хусусиятларни қайта тиклай олғанлигига кўринади. Шунинг билан бирга, расмларда замонамиз руҳи, йигирманчи аср нафаси ҳам уфуриб турди. Улуғ шоир лирик қаҳрамонлари ёрқин сиймолари яратилар экан, рассомлар Алишер Навоий шахсиятини ҳам четлаб утмаганлар. Чап томондаги шоир сиймоси унинг қуйидаги фаҳрияси асосида яратилган деса бўлади:

Дедим: Назм аҳлининг сарҳайли ким бўлгай?
Деди хотиф:
Навоий бўлгай, улким, сен тилайдурсен агар
бўлгай.

Қизғин ижод билан банд улуғ шоир сиймосини кўрган одам унинг узи түғрисидаги қуйидаги байтими хотирлайди:

Менки эллик йил чекиб гам, тоимадим
хушвақтлиг,
Топғаменму умрнинг эмдики ўтмиш хушроги.

Умуман, метро станцияси кириш залидаги улуғ шоир шеърияти қаҳрамонлари сиймолари билан танишиш шуни курсатадики, Чингиз Аҳмаров раҳбарлигидаги ижодкорлар гурӯҳи ажойиб образлар анжуманини яратишганким, бу жойни шеърият ва нафосат маскани деб атаса бўлади.

Алишер Навоий достонлари қаҳрамонлари тасвирланган станция асосий зали афсонавий ер ости қасрини эслатади. Юқорида гулдор гумбазлар, баланд устунлар, икки томон деворига нақшинкор гиламлар осиландай.

Қаср уртасида эса Алишер Навоийнинг «Хамса» тўпламидаги тўрт достонлар мазмунни асосида яратилган буртма расмлар жойлаштирилган. Улар ҳам гилам услубидаги

нақшин композициядан иборат бўлиб, марказий доираларда асосий қаҳрамонлар сиймолари акс эттирилган. Ўнг томондаги деворда «Сабъай сайёр» достони бош қаҳрамонлари Баҳром ва Дилором тасвири туширилган. Ёнидаги расмда эса «Садди Искандарий» достони қаҳрамони Искандар ва бош меъмор — муҳандис. Бош меъмор — муҳандис сиймосида ҳам ижодкорлар Алишер Навоийни эслатувчи характерли юз тузилишини тасвирилаган. Бунинг билан ижодкорлар Алишер Навоийнинг уз давридаги қурилишларга кўрсатган гамхўрлиги ва амалга оширган кўплаб ободончилик ишларини яна бир карра эслатмоқчи бўлган кўринади.

Чап томондаги деворда «Фарҳод ва Ширин», ҳамда «Лайли ва Мажнун» достони қаҳрамонлари, тасвири бор. Нажот ариғи битиши муносабати билан уюштирилган базмда Ширин Фарҳодни меҳмон қиласоқда, унга ибо билан шарбат узатмоқда.

Ёнидаги расмда эса Лайли ва Қайснинг даشتдаги учрашуви акс эттирилган. Бу воқеа бошқа расмлардагидан фарқли ҳазин оҳангда, ғамгин йўналишда яратилганки, ошиқ-маъшуқ сиймолари кишида ҳамдардлик ҳиссиси уйғотади. Шуни таъкидлаш ҳам керакки, бу буртма расмлардаги ҳар бир қаҳрамон уз характерига мос ҳолатда тасвирланган. Масалан, Баҳром ҳаддан зиёд ўзига бино қўйган, магрур. Фарҳод улкан ишларни бажарган камтарин ҳалқ қаҳрамони. Искандар ва бош меъмор образлари ҳам Алишер Навоий достонидаги қаҳрамонлар характерига мос келади.

Улуғ шоир достонлари асосида яратилган буртма расмларни театр биносидаги деворий расмлар билан қиёслаш шуни курсатадики, метро қасри ижодкорлари ҳам анъанавий сюжетлардан фойдаланган ҳолда, асосий образлар талқинида характерларини чуқурроқ очишга муваффақ бўлганлар. Шунинг билан бирга, иккала расмлар ҳам республика тасвирий санъатидаги навоийшунослик ҳамда, Шарқ миниатюралари анъаналаридан фойдаланишда янги босқичdir.

Чингиз Аҳмаров ўзи мустақил ва бошқа шогирдлари билан ҳамкорликда кенг қуламли, мураккаб композицияли, кўп персонажли монументал деворий расмлар қаторида алоҳида, мустақил дастгоҳли рангтасвир асарларини ҳам катта маҳорат ва юксак дид билан яратади. Бунга мисол тариқасида «Алишер Навоий мажлиси»

номди катта полотнони, Алишер Навоийнинг «Сабъай сайёр» досто-нидаги етти иқлим гузаллари тас-вири, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги санъатшунослик институти деворидаги расмларни ва бошқаларни эслатиш мумкин. Албатта бу расмларда ҳам Шарқ миниатюра санъати таъсири, унинг анъаналари, хусусан гузал, мукаммал инсон сиймосини яратишдаги рассом орзузи, идеалида намоён булади.

Санъаткор ижоди хусусида фикр юритилганда кўпчилик санъатшунос-лар унинг ўтмиш аждодлар бадиий меросидан, миниатюристлар анъана-ларидан, жаҳон тасвирий санъати ютуқларидан баҳраманд булғанлигини қайд этадилар. Лекин бу рассом фақат ўтмиш мусаввирлари тажрибасига тая-ниб, улар ижодий ютуқларини, анъана-ларини айнан қайтаради, деган гап эмас.

Халқимиз тарихига оид расм яратадиган ҳар бир ижодкор ўтмишни, Шарқ миниатюраларини ўрганиши, яхши билиши, уша даврдаги воқеа-ҳодисаларни ўз ижодий услуби, прин-

ципларидан келиб чиқиб тасвирлайди. Чингиз Аҳмаров ижодида биз худди ана шундай миллий ва жаҳон тасвирий санъати, хусусан миниатюристлар анъаналаридан ижодий фойдаланиш жараёни ва уларни XX аср тасвирий санъати талабларидан келиб чиқиб тараққий эттирганининг шоҳиди бу-ламиз. Шунинг учун бўлса керак унинг асарлари кенг жамоатчилик томонидан тан олинган. Унинг тарбиясида санъаткор булган ва у билан ижодий ҳамкорлик қилган рассомларни Чингиз Аҳмаров мактаби намоён-далари десак ҳақлимиз. Устоз санъаткор ижодидаги асосий тенденция фақат республикамиз бир қатор рассомлари Тұхтабек Соипов, Жавлон Умарбеков, Темур Саъдуллаев, Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Маъруф Салимов ва бошқалар ижодидагина эмас, балки қардош Тоҷикистон ва Озарбайжон ёш рассомлари ижодида ҳам намоён булмоқда. Бу эса атоқли рас-сом ижоди фақат Ўзбекистондагина эмас, ундан ташқарида ҳам катта обру-га эга эканлигидан гувоҳлик беради¹.

Нелли Зиганшина

Миниатюрадан илҳомланиб

Шарқ миниатюраси санъати асрлар шоша ўзининг ҳаётий жон томирлари билан замонамиз руҳига сингиб, кўплаб мусаввирларимиз ижодига илҳом бағишлиб келмоқда. Истеъдодли мусаввир, тугма талант эгаси Тельман Муҳаммедовга бағишилади. Рассом ҳаётдан барвақт куз юмган булишига қарамай жуда кўп мухлису шогирдлар қолдирди.

Тельман Муҳаммедов Тошкент шаҳрида туғилиб вояга етди. У оддий ҳалқ турмуши ва урф-одатларини яхши биларди. У ҳамма билан тил топишиб кетаверар, кўнгли очиқ йигит эди. Одамлардаги ва ҳаётдаги кулгили жиҳатларни дарров илғаб олар ва шўх ҳангомалари ва ичакузди тасвирларида уларни ўрнига қўйиб ишлата олар эди. Мусаввирининг ўта кузатувчанлиги ҳаммани ҳайратга соларди. У кўпчилик назарига тушмайдиган хос ҳолатларни нозик илиб олар, ёки ақсинча, маълум ҳодиса ёки одам табиати, туриштурмуши, бошини қимирлатиши ёки қўлларини ёзишидаги ғайритабиий-

ликни пайқарди. Муҳим жиҳатларни ушлаб олиш, асл моҳиятини тушуниб етмагунча тиниб-тинчимаслик унинг яратилажак бетакрор асарларидағи образларнинг тұлақонли чиқишини таъминлаган ноёб хислат эди. Иккinci даражали нарсалар асарда акс эттирилмас, бир ўтиришда, мўйқаламнинг дастлабки тебранишларидаёт образ туғиларди. Тасвирда ҳамма нарса ўз ўрнини топар, заррача ортиқча чизги топиш амримаҳол эди.

Ҳазил-мутойиба, асқияга мойиллик Тельман Муҳаммедовни ўспиринлиги-даёт «Муштум» билан ошна қилди. Майнин, бежирим юмор ва утқир ҳажв, дўустона ҳазил ва тиғдор мубо-

¹ А. Умаров. Чингиз Аҳмаров. Ҳаёт ва ижодий иёли ҳақида очерк. Тошкент, 1974; Чингиз Аҳмаров. Ўзбекистон санъат усталари. Альбом. Альбомни тузувчи ва сўзбоши автори А. Умаров. Тошкент, 1979; Чингиз Аҳмаров. Образы Востока. Автор текста и составитель В. Н. Докучаева. Москва, 1984; Т. Махмудов. Эстетика живописи Узбекистана. Ташкент, 1983.

лаға – барчаси долзарб масалаларда чекилган мусаввир асарларида яққол куриниб турарди. Тельман Мұхаммедов енгил ҳазил-мутойиба билангина әмас, аччиқ таънадор киноя, кесатиқни ҳам ишга солиб, кишилардаги нүк-сонларни фош этар, турмушда мұомала өнгіда ҳам муттаҳамлик, тұрачилық, сохта обрұға нисбатан бефарқ қола олмасди.

А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик институтини тугатишига бир йил қолғанда, 1968 йили у республика бадий күргазмасынға үзининг «Кинначи», «Үртоқлик суди», «Кафе» номлы учта график асарини тақдим этади. Шу-шу у республика, Бутуниттифоқ, ва халқаро күргазмаларига қатнашадиган бұлды. Күргазмаларда К. Чуковскийнинг «Доктор Айболит» (1969), Гафур Гуломнинг «Шум бола» (1969), «Ўзбек халқ әртаклари» (1970—1971), «Афанди латифалари» (1970—1971), Мирмуҳсиннинг «Меймөр» (1975) китобларига чизган ишлари, шунингдек «Онам портрети» ва «Автопортрет» (1971—1975) асарлари намойиш этилди.

Гафур Гуломнинг «Шум бола» повестига чизган асарларида рассомнинг ута ижтимоий ҳүшёрги, құвноқ ҳазилни ёқтириши, хушчақчақлик хислатлари «мана мен» деб турарди.

Үргимчак туридек нозик чизгилар оппоқ саҳиға узра майин таралар әкан, кишилар пайқари ёки ашёлар шакли намоён булар зди. Рассом енгил сиёҳқалам билан киғояланар, тасвирнинг ёруғлик ёки соя томонларига аҳамият бермасди. Мақсад – тасвирнинг перспектив қурилиши ҳам әмас. Бу билан китоб расмлари сифатига ҳам путур етмайди, аксина, китоб шундай расмлар билан безатилиши лозимлігінә қаноат ҳосиа қилағыз. Тельман Мұхаммедов асарларида биз унинг турмуш таассуротлари, кузатышларини күп учратамиз. Аммо улар бадий асар мавзусига таалуқтап, уни тұлдирадиган, чуқурлаштирадиган бұлади. Баъзан мусаввир асар мавзусидан ташқари чиқади, унга талқын руҳини, киноя ва некбинликни беради.

Китоб муқоваси, зарварақ ва расмларыда рассом түрли ҳаёт шароитларыда, түрлича одамлар даврасида болани тасвирлар әкан, унинг образини янада бүрттиради. Зүкколик, топқырлық, турмуш тасодиғларига дүң келганды ҳам қызықчилікка мойиллікни йүқтөтмайдиган «шум бола» образында мусаввир катта ҳурмат туяди,

хамдардлық ва киноя билан мұносабат билдиради. Эшон, бой, дарвешлар, бангиларнинг образлари таъқидан қажвиәна чекилган.

Түрли асарларга чеккан иллюстрацияларыда мусаввирнинг үткір ижтимоий ҳүшёрги билан құвноқ латифа, юморга мойиллик қоришиб кетади. Расмлари маңнодор ва пурофода. Ҳажвий иқтидор ва маҳорат әгасигина шу таҳлит сатирик образлари гайритабиий үйдирма туюлмасдан, воқеа-ҳодисанинг үзидан келиб чиқадиган таъсирчан тасвирлар чека олади. Бундай пайтларда Тельман Мұхаммедовнинг мұболовағали ҳажв услуги чегаралы. Унинг мүйқалами хұппасемиз чөхрани чекиб, мүйлов бурами билан күз йириғини сал үзгартыриб, жүссасини бошқачароқ қийшайтираса-ю, күз илғамас құл силтовини ифдаласа бұлды – образ үзининг яп-янги қирралари билан күзга ташланади ва сизни жилмайишга үндайди, завқ бағишлидай.

Мусаввирнинг халқ табиатини, үрф-одатларини чуқур билиши Афанди латифалари ва үзбек халқ әртакларига чизган рангли расмларида намоён бұлды. Бу асарлар бутуниттифоқ, В. И. Ленин таваллудининг юз йиллиги ва СССР ташкил топганинг әллік йиллигига бағишенген халқаро күргазмаларда, шунингдек, Германия, Венгрия, Чехословакия ва Мұғилистондаги күргазмаларда намойиш этилди.

Мазкур асарларда Тельман Мұхаммедов истеъдодининг мұхим қирраси – халқ ижодкорлығи ва миниатюра саньати анъаналарига садоқати намоён бұлды. У чеккан суратларнинг тасвир воситаси оддий ва табиий, тасвирланаётған бадий асар услугидек одми. Мусаввирнинг истеъзоли тоғылдиги тиғдор, шунингдек халқ ижоди дурданаларига хос некбинлик, ҳаётійлик руҳи билан суғорилғани туфайли жозибали. Тельман Мұхаммедов асарлари мұхим ахлоқ тушунчаларига дахлдор, баъзи «қаҳрамон»ларини бошқалар билан бирғаликда қораласа, ҳақнинг ёлғон устидан ғалабасини, олижаноблик, саховат, беғразлик тантанасини бүрттиради. Персонажлар тавсифида мусаввирнинг үз шахсий мұносабати яққол сезилиб туради.

Миниатюра анъаналаридан келиб чиқиб, Тельман Мұхаммедов ўз асарларыда унинг сержило рангларда бадий таассуротини тиниқ ва ёрқин бүёқлар жозибасини, шаклар ани-

лиги ва ҳаракатларнинг эркин маромини сақлашга интилди. Бундай асарларида унинг ранглар жилосини уйғунлаштирувчи уста рассом эканлигини курамиз.

Тельман Мұхаммедов асарларида биз миниатюра тасвирий санъати анъ-аналари мавжудлигидан ташқари, унинг бу санъатга чексиз меҳри, уни нозик ҳис қила олиши ва тушунишини туямиз. Бир куни у ўтмиш мусаввирларининг перо эмас, мўйқалам ишлатганлари, уни тик ҳолда тутиб ҳайратомуз асарлар яратадиганларни ва усулларини билиб олади. Ўзи ҳам шу даражада маҳорат касб этишга бел боғлайди. Тинмай машқ қиласи. Бу мушкул ва шарафли услубни ўргана бошлайди. Лупа ёрдамида мўйқаламнинг нозик нуки билан чекилаётган тасвирийнинг ўргимчак тори каби ингичка деталларини чиза оладиган бўлди. Мўйқалам энди унинг қулида мўъжизалар яратадиганларни бошлади.

Бундай иштиёқда мусаввир табиати, ўз касбига ўзини бутунлай бағишлай олиш хислатларини курамиз. У ўз ижодига ўта талабчан эди. Образни ўз ички шуури билан тасаввур қилиб, уни тасвири этмаса тура олмайдиган чоқдагина қулига мўйқалам оларди. Шуурда етилган нарса ташқари чиқиши талаб этарди. Шунда мусаввир бир нафасда, ҳордиқни ҳам унугиб саҳифаларни тўлдиришни бошлар эди. Тельман Мұхаммедов ҳеч қачон ўзига эрк бермасди. Иши ўзига ёқмай қолса, қаттиқ хафа булар, ишнинг шошилинчлигидан қатъи назар қайта-қайта чизаверарди. Унинг учун ҳар бир асар ижодий саналар ва уни улкан масъулият ҳисси билан ижод этарди. Эҳтимол, касбдошлари, дустлари унинг одилона ва ҳаққоний эътироzi ва танбеҳларга қарамай, гапини ерда қолдирмасликлари ва қадрлашларининг ҳам боиси шундадир.

Тельман Мұхаммедов поғонама-поғона ўтмиш мусаввирлари ижод сирларини, миниатюралар қурилиши-даги ранглар уйғулиги, образларнинг ифодаланиши, нафис ижроси, ифодавий воситалар гармониясини эгаллади. Ўрта аср мусаввирлари сингари энг майда деталларгача эътибор билан чеккани, тасвири композициясидаги ҳар бир буюмни «гапириб» юборгани, ҳис-туйғуга, маънога тўлиқлиги, такрорланмас ва типик муҳит яратадиган ҳайратга тушиб, унинг асарларини соатлаб томоша қилиш мумкин.

Асардан асарга ўтар экан Тельман

Мұхаммедовнинг миниатюра санъати сирларини яхши узлаштираётгани, уларни моҳирона амалда қўллаётгани сезиларди. Афанди латифаларига чекилаган дастлабки открыткалар нашрида унинг тасвир тили ёркин бўёқлар, рангли саҳналар муқоясасига асосланган эди. Кейинроқ чекилаган нусхаларида, шунингдек, узбек халқ ёртаклари нашрига ишлаган тасвиirlарида миниатюра санъатига хос шу хислатни сақлаб қолди, бироқ муайян рангли саҳна тасвирида у нимранглар жозибасини намойиш эта олди, нозик жилоланишлар ясай олди.

Миниатюра санъати намояндаларида эргашиб атроф-муҳит, бинолар, бино ичкариси безаклари, кийимлар ва турмуш икир-чикирларини эътибор билан чизди. Айни пайтда унинг асарларида замонавий санъаткор қулини ҳам курамиз, улар жонли, яъни миниатюра санъати қоидаларига ҳозирги замон кишиси идроки билан ёндошгани эътиборга лойиқ. Миниатюрлардаги сингари гавдалар мавзунлиги, тасвирийнинг бир текисликда ифода этилиши, ранглар ва чизгилар гармонияси, композициянинг поғонавийлигига қарамай Тельман Мұхаммедов асарларида замонавий талқин мавжуд. Бундай ҳол персонажлар тавсифидан келиб чиқади. Улар ёртаклардагидек, баъзан ҳаётий ҳолатларда бир оз ҳажв, ҳикоя аралаш тасвири этилган жонли оламлардир. Мусаввир уларнинг ҳар бирини ўзига хос ташқи куринишда, туриш-турмушида тасвири этар экан, ҳар бирини такрорланмас ва белгили қилиб қуяди. Тасвиридаги воқеа кечаетган ҳолат түғрисида ҳам, шу фикрни айтиш мумкин. Агар бу ҳовли булса, узбекларга хос ҳовли куриниши — пастак пахса уйлар, деворлар, тандир ва ёнида тайёр ўтиналар, нақшин эшик ва ҳоказолар, булар тасвири миллий руҳ ва халқ ҳаётининг ҳазон билмас тароватини беради. Агар мусаввир бошқа тахлитдаги ёртак, персонажлар иштирокидаги ҳолатни, амалдорларни тасвирамоқчи булса, томошабинни уларнинг ҳаёт тарзини, одатини майдачийдасигача ифодалашга интилади, бу ерда ҳамма нарса дабдабали, безаклари бой, бўёқлар чарақлайди.

Шундай қилиб, мусаввир лунда ва умумлашма тасвиirlардан ўз изланишларида схематик образлардан чуқурроқ ва батағсилоқ тавсиф-тасвиirlаригача бўлган йўлни босиб утди.

Вафотидан сал бурун, 1975 йили Т. Мұхаммедов «Автопортрет» яратди. Унда ракурс танлаш, тасвирийнинг саҳи-

фада жойлашуви, бўёқлар муносабати, миниатюрага хос ҳафсала ва моҳирлик билан чекилганлиги, ҳаққоний ифода ва образнинг психологик тавсифини жонли яхлитлантира олди. Эшик тирқишидан кичик устахона куринади. Унда дераза ёнида кичик стол ёнида кўкимтир жинси кийган мусаввир ултирибди. Бир оз бурилиб, бизга жилмаяди. Кўзлари қувлик билан қисилиб турибди. Оғзи ярим очик, гўё мусаввир бир кулгили латифани айтиб бўлди-ю, энди мўйқалам олиб бизга ниманидир чекиб беради. Жонли, ҳаракатчан бир ҳолатда уни билганлар хотирасида қолган.

Т. Муҳаммедов асарларига ҳар гал дуч келганимизда бизга кутимаган янгиликлар бахшида этади, биз учун некбинлик, яхшиликка ва адолатга ишонч сари етакловчи ўзига хос байрам булади.

Т. Муҳаммедов истеъоди ёрқин, тұғма ва чуқур миллый руҳдадир. Унинг ижоди Узбекистон санъатида

муҳим ҳодисадир. Аслида у Узбекистон замонавий графикасидаги бутун бир йўналишга асос солди. Унинг ижодий изланишлари изсиз кетмади. Мусаввир ҳаётлиги чоғидаёқ унга хайрҳоҳ ва бирдамлик қилувчи рассомлар пайдо бўлди, ҳозир ҳам кўпчилик график рассомлар унинг ижодига мурожаат этадилар.

Шуниси қизиқки, бундай рассомлар яратган асарлар миниатюра санъатига хос белгиларга эга булиб, бутаъсир Т. Муҳаммедов ижодий лабораторияси орқали утгандек. Баъзида уста мусаввир санъати услубига эргашиш яқъол сезилиб туради. Қайдаражадалигини айтиш амримаҳол бўлса ҳам, бу бор гап. Аниқки, ҳар бир рассом ўз ўтмишдоши ижодига мурожаат этар экан, ҳар қалай санъатда ўзича бир сўз дегиси келади, ундан бирор янгилик кутамиз. Муҳими, юзаки ухшатма асар булиб чиқмаслигига, ҳодисани чуқур англаб, янги-янги қирраларини ва имкониятларини курсата билишда.

*Чингиз Аҳмаров,
Абдумажид Мадраимов*

Миниатюра санъатимизни тиклаб

Xозирги узбек тасвирий санъатининг ўсиши ва тараққиётида замонавий изланишлар, ўтмишнинг машҳур ижодкорларининг ютуқларига таяниш, уларни ривожлантириш ғоялари яқъол сезилади. Бу ривожланишида Европа классик санъати, улуғ рус реалист рассомларининг анъаналари, атоқли совет ижодкорларининг тажрибалари ҳамда шарқ миниатюра санъати ютуқларидан таъсирланиш ва замонавий изланишлар муҳим аҳамиятга эга. Лекин шу кунгача узбек ҳалқининг замонавий тасвирий санъатида шарқ ҳалқларининг умумий, муштарак маданий мероси бўлган бой миниатюра санъати анъаналари муносиб жой олмаган.

Ваҳоланки, бундоқ ўйлаб кўрилса, санъатнинг баъзи соҳаларида, хусусан ҳозирги узбек совет бадиий адабиётида классик адабиётдаги традицион жанрлар — ғазал, рубоий, достон, узбек совет музикасида — мақом, лапар кабилар энг замонавий жанрлар ва турлар қаторида яшаб келмоқда. Улар совет ҳалқининг фидокорона

меҳнатини куйлашга, кишиларимиз орзу умидларини, ҳис-ҳаяжонларини, кечинмаларини бадиий шаклда акс эттиришда, ҳозирги давримизни тасаввур қилишда муваффақиятли хизмат этиб, шаклан миллый, мазмунан социалистик маданиятимизнинг ажralmas қисмига айланган.

Албатта, бутун дунёни ўзининг юксак маҳорати билан ҳайратда қолдирган моҳир мусаввирларнинг санъат хазинасига қўшган муносиб дурданалари бўлмиш — Шарқ миниатюрасининг таъсирини айрим узбек совет рассомларинигина ижодида, қай бирларининг эса баъзи асарлари дагина қисман қуриш мумкин эди.

Урта Осиё ҳалқлари тасвирий санъати тарихида миниатюра ёки қадимги нодир қўлёзмаларни зийнатлаш учун яратилган нафис мұъжаз расмлар жуда катта урин тутади. Буни кейинги йилларда совет санъатшуносларининг олиб борган йирик тадқиқотлари, эълон қилинган қатор ранги альбомлар ҳам яна бир карра тасдиқлайди.

Шарқ миниатюра санъатини урганишдаги совет олимлари ва санъатшунослари Б. В. Веймарн, Г. А. Пугаченкова, С. И. Тюляев, О. Ф. Акимушкин, А. А. Иванов, О. И. Галеркина, Н. В. Дьяконова, Т. В. Грек ва бошқалар 1960—70-йиллар давомида самарали ва салмоқли натижаларга эришдилар. Жумладан, Ленинград шаҳридаги жаҳонга машҳур хазиналар бўлмиш М. Е. Салтиков-Шчедрин номли Давлат ҳалқ кутубхонаси, Давлат Эрмитажи, СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти Ленинград бўлими, Москвадаги Давлат Шарқ ҳалқлари санъати музейларидағи Шарқ миниатюра санъатининг энг нодир ва ноёб намуналарини альбом ҳолида чоп эттиридилар. Улуғ шоир ва мутафаккирлар Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳиридин Бобур асарларининг муътабар қўлёзмаларига ишланган нафис мұъжаз расмларнинг ажойиб намуналарини юксак матбаа савиясида рангли альбом сифатида эълон қилиниб, кенг жамоатчилик, барча гўзаллик, нафосат мухлислари маънавий мулкига айлантирилди.

Етмишинчи йилларда, хусусан улуғ узбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий туғилган кунига 525 йил тулишини нишонлаш муносабати билан яратилган аксарият тасвирий санъат асарларидан ташқари, рассомлар Тухтабек Соипов, Жавлон Умарбеков, Иван Кириакиди, Темур Саъдуллаев, Абдубоқи Ғуломов, Темурғолиб Жамолиддинов ва бошқалар ижодида ҳам миниатюра санъати анъаналарига мурожаат қилиш сезиларли даражада кучайган эди.

Безакчи рассом Михаил Воронский бир неча йиллар давомида Алишер Навоий номли Давлат Адабиёт музейи, Ойбек номли Узбекистон ҳалқлари тарихи музейи, Андикон адабиёт музейлари учун кўплаб нодир миниатюраларни икки баравар ва ундан ҳам катталаштириб нусхаларини яратди, ўзича Мавлоно Лутфий, Мирзо Бедил портретларини ижод қилди, ҳамда машҳур кулол Муҳитдин Раҳимов билан бирга миниатюраларни сополга ўтказиш буйича ҳамкорликда тажрибалар олиб борди. Бора-бора рассом ўзи ҳам мустақил Шарқ миниатюраси ва китобат нақшларидан келиб чиқиб, мустақил нақшлар ҳамда миниатюралар яратса бошлади. М. Воронский асарлари айнан миниатюранинг ўзи эмас, аммо улар Шарқ

миниатюра санъати, устод Камолиддин Беҳзод ва ўтмиш мусаввирилар ижодини тарғиб қилишда жуда катта маъруфий роль уйнамоқда.

Гарчи Шарқ миниатюра санъати тараққиёти ютуқларини ижодий ўзлаштириш жараёни аллақачон бошланган булса-да, ҳозирги узбек совет тасвирий санъатида бу масала бутунлай ҳал қилинган дейиш қийин. Хусусан, узбек совет рассомлари олдида ҳалқимиз тарихи, адабиёти ва маданияти тараққиётини бугунги кун нуқтai назаридан тасвирий санъат асарларида ёритишида қатор ижодий муаммолар мавжуд. Бу ҳам булса, ҳалқимиз тарихи, адабиёти ва маданияти тараққиётини илк манбалардан кенг ва пухта урганиб, замонавий тасвирий санъатнинг юксак талабларига тула жавоб бера оладиган муносиб асарларда акс эттиришидир. Мана шундай мұхым муаммога дадил кириштан умидли ёш рассомлардан бири Шомаҳмуд Муҳаммаджоновдир.

Аксарият рассомлар Шарқ миниатюра расм санъатидан безаксифат шаклларнинг ўта ихчамлигини, тарҳига хос хусусиятларни, ҳар бир деталнинг аниқлиги, соф ва ёрқин рангларнинг ажойиб гармонияси, кутаринки руҳдаги образлар силсиласи, бадиий услубини ўзлаштиришга ҳаракат қиласалар, Ш. Муҳаммаджонов эса, ўтмиш мусаввириларининг нафис мұъжаз расм яратиш жараёнини айнан қайта тиклашга ҳаракат қилди ва бу соҳада муваффақиятли ижод қилмоқда. Йул-йўлакай у атоқли миниатюристлар маҳорат сирларини ҳам ўрганиб бормоқда. Натижада, бугунги кунда Узбекистонда Шомаҳмуддай Шарқ миниатюра мактаблари тарихи ва услубини яхши билган ва пухта ўзлаштирган миниатюрист-рассомни топиш амри-маҳол.

Ш. Муҳаммаджоновнинг Шарқ миниатюрасини яратиш жараёнини қайта тиклашда унга озарбайжонлик йирик санъатшунос олим, профессор Одил Юсуф ўғли Қозиевнинг «Ўрта аср қўлёзмаларининг бадиий-техник материаллари» (Баку, 1966, рус тилида) китоби жуда катта ёрдам берди. Чунки озарбайжон олими ўз монографиясида миниатюрачи рассомларнинг расм яратиш жараёнини кўплаб Шарқ қўлёзмаларидағи маълумотлар асосида урганиб чиқсан эди. Шундай булса-да, мазкур китобда баён этилган ўтмиш санъаткорларининг расм яратиш жараёни сирларини амалда, хаётда синааб кўриш керак эди.

Худди шу мақсадда рассом мустақил форс ва араб тилларини урганишга кириши, Шарқ миниатюра расм санъатига оид күплаб тадқиқотлар, мақолаларни мутолаа қилиди, альбомларда чоп этилган ва асл нусха нафис мұйжаз расм намуналарини синчиклаб күздан кечирди, урганды. Нихоят, у қадимги мусавиirlар мүйқалами нозиклигига, рангларининг соғлиги ва ёрқинлигига ҳамда бүек ва қоғоз тайёрлаш сирларини әгаллаб, катта муваффақиятларга эриши. У ҳозир СССР Рассомлар союзи аъзоси, күплаб асарлари мамлакатимиз ва чет элларда намойиш этилған, унинг асарларини түккиз чет мамлакат, шунингдек Америка Құшма Штатлари ва Япония санъат ихлосмандари сотиб олған, ижоди ва асарлари түгрисидаги маълумотлар республика газета ва журнallарида, марказий матбуот орғанлари, хусусан «СССР ҳалқ амалий безак санъати» (1985, 11) да ҳам әзълон қилинди.

Шомаҳмуд расм чизиши жуда әрта қизиқди. Бола характеристида сеҳрли ва ажойиб санъат сирларини әгаллашынга катта иштиёқ үйғонди. Илк машқлар бажарып юрган пайтларыда унинг құлиға «Жомий асарларига ишланған рассомлар» номли миниатюралар альбоми тушиб қолди-ю, Шомаҳмуд бир умрга үтмишнинг атоқли мусавиirlари ажойиб ишларининг мафтуни булиб қолди. Миниатюра расм санъатининг энг яхши намуналарига бұлған қизиқишиң үн уч яшар рассомни уша вақтда, яъни 1968 йили янги ташқил қилинған Алишер Навоий номли Давлат Адабиёт музейи залларига қуйилған миниатюра рассомлари нусхалари ва диапозитивларини янада чуқурроқ урганишга үндади. Шомаҳмуд буш вақт топди дегунча адабиёт музейига келиб, соатлаб миниатюрачиларнинг бетакрор сирларини қайтакайта синчиклаб урганар әди.

Рассом П. Бенъков номли республика бадиий билім юртіні мұваффақиятли тугатар экан, диплом иши сифатида қулёзма китоб яратыш жараёнини акс эттирувчи тұртта миниатюра расм ижод этди ва устозлари олқишига сазовор бұлды. Шомаҳмуднинг миниатюраны айнан қайтакикалашында бұлған уринишларини күрган малакали рассом М. Воронский ҳам ғоятда ҳайратда әди. Чунки бу рассом қайта күчирған миниатюра нусхалари Тарих ва Адабиёт музейи залларыда томошабынларга эстетик завқ бағишилаб келаётганига қарамас-

дан, у миниатюраларни айнан үлчамда такрорлай олмаган әди. Балки у расмларни икки-үч баравар катталаштириб, сувбүёқ технологияси асосида тиклар әди. Миниатюралардан айнан нусха күчириш, уларни қайтариш мүмкін эмаслигини мамлакатимиздаги энг малакали муляжист (нусхачилар) ҳам қайд этгандар әдилар. Жумладан, мархұм профессор Ҳамид Сулаймон Алишер Навоий номли Давлат Адабиёт музейи учун янги экспонатлар яратыш мақсадида Ленинграддаги энг машхұр муляжистларни йиғиб, Салтиков-Шчедрин номли Давлат Халқ кутубхонасида сақланыптаған подир миниатюралар нусхаларини ҳар қандай маблағ әвазига бұлса ҳам тайерлаб беришларини илтимос қылғанда, улар бу иш қаршиисида ожиз эканликларини тан олған әдилар.

Еш рассом бириңчи мұваффақиятта жуда әрта эриши. У 1972 йили Чехословакия пойтахты Прага шаҳридаги күргазмага жүнатған, ҳалқи-мизнинг мүгүл босқинчиларига қарши олиб борған озодлік учун курашини акс эттирувчи икки рассоми учун уша күргазманинг бириңчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Билим юртінинг рангасынан булимини битирған Шомаҳмуд Совет Армияси сафида хизмат қилиди, аввал «Совғалар» фабрикасида ва кейинча республика Рассомлар союзи қошидаги ҳалқ санъати «Усто» бирлешмасыда ижод билан банд бұлды. Ҳозирги кунда у Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослық институтыда таъмирчи рассом-миниатюрист булиб ишламоқда. Қулёзма китоб яратыш жараёнини пухта үзлаштириш бүйича ижодий изламоқда.

Ш. Мұхаммаджоновнинг ноёб қобилятини бириңчи булиб пайқаб, унга маълум вақт мураббийлик ва ҳомийлик қылған киши профессор Ҳамид Сулаймон әди. Унинг маслағатига биноан ёш рассом атоқли узбек совет ёзувчisi Абдулла Қодирийнинг машхұр «Меҳробдан чаён» романында ишланған унта расм-лавҳалари мұтасислар томонидан маъқул топилиб, Алишер Навоий номли Давлат Адабиёт музейига қабул қилинған ва уша ерда сақланмоқда. Бу рассомларда XIX аср охиридаги узбек хонадонига хос хусусиятлар ёрқин акс эттирилған. Қолаверса, уларда Шарқ миниатюрасында хос эпиклик ва күп планлилік, ҳар бир детални аниқ тасвирлаш, образлар сил-силасининг таъсири яққол сезилади.

Ижодининг бошларида «Ёдгорлик» фабрикасида ижод қилган рассом (1976—1981) бир гурӯҳ ўз тенгдошлари Маъруф Салимов, Қобил Орифжонов, Миржамол Алимұхаммедов, Абдуғани Султонов, Ориф Аъзамхужаев ва бошқаларни ҳам Шарқ миниатюра санъати сирларини урганишга жалб қилиб, узининг бу соҳада эришган муваффақиятлари билан уртоқлашди, уларга етакчилик, раҳбарлик қилиди. Бу колектив томонидан яратилган кўплаб совғалар шарқ миниатюраси услубида безатилган бевосита ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган, энг яхши намуналари турли конкурс ва кўргазмаларнинг дипломлари ва мукофотлари билан тақдирланган эди.

Шомаҳмуд асарларида шарқ миниатюра санъатининг энг яхши бадий хусусиятлари — табиатни бир оз идеаллаштириб, ёрқин ва соғ рангларнинг ўзаро уйғунлиги, баъзан эса кескин қарама-қарши қўйилиши, жуда нозик, нафис, аммо моҳир хаттотларнинг ёзувини эсга солувчи текис ва равон чизиқлар, тарҳининг оригиналлиги, ихчам сатҳда жуда аниқлик билан яратилган шакллар, танланган мавзу моҳиятини қўнт ва юксак маҳорат билан очиб бериш мавжуд.

Рассомнинг бир туркум асарлари «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг 1980 йил 5-сонида ва «Гулистан» журналининг 1981 йил 12-сонида чоп қилинган бўлиб, улар бир неча йиллар давомида, бир неча услубда яратилган асарлардир. Бу миниатюраларнинг муваффақиятли чиққани ҳеч қандай мақтовга муҳтож эмас. Образларни кутаринки руҳда идеаллаштириб тасвирлаш, нафис чизиқлар назоқати, сюжетнинг очиб берилиши, ёрқин ранглар гармонияси — бу миниатюраларнинг истеъ dodli санъаткор томонидан яратилганини билдиради. Шомаҳмуд мўйқаламида утмиш устод мусаввирларининг кўхна ва деярли унугилган бўёқларига янги ҳаёт, янги, узгача жило баҳш этилди. Унинг расмлари томошабин қалбига бевосита йул топа оладиган нафис тасвирий санъат намуналаридир. Бироқ унинг барча асарларини бир хил юксак бадий савиядага яратилган дейиш қийин. Баъзи лавҳа расмлар ҳали илк ижодий изланишлар натижаси булгани учун, баҳсли уринлар, маромига етмаган образлар учраши табиий. Энг муҳими, бизнингча, бу асарлар томошабинни бефарқ қолдирмайди. Улар ёш рассомнинг катта ижодий йул

бусагасида турганлигидан далолат беради.

Шомаҳмуднинг аксарият асарлари утмиш бадий адабиётидаги турли сюжетлардан ёки тарихий асарлардаги турли воқеалар баёнидан таъсирланиб, илҳомланиб яратганлиги сабабли бугунги кун томошабинининг бу миниатюра сюжетини тўла тушуниши учун қисқагина изоҳ ёки шарҳ талаб қиласди.

Шуни алоҳида таъкидаш керакки, Шомаҳмуд биринчи бўлиб, узбек рассомлари ичидаги Маҳмуд Кошгариининг «Девону луготит — турк» асарига мурожаат қилиди, авторнинг портретини ҳамда, мазкур асардаги қадимги ҳалқ қушиқлари ва афсоналари асосида икки туркум лавҳа расмлар яратди. Биринчи туркум Маҳмуд Кошгари портрети ва саккиз миниатюрадан иборат бўлиб, уларнинг олтиласи «Ёшлик» журналининг 1982 йилги 7-сони саҳифаларида эълон қилинди. Бу миниатюраларни яратишда ёш мусаввир бадий услуг ва ранг танлашда қадимги миниатюра ёки тасвирий санъат услубини эмас, балки ҳалқчиллик ғояси ғоят кучайган XIX аср миниатюралар услубидан келиб чиқиб ижод қилиди, ҳар бир расмда асар учун танланган қушиқ руҳини акс эттиришга интилди.

Маҳмуд Кошгари портрети ва «Девону луготит — турк» асаридаги қадимги ҳалқ қушиқларига ишланган расмлар биринчи туркумни ташкил қиласланларни учун ҳам, уларнинг ҳаммаси бир, яхлит бадий услубда яратилган. Бу асосан табиат, кишилар, жониворлар тасвири талқинида, чизиқлар нозиклигига, рангларни танлашда яққол кўзга ташланади.

Шомаҳмуд кейинча яна Маҳмуд Кошгари асарига қайта мурожаат қилиб, ундаги узига ёққан мавзуларни танлаб, қирқ саҳифали қулёзма яратди. Унда ун етти миниатюра бўлиб, ҳалқ қушиқлари эски ёзув услубида рассом томонидан қулда ёзиб чиқилган эди. Мана шу расмлардан иккитаси «Шарқ юлдузи» журналининг 1985 йил 9 сонида эълон қилинди. Қулёзма эса Америка Қўшима Штатларидан келган фирмаларнинг бирини томонидан олиб кетилди. Ундаги миниатюраларда рассомнинг чексиз фантазияси, ёрқин истеъ dodidан ташқари, унинг ҳам этнограф, ҳам тарихчи сифатида олиб борган ижодий ва илмий изланишлари самараси ҳам намоён булган.

Рассом тажриба сифатида «Калила

ва Димна» асаридаги күнгилчан угри түғрисидаги қиссаны ҳам маҳсус миниатюралы қўлёзма китоб қилиб яратди. Бу қўлёзма расмларида санъаткор асосан XV аср иккинчи ярми Ҳирот миниатюра мактаби услубидан таъсирангани сезилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкини, Шомаҳмуд «Усто» бирлашмасида ижод қилган 1981—1985 йиллари икки қўлёзмадан ташқари биргина Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарига уч юзга яқин миниатюра, яна икки юзга яқин локли миниатюралар билан безатилган қуттиларни ҳам яратди, яъни жуда сермаҳсул ижод қилди. Шунинг билан бирга баъзи тенгдошлари ва ҳамкасалари билан ўзи билган Шарқ миниатюра санъати сирларини уртоқлашди.

1981 йили Узбекистон Рассомлар союзининг қошидаги ҳалқ санъати «Усто» бирлашмасининг миниатюрачилар гурӯҳи ташкил этилиши маданий ҳаётимиздаги катта воқеа бўлган эди. Утган давр ичида бу ерга қатор рассомлар жамланиб, улар ўзларига замонавий миниатюра санъатимизни қайта тиклашни асосий мақсад қилиб олган эдилар. Мазкур миниатюристлар ижодий изланиш, шаклланиш, ва тикланиш жараёнини бошдан кечирмоқдалар. Бирлашмага келган қатор рассомлар ўз истеъодини миниатюра санъати соҳасида синаб кўрмоқдалар.

«Усто» бирлашмаси составида миниатюристлар гурӯҳининг пайдо булишини кенг жамоатчилик қизгин кутиб олди. Палехлик рус миниатюристлари ёрдам қулини чузишга тайёр эканликларини билдирилар, амалда ҳам узбек биродарларига ҳар томонлама ёрдам бериб келмоқдалар. Миниатюра санъати қайта тикланётганини, ёш рассомларимизнинг бу соҳадаги илк ижод намуналарини республика миз газета ва журнallарида ёритилди, эълон қилинди.

Бирлашмада ижод қилаётган серқирра истеъод соҳиби Ниёзали Холматовнинг миниатюра санъатини қайта тиклаш борасидаги фидойилиги алоҳида таҳсинга лойиқ. У локли миниатюра санъати асосларини машҳур рус миниатюра усталаридан урганиб, кейинча Тошкентга келиб, мазкур санъатни қайта тиклаш борасида жонкуярлик қилди. Янги миниатюристлар гурӯҳи ташкил әтилганда Ниёзали ушбу санъат сирларини бошқа рассомларга ургатди. Унинг аксар

миниатюраларида, жумладан «Али Бобо ва қирқ қароқчи» эртагига ишланган ёки «Ов» миниатюралари ижодкор расмининг бадий услуби, рангларнинг танланиши, кийим-кечак тарзида XVI аср Шарқ миниатюра анъаналаридан келиб чиқиб ижод қилгани маълум бўлади.

Умидли ижодкор Файрат Камолов гарчи Тошкентдаги Н. Островский номли театр ва рассомлик институтининг рангтасвир булимини тугатган бўлса-да, кейинча миниатюра санъати сирларини урганишга астойдил кириши. Ҳозиргача Файрат томонидан яратилган миниатюралари кўздан кечириш шундан далолат берадики, бу ижодкор нафис мўъжаз расмларни яратишда узига хос бадий услуб, кунглига яқин образларни қидирмоқда. Лекин ижодий изланишларида у ҳам XVI аср Шарқ миниатюраси услубидан келиб чиқишига, унинг анъаналарини ривожлантиришга ҳараткат қилмоқда.

«Усто» бирлашмасида бир гурӯҳ рассома қизлар ҳам миниатюра санъатини урганишга киришиб, улар ҳам ижодий изланиш билан банд булганлар. Булар Зулфия Шамсиева, Мунира Сотиболдиева, Бурихол Буронова, Дилябар Иминова булиб, улар ҳам йигитлар қаторида ўз ижодий услубларини қидириш билан банд.

Хуршид Назиров ҳам П. Беньков номли бадий республика билим юртини битириб келиб, «Усто» бирлашмасидаги миниатюристларга қушилди ва бу соҳада баракали ижод қилмоқда. У нафис мўъжаз расм сирларини Ниёзали Холматов ва Шомаҳмуд Муҳаммаджоновдан урганиб, ҳам қутичаларни локли миниатюра билан безаш, қоғозда алоҳида миниатюра яратиш буйича ижодий изланиш олиб бормоқда. Рассомнинг асарларини куздан кечириш унинг Шарқ нафис мўъжаз расм санъати асосий услубидан яхши хабардор эканлигидан гувоҳлик беради. Унинг миниатюраларида XV аср Ҳирот ва XVI аср Бухоро миниатюра мактаблари анъаналарига хос хусусиятлар таъсири кузга ташланади.

Замонавий миниатюристлар сафида ижод қилаётган Мирҳамид Собиров, Алишер Йўлдошев, Интизом Асқархўжаев, Валентин Луговской, П. Беньков номли республика бадий билим юртида В. Ан раҳбарлигига таълим олаётган миниатюристлар групплари мавжудлиги бу соҳанинг келажаги порлоқ эканидан далолат беради.

Аввал таклиф этилган бир масала, Шарқ миниатюра санъати тараққиёти, унинг атоқли намоёндалари ҳёти ва ижодий йули түғрисида мактаб ўқувчиларимизга ҳам тушунча бериш керак. Чунки бу қадимий ва жаҳонга машҳур санъат тараққиёти ижодий ютуқларидан замонавий китоб графикасида, амалий безакли санъат соҳасида, маҳобатли деворий расмлар-

да ва бошқаларда муваффақиятли фойдаланишга кенг йўл очиб беради. Бу эса ҳозирги узбек совет тасвирий санъатида миллий анъаналардан ижодий фойдаланган ҳолда, ҳозирги бадиий-эстетик талаблардан келиб чиқиб, янги услугуб, янгидан-янги мактаб ва йұналишларни келтириб чиқаришга кенг илмий-амалий асос яратиб беради.

*Рафаэл Тоқтош,
Абдумажид Мадраимов*

Миниатюра хусусида баҳс

Узбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби, санъатшунослик доктори Рафаэл Тоқтош билан шарқшунос-санъатшунос Абдумажид Мадраимов уртасидаги баҳс.

Шарқшунос: Рафаэл Ҳодиевич, Сизнинг Шарқ миниатюра рассомлигига муносабатингиз қандай?

Санъатшунос: Мен Шарқ миниатюра рассомлигини, хусусан бу нодир санъат дурдоналарини жуда юксак санъат асарлари деб баҳолайман. Лекин профессор Чингиз Аҳмаровнинг бу санъатни тиклаш ва бадиий ўқув юртларида маҳсус курс сифатида ўқитилиши лозим деган фикри тарафдори эмасман. Чунки бу ишни амалга ошириш қийин. Замон ўтди. Ҳақиқий анъанавий миниатюрачилар вафот этиб кетдилар. Китоблар ҳам бошқа техник воситалар билан ишлаб чиқарилмоқда. Қадимий классик миниатюра бетакрордир. Уни қайта жонлантириш мумкин эмас.

Шарқшунос: Сиз Шарқ миниатюра рассомлигини бадиий ўқув юртларида маҳсус курс сифатида бўлғуси санъаткорларга, хусусан рассомларга ўқитилиши тарафдори эмассиз, лекин узбек совет тасвирий санъатида алоҳида мактаб яратган рассомлардан бири Чингиз Аҳмаровнинг кўп йиллик ижоди ҳозирги замон рассомлари томонидан Шарқ миниатюра ютуқларини илмий урганини натижасида давримиз руҳига мос, халқимизга тушунарли ва севимли асарлар яратиш мумкинлигини тасдиқлади-ку.

Санъатшунос: Чингиз Аҳмаров ижоди ҳақида гап кетганда, мен шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлар эдимки, бу санъаткор ижодининг асоси фақатгина Шарқ миниатюра

рассомлигидан иборат эмас. Унинг яратган асарларида замонамиздаги реал шахслар тасвири ҳам мавжуд.

Чингиз Аҳмаров Москвадаги Суриков номли бадиий институтда малакали домлалардан профессионал таълим олгани, рус, Фарбий Ёвропа ва умуман, жаҳон тасвирий санъатини яхши билиши, қўпгина нодир тасвирий санъат намуналарини ўз кўзи билан куриб, урганганинги ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Шарқшунос: Чингиз ака расмлари менга классик музикамиздаги ҳеч зериктирмайдиган мақом каби, шеъриятимиздаги формаси ва мазмунига монанд ажойиб газалдай туюлади. Чингиз Аҳмаров ўз асарларида фақат шоирона рассом эмас, ҳатто тасвирланаётган объектни чукур биладиган синчков тадқиқотчи ҳам. Аммо айрим рассомлар ижодида кўзга ташлананаётган, миниатюрага бўлган катта қизиқиши асосида юзаки сохта «узлаштириш» ёки тақлидчиликлар ҳам мавжуд. Мен назарда тутаётган ишлар: бу айрим кулолчилик асарлари, пластинка гилофларига бузиброқ курилган миниатюралар ёки Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» («Ёш гвардия» нашриёти, 1979) асари фронтисписидаги, «Бобурнома» расмлари ичидаги рассом Падоратнинг «Загизғонлар» расми каби асарлар булиб, булар хусусида қандай фикрдасиз?

Санъатшунос: Янги тасвирий воситалар излаб айрим санъаткорларнинг миниатюра рассомлигига мурожаат қилиши табиий ҳол, аммо рассом тасвирий санъатнинг бошқа ютуқларини ҳам ижодий узлаштириши, ҳаётдаги ўз кузатувчалигини бадиий

асарларида маҳорат билан намойиш этиши асосидагина юксак санъат дурданаларини яратиш мумкин.

Шарқшунос: Аммо ҳозирги Шарқ миниатюра рассомлигига «интилиш», унга тақлид бу санъат моҳиятини айрим рассомларимиз чуқур ўзлаштиримаганлигидан, яхши тушунмаслигидан келиб чиқади, деб ўйлайман.

Санъатшунос: Биласизми, мен Шарқниң гениал рассоми Устод Камолиддин Беҳзод асарларини қайта-қайта куриб завқ оламан, ҳар сафар қайтадан ҳайратланаман. Унинг тенгсиз санъаткорлигини, бүёклар билимдони, уткир тарроҳ ҳамда меъморчилик обидалари нақшларининг беназир устаси бўлиш билан бирга узи тасвирлаган ҳар бир персонаж маънавий дунёсини, психологик ҳолатини юксак маҳорат билан очиб бера оладиган рассом ҳам эканлигини тан олдим. Агар Устод Камолиддин Беҳзодни атоқли санъаткорларга тенглаштириш жоиз бўлса, яратган образларининг ёрқинлиги, улар маънавий дунёсини катта маҳорат билан очилиши, ҳар бир характернинг оригиналлиги, ўзига хослиги ва ҳаётйлиги жиҳатидан улуғ инглиз драматурги ва шоири Вильям Шекспир билан тенглаштирас эдим.

Шарқшунос: Ҳозир республика-мизда Улуғ Октябрнинг шарофати, ҳалқлар дустлиги натижасида барча соҳаларда, экономикада, илм-фанда ва маданиятда жуда катта ютуқларга эришилганки, буни ҳатто энг ашаддий ғоявий мухолифларимиз ҳам тан олишга мажбур. Лекин улар тасвирий санъат соҳасида миллий анъаналар барҳам топган, деб бўхтон қилишади. Ваҳоланки, кўпчилик томонидан тан олинган СССР ҳалқ рассоми, СССР бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси Урол Тансиқбоев, СССР бадиий академияси мухбир аъзоси, СССР ҳалқ рассоми Раҳим Аҳмедов, Ўзбекистон ССР ҳалқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаев ва бошқаларнинг замонамиз руҳини ёрқин акс эттирадиган юксак бадиий асарлари қаторида юқорида қайд этилган Чингиз Аҳмаров асарларини, Ўзбекистон ҳалқ рассоми Искандар Икромовнинг китоб безакларини, талантли ҳажвчи рассом Тельман Муҳаммедининг ўзбек ҳалқ эртакларига яратган лавҳа расмларини, Жавлон Умарбековнинг илк оригинал асарларини, қолаверса, «Совет Ўзбекистони санъати» журналиниң 1980 йил 5-сонида илк бор нашр этилган Шомаҳмуд Муҳаммаджонов миниатюраларини кўрсатиш мумкин. Лекин,

менимча, бу соҳадаги изланишларни бир оз кучайтириш ва рағбатлантирилиши зарурга ухшайди.

Санъатшунос: Искандар Икромов ижоди хусусида шуни айтиш зарурки, бу санъаткор асарлари фақатгина мұтабар Шарқ құләзмалари ёки тошбосма асарлар безаклари асосидагина шаклланди, деб бўлмайди. Искандар ака ўзига нисбатан жуда талабчан, шу билан бирга кузатувчан ва синчков шахс эдилар. У киши ҳалқ амалий санъати асарларидан завқланар, меъморчилик обидалари нақшларини ҳавас билан урганар ва уларнинг ҳаммаси китобий безакларда ўзининг бадиий аксини топар эди. Искандар ака янги ўзбек алифбосини яратгани ҳам маълум. Яна у киши новатор санъаткор сифатида китоблар муқоваларига муаллифларнинг зарбли расмини амалга оширганлар. Искандар ака яратган ажойиб китобий безаклар ўзбек тасвирий санъатининг энг яхши намуналари қаторига киради.

